

НУРИСЛОМ ТУХЛИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН
ИҚТИСОДИЁТИ

ТОШКЕНТ «УЎҚИТУВЧИ» 1994

Ушбу ўқув қўлланмаси Ўзбекистон Республикасининг аҳоли, табиат ва хом ашё ресурслари ва улардан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқариш структураси ва унинг самарадорлиги, аҳоли турмуш даражаси, инвестиция ва молия-кредит сиёсати ҳамда ташқи иқтисодий алоқалари масалаларига бағишланган.

Мақтаб ўқувчилари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари талабалари, умуман иқтисодиёт билан қизқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Т а қ р и з ч и: иқтисод фанлари доктори, профессор
Муҳаммадамин Абдусаломов

Т 4306010600—139 инф. и. — 94
353 (04) — 94

© «Уқитувчи», 1994

ISBN 5—645—02307—2

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида миллий иқтисодиётини барпо этмоқда. Мамлакатнинг бой меҳнат, хом ашё ва бошқа табиат ресурсларидан, халқ хўжалигининг қарор топган структурасидан ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида фаол ижтимоий сиёсат юритиш зарурлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ўзига хос янги иқтисодиёт шаклланиб бормоқда. Республикамизда эски хўжалик юритиш машинаси бутунлай синдириб ташланмасдан, унинг афзал томонларидан кенг фойдаланиб келинмоқда, янги истиқболли ва самарали хўжалик юритиш механизми босқичма-босқич қарор топмоқда. Иқтисодиётимиздаги нисбатан барқарорликнинг сирини ҳам, бозор иқтисодиётига ўтишдаги асосий хусусиятларимиз ҳам ана шундан келиб чиқмоқда. Давлат бош ислохотчи, ислохот тақдири учун жавоб берадиган иқтисодий қудрат ва кафолат сифатида майдонга чиқди. Китоб ана шу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланди. Муаллиф Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида қатор йиллар давомида ушбу махсус ўқув курсини талабаларга ўқиб келди. Шу вақт давомида тўпланган маълум тажрибасига таяниб, уни қўйидаги тартибда ва структурада ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Қўлланмада жадвалларнинг манбалари такрорлашлардан холи бўлиш мақсадида кўрсатилмади. Уларнинг асосий манбаи Ўзбекистон Республикаси истиқболни белгилаш ва статистика бўйича Давлат Қўмитаси томонидан ҳар йили тайёрланадиган статистик тўпламлардир. Ўқув қўлланмасининг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг китобларида илгари сурилган долзарб фикр-мулоҳаза ва хулосалар билан бойитилди.

Ушбу ўқув қўлланмасини такомиллаштиришга хизмат қиладиган фикр-мулоҳаза ва таклифларни бажонудил қабул этамиз.

АҲОЛИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ

АҲОЛИНИНГ ТАБИИЙ ҶСИШИ

Аҳоли ва меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон ноёб минтақалар жумласига киради. Демографик, яъни аҳоли ўсишининг ўзига хослиги мамлакатнинг регионал хусусияти бўлиб, аҳоли ва меҳнат ресурсларининг тез суръатларда ўсаётганлиги билан характерланади (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг ўсиши (минг киши)

Йиллар	Аҳолининг сони	Йиллар	Аҳолининг сони
1865	3320	1975	13778
1897	3730	1980	15757
1913	4366	1986	18423
1918	4366	1987	18936
1924	4258	1988	19430
1939	6440	1989	19905
1950	6264	1990	20322
1959	8119	1991	21207
1970	11799	1993	21703

Ўтган асрнинг охирида Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 3730 минг аҳоли яшаган. Демографик вазиятга урушлар жуда катта таъсир кўрсатади. 1924 йилда бу ерда 1913 йилга нисбатан кам аҳоли яшарди. Аҳоли сони бўйича 1939 йил даражасига фақат 50-йилнинг ўрталамига келиб эришилди. Аҳоли табиий ўсишининг урушгача суръатлари билан (йилига 2,5 фоиз) унинг сони 50-йилларда 10 миллион кишига етиши керак эди. Аммо бунга 60-йилларнинг иккинчи ярмида эришилди. Аҳоли сони 1959—1970 йилларда 15,3 фоизга ўсди. Ўсишнинг ўртача йиллик суръати бу даврда 3,5 фоизни ташкил этди. Кейинги йилларда ҳам аҳолининг ўсиш суръати юқорди бўлди. 1970—1979 йилларда республика аҳолисининг ўсиши 30,4 фоиз, ўртача йиллик ўсиш суръатлари 3,0 фоиздан иборат бўлди.

Бундай йўналиш ўтган ўн йилликда ҳам тўла сақланди. Аҳоли умумий ўсиши 29,0 фоиз бўлиб, ўртача йиллик ўсиш суръатлари 3,0 фоизга яқин бўлди.

1993 йилнинг бошида Ўзбекистон аҳолисининг умумий сони 21703 минг кишини ташкил этди. Шундан 8559 минг киши (39,4%) шаҳарда, 13144 минг киши (60,6%) қишлоқда яшайди.

2-жадвал

Аҳолининг зичлиги

Вилоятлар*	1 км ² га тўғри келадиган аҳоли сони			
	1959	1970	1980	1991
Андижон	183,1	253,3	328,5	452,1
Бухоро	4,0	6,7	9	19,2
Жиззах	10,5	1608	25,7	40,5
Наманган	75,1	112,2	139,2	209,1
Самарқанд	38,9	51,7	74,6	141,6
Сурхондарё	47,4	64,7	89,7	117,6
Тошкент	20,3	32,8	44,3	69,1
Фарғона	128,6	188,2	233,6	279,3
Хоразм	132,3	192,9	244,1	329,3
Қашғар	84,7	226,7	170,1	180,2
Қашқадарё	17,9	29,2	39,5	63,2
Хоразм вилояти	3,1	4,4	5,5	8,1
Республика бўйича	18,1	27,3	34,4	48,5

* Навоий вилояти Бухоро ва Самарқанд вилоятлари таркибига киритилган.

Ўлкада аҳоли табиий ўсишининг юқори суръатлари аҳоли зичлиги (1 кв. км. ҳудудга тўғри келадиган аҳоли сони) кўрсаткичларида ҳам ўз ифодасини топади (2-жадвал). Ўзбекистонда аҳоли зичлигининг ўсишининг барча маъмурий-ҳудудий бирликларида кузатилаётганда. Айниқса, бу кўрсаткич Фарғона vodiysi вилоятларида, Хоразм ва Тошкент вилоятларида анча юқори. Республика бўйича кейинги 30 йилда аҳоли зичлиги 2,5 мартага ошди.

Ўзбекистон аҳолисининг юқори суръатларда ўсиши қатор омиллар билан белгиланади. Туғилишнинг юқорилиги, ўлимнинг нисбатан пасайгани, никоҳнинг кўплиги, ажралишнинг нисбатан камлиги, республикалараро миграция ва бошқалар шу омиллар жумласига киради.

Ўзбекистонда аҳолининг табиий ўсиши ижтимоий-иқтисодий ва демографик характердаги қатор тадбирлар билан рағбатлантириб келинди, албатта.

3-жадвалдан кўриниб турибдики, туғилишнинг энг юқори нуқтаси охириги 1991 йилга тўғри келмоқда. Аммо бу вазиятни тўлиқ белгиламайди. Чунки олдинги йилларга нисбатан аҳолининг ўзи ҳам ўсди. 1992 йилда туғилш 1991 йилга нисбатан бироз камайди.

3-жадвал

Туғилиш, ўлим ва аҳолининг табиий ўсиши
(минг киши)

Йиллар	Туғилганлар сони	Ўлганлар сони	Аҳолининг табиий ўсиши	Ҳар 1000 аҳоли ҳисобига		
				туғилганлар	ўлганлар	табиий ўсиш
1980	540,0	118,9	421,1	33,9	7,5	26,4
1985	679,1	131,7	547,4	37,4	7,3	30,1
1986	708,7	132,2	576,5	37,9	7,1	30,8
1987	714,4	133,8	580,6	37,3	7,0	30,3
1988	694,1	134,4	559,4	35,3	6,8	28,5
1989	668,8	126,9	541,9	33,3	6,3	27,0
1990	691,6	124,5	567,1	33,7	6,1	27,6
1991—	724,1	130,1	594,0	34,5	6,2	28,3
91 йилларда ўсиш, %	134,1	109,4	141,1	101,8	82,7	107,2

Демографик вазиятга таъсир кўрсатадиган омиллардан яна бири аҳоли орасидаги ўлим даражасидир. Ўзбекистонда ўлимнинг умумий коэффиценти ҳар минг аҳоли ҳисобига 6—7 киши. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кировчи давлатлар орасида энг паст кўрсаткичлардан бири. Агар 1 ёшгача болалар ўлими жиддий камайтирилса, бу кўрсаткич янада яхшиланади.

Туғилиш ва ўлим ўртасидаги нисбат аҳолининг табиий ўсишини кўрсатади. Бу кўрсаткич ҳозир 27—28,0 промиллега (ҳар 1000 аҳолига ҳисоблаганда) тенг.

Аҳоли ўсишига ижобий таъсир кўрсатадиган омиллардан яна бири оила муносабатларининг мустаҳкамлигидир. Бу оил маҳаллий халқ хусусиятларидан келиб чиқади. 1992 йилда Ўзбекистонда 235,9 минг никоҳ қайд этилди. Бу жуда юқори кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга 32,8 минг ажралиш рўй бер-

дики, бу ривожланган мамлакатларга нисбатан олганда энг паст кўрсаткичдир. 8,1 никоҳга бир ажралиш тўғри келмоқда. Аммо буни ҳам табиий ҳол деб бўлмайди. Ҳар бир никоҳнинг бузилиши оилавий фожиадир.

Никоҳлар умумий сони ўсиши билан ажралишлар умумий сонининг ҳам ўсаётганлиги ташвишлидир (4-жадвал).

4-жадвал

Никоҳ ва ажралишлар сони

Йиллар	Никоҳлар сони, минг	Ажралишлар сони, минг	Ҳар 1000 аҳоли ҳисобига	
			никоҳлар	ажралишлар
1980	173,6	22,5	10,9	1,4
1985	200,8	26,1	11,0	1,4
1990	217,1	29,9	10,6	1,5
1992	270,3	33,4	12,9	1,6
1980—92 йилларда ўсиш, фоз	235,9	32,8	11,0	1,5
	135,9	145,8	100,9	107,0

Аҳоли сонининг ўсишига акс таъсир этувчи бошқа омиллар ҳам бор. Бу эмиграциядир. Ўзбекистондан чет элга доимий яшаш учун кетганлар сони 1990 йилда 41,9 минг кишини ташкил этган бўлса (энг юқори нуқта), 1992 йилда 16,3 минг кишига тушди. Аммо бу омил аҳоли умумий ўсишига жиддий таъсир кўрсата олмайди. Маҳаллий аҳоли киндик қони тўкилган жойга меҳрли, узоқ манзилларга кўчиб боришга мойил эмас. Бу ҳолат умуман Марказий Осиё халқларининг аъъанавий хусусиятларига мос тушади.

Халқ турмуш даражасини кўтариш фаол демографик сиёсатсиз мумкин эмас. Бундай сиёсат республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олишни, аҳоли сифат характеристикасини яхшилашни, соғлом ҳаёт тарзини рағбатлантиришни кўзда тутати. Демографик сиёсатнинг амалга оширилиши аҳоли саломатлигини тубдан яхшилаш, оилани ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, республика ичида маҳаллий аҳолининг миграцион ҳаракатчанлигини ошириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, иш билан бандликнинг ижтимоий-де-

мографик томонларини шакллантиришни тақозо этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш, саломатлик дастурининг қабул қилиниши ва бошқа тадбирлар ана шу мақсадларни кўзда тутаяди.

АҲОЛИ СТРУКТУРАСИ

Аҳоли структураси турли томондан ёши, жинси, ижтимоий-синфий мансублиги, миллати, маълумоти бўйича ўрганилади.

Аҳоли жинсий таркибига урушлар жиддий ўзгаришлар киритади. 1917 йил арафасида Ўзбекистон аҳолиси структурасида эркеклар — 52,9, аёллар — 47,1 фоиз эди. Деярли шундай нисбат то урушгача сақланди. Уруш йилларида эркеклар ва аёллар нисбати бўйича номуаносиблик бошқа томонга ўзгарди. Урушнинг аксидоси у тугагандан кейин ҳам давом этди. 1959 йилга келиб республика аҳолиси таркибида аёлларнинг улуши 52,0, эркекларники эса 48,0 фоизни ташкил этди. Кейинги йилларда аҳоли таркибида эркеклар ва аёллар нисбатининг бараварлашуви жараёни бормоқда. 1993 йилда аҳоли таркибида эркеклар — 49,5, аёллар — 50,5 фоизни ташкил этди.

Мамлакат аҳолиси структурасида 14 ёшгача бўлган (14 ёш ҳам шунга киради) ўсмир ва қиз болалар сони ва улуши ўсмоқда. Агар 1926 йилда шу ёшдаги гуруҳнинг аҳоли таркибидаги улуши 34,4 фоиз бўлган бўлса, 1980 йилга келиб 45 фоизга этди. Бу ҳолат аҳолининг яшараётганидан далолат беради. Ўртача умр кўришнинг узайиши билан ўрта яшар аҳолининг ҳиссаси ҳам пасайди.

Аҳоли структурасига жинс ва ёш жиҳатидан ёндошиш катта аҳамиятга эга. Чунки меҳнат ресурслари ва аҳолини такрор ишлаб чиқариш худди ана шу жиҳатларга боғлиқ.

Аҳоли таркибини уларнинг турар жойларига қараб ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. 1991 йилнинг бошида Ўзбекистонда 40,3 фоиз аҳоли шаҳарларда истиқомат қиларди. Бу кўрсаткич, айниқса, Тошкент вилояти (43,8%) ва Қорақалпоғистон автоном республикаси (48,2%) да юқори эди. Кейинги йилларда республикада бу кўрсаткич анча барқарорлашди. Бу шундан далолат берадики, маҳаллий аҳоли урбанизация (шаҳарлашти-

риш)га унчалик мойил эмас. Аҳолининг асосий қисми тарихан қишлоқда яшаб келмоқда. Бу тажриба ҳозир ҳам давом этмоқда. Қишлоқда туғилиш суръатларининг юқорилиги ҳам унинг сабабларидан биридир. 1979—1991 йилларда қишлоқ аҳолиси 36,7 фоизга ўсган бўлса, шаҳар аҳолиси 31,4 фоизга ўсди. Агар аҳолининг табиий ўсиши 1000 аҳоли ҳисобига шаҳарда 19,5 бўлса, қишлоқда 33,2. Аҳолининг ижтимоий-синфий структураси ва иш билан таъминланиш муаммоси ўртасида яқин боғлиқлик бор. 1917 йил арафасида Ўзбекистон ҳудудида аҳоли умумий миқдорда ишчи ва хизматчилар 5 фоиз, деҳқонлар — 74,6, қолган ижтимоий гуруҳлар — 20,4 фоиз эди (5-жадвал).

5-жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий-синфий таркиби
(минг киши)

Йиллар	Ишчи ва хизматчилар	Колхозчилар	Иш билан банд бўлганлар умумий сони
1940	736	1418,3	2154,3
1965	2083	971,7	3054,7
1970	2642	1029,4	3671,4
1975	3343	1046,6	4389,6
1980	4168,7	960,6	5129,3
1985	4833,5	1019,0	5852,5
1990	5141,4	1085,3	6226,7
1991	5343,5	1185,6	6529,1
1980—91 йилларда ўсиш, %	726,0	83,6	303,1

Агар 1940 йилда халқ хўжалигида банд бўлганлар умумий миқдорининг 34,2 фоизини ишчи ва хизматчилар ташкил этган бўлса, 1991 йилга келиб бу кўрсаткич 81,8 фоизга этди. Шунга мувофиқ равишда ижтимоий хўжаликда банд бўлган колхозчиларнинг улуши 65,8 фоиздан 18,2 фоизга тушди. Шу йиллар ичида ишчи ва хизматчилар сони 7,3 марта ошди, колхозчилар сони эса, аксинча, 20 фоизга камайди.

Аҳолининг таълим (маълумот) бўйича структураси ҳам такомиллашмоқда. Халқ хўжалигида банд бўлган кишиларнинг умумтаълим даражаси ўсмоқда. Ҳозир халқ хўжалигида ишлаётган ҳар тўрт кишидан бири

олий ва ўрта махсус маълумотга эга. 1991 йилда халқ хўжалигида банд бўлган 1678 минг мутахассисдан 790 мингги олий, 888 мингги ўрта махсус маълумот эгаси эди. Мутахассисларнинг ярмидан кўпроғи халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқларида фаол ян кўрсатмоқда.

Агар аҳолининг миллий таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг асосий қисми (73%) ни ўзбеклар ташкил этади. Ундан кейинги ўринларда руслар, қozoқлар, тожиклар, қорақалпоқлар туради. Ҳаммаси бўлиб республикада 100 дан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қилади.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аҳоли ва меҳнат ресурслари бир хил тушунча эмас. Улар миқдор жиҳатидан ҳам сифат жиҳатидан ҳам бир-бирига мувофиқ келмайди. Меҳнат ресурслари меҳнатга лаеқатли аҳолини ўз ичига олади. Жамият аъзоларининг ҳаммаси эса ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиш имконига эга эмас.

1992 йилда Ўзбекистоннинг меҳнат ресурслари 10,4 миллион кишини ташкил этди. Бу умумий аҳолининг ярми демакдир. Аҳолининг тез суръатларда ўсиши меҳнат ресурсларининг ўсишини таъминламоқда. Улар йилига 200—250 минг кишига ўсмоқда.

Барча меҳнат ресурсларидан 8271,4 минг киши (79,4%) халқ хўжалигида иш билан банд. Улардан 5187,6 минг киши (62,7%) ишчи ва хизматчи сифатида давлат секторида.

1636,4 минг киши (19,8%) колхозчи, матлубот операцияси товар ва хизмат ишлаб чиқарувчи кооперативлар ходимлари сифатида иқтисодиётнинг кооператив секторида, 1447,4 киши (17,5%) индивидуал секторда меҳнат қилдилар. Иқтисодиётнинг индивидуал сектори деҳқон (фермер) хўжаликлари, шахсий ёрдамчи хўжаликлар, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятидан иборат бўлиб маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутмоқда.

Келтирилган маълумотлардан шу нарса кўриниб турибдики, барча меҳнатга яроқли кишилар ижтимоий фойдали меҳнат билан банд этилмаган. Бир миллионга яқин ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган талаба ва ўқувчиларни чиқариб ташлаганда бир миллион атрофида меҳнатга тўла қобилиятли кишилар


амалда ҳеч қаерда ишламайди. Халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 19,7 фоизи саноатда, 18,1 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалигида, 6,9 фоизи транспорт ва алоқада, 8,1 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, моддий-техника таъминоти ва тайёрлашда, 30 фоизга яқини соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот, халқ таълими, маданият ва санъат, фан соҳаларида хизмат қилади. Қолганлари давлат аппарати органлари ва хўжалик бошқарувида, кооператив ва ижтимоий ташкилотлар бошқарув органларида, кредитлаш ва давлат суғуртаси ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида банд.

Халқ хўжалигида банд бўлганларнинг асосий қисми моддий ишлаб чиқариш соҳасида. Бу нисбат анчадан бери ўзгармасдан келмоқда.

Учала асосий ресурс — меҳнат, маҳсулот, асосий фондлар моддий ишлаб чиқаришнинг учта асосий сектори ўртасида тақсимланган. Лекин бу секторларнинг имконияти, ўзида асосий ресурсларни ушлаб туриши бир хил эмас.


Аҳоли структураси (1991 й.)

1-чизма



40,3% — шаҳар аҳолиси
59,7% — қишлоқ аҳолиси


2-чизма



81,8% — ишчи ва хизматчилар
18,2% — жамоа хўжалиги аъзолари


Иш билан банд бўлганлар, маҳсулот миқдори ва асосий ишлаб чиқариш фондларининг иқтисодиёт бўлинмалари бўйича тақсимланиши

3-чизма. Иш билан банд бўлганлар (%)




53,7% — давлат сектори
23,7% — кооператив сектор
22,6% — индивидуал сектор

4-чизма. Маҳсулот ҳажми (%)



76,3% — давлат сектори
13,1% — кооператив сектор
10,6% — индивидуал сектор

5-чизма. Асосий ишлаб чиқариш фондлари (%)



87,4% — давлат сектори
8,4% — кооператив сектор
4,2% — индивидуал сектор

Ўзбекистонда кескин муаммолардан бири ўсаётган меҳнат ресурсларининг иш билан тўла бандлигини таъминлашдир. Бу, бир томондан, аҳолининг иш жойига бўлган талабини, иккинчи томондан, халқ хўжалигининг

ишчи кучига бўлган эҳтиёжини қондиришни тақозо этади. Аҳолини меҳнат фаолиятига тортиш халқ хўжалигининг барча тармоқларида бир хил бормаяпти. Масалан, ўтган ўн йилликда саноат-ишлаб чиқариш ходимлари 24,5 фоизга ўсди. Шу вақтнинг ўзида транспортда, илмий хизматда ходимлар сони камайди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш меҳнатга қобилиятли аҳолининг барчасини қамраб ололмапти. Натижада меҳнат ресурсларининг бир қисми шахсий ва уй меҳнат доирасида қолиб кетмоқда. Меҳнат ресурслари ва ижтимоий ишлаб чиқаришдаги бандлик ўртасидаги фарқнинг бош сабаби такрор ишлаб чиқариш жараёнининг моддий ва шахсий омили меҳнат ресурсларининг ўсиши ва уларга иш жойларини ҳозирлаш ўртасидаги номувофиқликдир. Шунингдек, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тармоқ структураси, ижтимоий соҳанинг ривожланиши ҳам иш билан бандлик даражасига таъсир кўрсатади. Уй-жой ва коммунал, маиший хизмат кўрсатиш, кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларнинг устун ривожланиши меҳнатга яроқли аҳолини иш билап таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бу муаммо айниқса қишлоқ жойларда кескин. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ишчи кучига керагидан ҳам ортиқ таъминланган. У ҳозирча қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг бош ва амалда ягона соҳаси бўлиб қолмоқда. Қишлоқда меҳнатни ташкил қилиш тармоқларининг нисбатан торлиги шунга олиб келмоқдаки, натижада ёшлар асосий қисмининг халқ хўжалигининг ана шу тармоғида ишга жойлашишдан бошқа иложи йўқ. Қишлоқ аҳолисининг 60 фоизи қишлоқ хўжалигида банд. Қорақалпоғистон, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида бу кўрсаткич янада баланд. Қишлоқ жойларда бошқа тармоқларни ҳам ривожлантириш керак бўлади. Саноат корхоналарининг филиал ва цехларини очиш, номоддий ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш ана шундай ишлардандир.

Маҳаллий аҳолини ижтимоий меҳнат соҳасига тортиш, айниқса индустриал тармоқларда малакали миллий кадрларни шакллантириш ҳамон муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди.

Республика аҳолиси таркибида ўзбекларнинг улуши 73 фоиз бўлишига қарамасдан бутун халқ хўжалиги бўйича ўзбек ишчи ва хизматчиларининг улуши 61,4 фоиз. Улар саноатда — 52,5, қурилишда — 50,2, соғлиқни сақ-

лаш, ижтимоий таъминот, савдо, умумий овқатланиш ва халқ таълимида 64—68 фоиз.

Муҳим масалалардан бири аёлларни ўзларига мувофиқ иш билан таъминлашдир. Бу катта ижтимоий муаммодир. Уйда ишлаш ва бошқа ноанъанавий қисқартирилган иш кунни шакллари занф ривожланганлиги, бир томондан, аёлларнинг ҳаддан ташқари иш билан бандлиги, иккинчидан, бир киши ишлайдиган онлаларда паст турмуш даражасининг сақланиб қолишига олиб келади. 1992 йилда ишчи ва хизматчи аёлларнинг умумий сони 2492 минг кишини ташкил этди. Бу барча ишчи ва хизматчиларнинг 47 фоизи хотин-қизлар демакдир. Аёллар меҳнати анъанавий касб соҳаларида, яъни номоддий ишлаб чиқариш ҳисобланадиган соғлиқни сақлаш, кредит бериш ва сугурта муассасалари, халқ таълими ва маданиятда баландлигича қолмоқда. Аёлларни халқ хўжалигига жалб қилиш республика бўйича ҳам бир текис кетмаяпти. Масалан, ишчи ва хизматчиларнинг умумий миқдориди аёлларнинг улуши Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида 40 фоизга ҳам етмайди. Хоразм, Сирдарё, Наманган, Бухоро ва Андижон вилоятларида ҳам уларнинг ҳиссаси паст. Фақат Тошкент шаҳрида аёллар улуши ишловчилар умумий миқдориди баланд — 51,2 фоиз.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш учун кооператив, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, кичик ва қўшма корхоналар каби меҳнатни ташкил этишнинг янги самарали шакллари катта эътибор бериш керак. Келгусида бу турларни янада кенгайтириш имкониятлари ва истиқболлари бор. 1992 йилда 13100 кичик корхона фаолият кўрсатиб, уларда 321,6 минг киши ишлади. Шундан фақат 23,5 минг киши ўриндошлик асосида ишлади. Кичик корхоналар ҳозир халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо, савдо-тайёрлов, ишлаб чиқариш-техника йўналишидаги маҳсулотлар чиқариш, илмий-техника, бадний безаш, спорт, соғломлаштириш, тиббий хизмат кўрсатиш, пассажир транспорти хизмати кўрсатиш, дам олишни ташкил қилиш ва бошқа соҳалар бўйича фаолият кўрсатмоқда.

Худди шундай йўналишларда 1992 йилнинг бошида 5886 кооператив корхоналар бор эди. Уларда 157,3 минг киши меҳнат қилиб, шундан 25 мингги ўриндошлик асо-

сида эди. Бу корхоналар аҳолига сотган маҳсулот ва хизматнинг умумий миқдори 1887 миллион сўмдан ошиб кетди. Улар айниқса халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва қуришиш соҳаларида анча кенг тарқалди.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти ҳам мавжуд. Уларнинг асосий қисми кустар ҳунармандчилик касби ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан шуғулланмоқда. Меҳнатни ташкил этишнинг бу шакли аҳолини иш билан таъминлашда унча катта роль ўйнамади. Уларда банд бўлганлар сони йилдан-йилга камайиб боряпти.

ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИ

ЕР РЕСУРСЛАРИ

Ер ҳар қандай жамият, ҳар қандай мамлакатнинг беқиёс бойлигидир. Ер — бу битмас-туганмас хазина, оталар юрти, келгуси авлодга қоладиган асосий мерос. Ер — бу қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси. Ерга икки жиҳатдан, биринчидан, ҳудуд, иккинчидан, тирикчилик манбаи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳаёти учун зарур бўлган тупроқ, инсон учун озик-овқат, саноат учун хом ашё етиштириб берадиган экин майдонлари сифатида қараш лозим (6-жадвал).

1992 йилнинг бошида Ўзбекистоннинг умумий ер майдони 44740,0 минг гектарни ташкил этди. Ана шундан 27983,0 гектари (62,5%) қишлоқ хўжалигига тегишли майдонлардир. Қишлоқ хўжалиги тасарруфидаги ерларнинг 4452,5 минг гектари (15,9%) ҳайдаб экин экиладиган ерлар, 112,5 минг гектари (0,4%) пичанзор ва қолган 22878,8 минг (81,7%) гектари яйловлардан иборат.

Кейинги йилларда ерга эгалик шакллари кенгаймоқда. Тўғри, қишлоқ хўжалиги корхоналари қишлоқ хўжалиги тасарруфидаги ерларнинг 90 фоиздан фойдаланади. Қолган ерлардан қишлоқ хўжалик кооператив корхона ва ташкилотлари, хўжаликлараро корхоналар, деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар фойдаланардилар. Деҳқон (фермер) хўжаликлари, шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун фуқароларга ажратиладиган ер майдонлари улуши бундан кейин муттасил кенгайиб бормоқда. Аммо республикада ер хусусий мулк бў-

ла олмайди. Унинг ҳақиқий эгаси давлат бўлиб, у бу ерларни қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари ва хўжаликларга, шахсларга фойдаланиш учун бериб қўйган. Бу корхоналар, хўжаликлар, шахслар ўзлари фойдаланиб турган ерларни сотиши ёки сотиб

6-жадвал

Умумий ер майдони ва унинг тақсимланиши
(1992 йил 1 январь, минг га)

Кўрсаткич	Умумий ер майдони	Қишлоқ хўжалиги ва саноат-қўл саноатидаги барча ерлар	Шу жумладан		
			ҳайлов	пичанзор	яйлов
Барча ер майдони	44740,0	27983,0	4452,5	112,5	22878,8
Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва хўжаликларини ери	32317,4	26072,7	4436,2	110,5	20999,5
Жамoa хўжалиги ерлари	3755,5	2659,6	1602,4	5,0	884,4
Қишлоқ хўжалик кооператив корхона ва ташкилотлари ери	44,7	38,7	19,7	—	18,3
Хўжаликлараро қишлоқ хўжалик корхоналари ери	96,7	71,5	53,2	0,2	16,2
Давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ери	28127,8	23065,4	2585,7	103,8	20073,7
Деҳқон хўжаликларини ери	0,2	0,1	0,1	—	—
Фуқаролар ери	274,0	226,4	171,3	1,2	—

олиши мумкин эмас. Фақат узоқ ёки қисқа муддатли ижарага беришлари мумкин. Ердан бундай фойдаланишнинг сабаби Ўзбекистонда, умуман Марказий Осиёда экин майдонларининг чекланганлигидир (16%). Чунки деҳқончилик тарихан суғориш маданиятига асосланган. Сув ресурсларининг чекланганлиги ўзлаштиришга яроқли ер фондидан тўла фойдалана олмаслигининг асосий сабабидир (7-жадвал).

Утган 1980—1991 йилларда қишлоқ хўжалиги экин майдони ҳаммаси бўлиб 5,1 фоизга кенгайди. Экин май-

7-жадвал

Қишлоқ хўжалиги экин майдони (барча хўжалик турларида, минг га)

Курсаткичлар	1980 йил	1985 йил	1990 йил	1991 йил	1980—1991 йилларда ўсиш %
Барча экин майдони шу жумладан:	3994,6	4080,2	4194,2	4200,3	105,1
— дон экинлари	1173,8	969,3	1008,1	1079,9	92,0
— техника экинлари	1912,1	2027,0	1876,3	1760,4	92,1
— шудан пахта	1877,7	1989,8	1830,1	1720,5	91,6
— картошка					
га сабзавот-полилиз	186,3	196,3	270,1	294,3	160,0
— озиқ экинлари	722,4	887,6	1039,7	1065,7	147,5

донларини бундан кейин катта миқдорда кенгайтириш қийин. Экстенсив тараққиёт ўз имкониятларини тугаллаб бормоқда. Бу давр мобайнида дон ва техника экинлари, шу жумладан пахта майдонлари анча қисқарди. Гарчи картошка, сабзавот, полиз экин майдонлари 60,0 фоизга, озиқа экинлари 47,5 фоизга ўсишига қарамаздан, барча қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг ўсишида жиддий силжиш бўлмади. Чунки уларнинг улуши барча экин майдонлари таркибида ҳаммаси бўлиб 31,4 фоиздир. Дон ва техника экинларининг улуши эса 67,7 фоиз.

Ўзбекистоннинг ер ресурслари хилма-хил. Қизилқум ва бошқа чўллarda чўл-қум тупроқлари катта майдонни эгаллайди. Бундай тупроқлар асосан қумдан иборат бўлиб, зич қатлам ҳосил қилмайди, чиринди (гумус) қисми 1 фоизга ҳам етмайди. Ўзбекистоннинг текислик қисмидаги чўл зонасида сур-қўнғир, чўл-қум, тақир тупроқли ерлар учрайди.

Энг характерли тупроқ бўз тупроқдир. У уч хил — оч тусли, типик ва тўқ тусли бўлади. Типик ва тўқ тус-

ли тупроқнинг чириндиси кўпроқ —3—4 фоиз. Устюрт, Қизилқум, Қарши чўллари асосан сур-қўнғир тупроқлардан иборат бўлиб, уларда чиринди жуда ҳам кам. Шунингдек, тақир тупроқли ерларда ҳам чиринди кам. Қумли чўлларнинг пастқам текисликларида тақирлар учрайди. Бўз тупроқли минтақадан юқорида, денгиз сатҳидан 1200—2800 м баландликда жигарранг ва қўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари, ундан ҳам баландроқ қисмларда эса оч тусли қўнғир ўтлоқи дашт тупроқлари учрайди. Тоғ олдиларидаги текисликларда ва дарё водийларида шўрхоклар, ўтлоқи тупроқлар, ўтлоқи ботқоқ тупроқлар ва ботқоқ тупроқлар учрайди.

Ўзбекистон чўл яйловлари 22,8 миллион гектар майдонни эгаллайди. Бу чўл яйловлари сур-қўнғир, қум ва қумли тупроқлардан иборат. Бу ерларнинг тахминан ярми суғоришга яроқли ерлардир.

Суғориладиган маданий тупроқлар алоҳида типни ташкил этади. Республика умумий ер майдонининг 5 миллион гектардан ортиқроғидан деҳқончиликда фойдаланилади. Бу асосан суғориладиган ва лалми ерлардир. Қолган қисми яйлов ва озроқ қисми тоғ ўрмонзорларидан иборат.

Суғориладиган ерлар 4 миллион гектардан зиёд бўлиб, шулардан 1,6 млн. га дашт зоналарда, қолганлари бўз ерларда. Суғориладиган ерларнинг 60 фоизини автоморф тупроқлар ташкил этади. Улар йирик дарёларнинг дельталари ва ўзлаштирилган водийлар, шунингдек тоғ олди текисликларидан иборат. Мирзачўл ва бошқа зоналарда суғориш натижасида ер ости сувлари кўтарилиб, ҳозир тупроқ гидроморф ҳолатидадир.

Суғориладиган ерларнинг катта қисми Фарғона водийсида, Зарафшон водийсида ва Амударёнинг қуйи оқимини эгаллаган. Лалми ерларнинг катта майдонлари Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент ва Жиззах вилоятларида.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ер ресурсларини уч тоифага бўлиш мумкин: 1) текисликдаги тупроқлар — сур-қўнғир, чўл-қум, тақирлар, тақир тупроқлар, ўтлоқи тупроқлар, ботқоқ ва ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар, шўрхоклар, ўтлоқи воҳа; 2) тоғ тупроқлари — кул ранг (бўз) ерлар, жигар ранг тупроқлар, қора-қўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари, рангли-қўнғир ўтлоқи чўл-тоғ тупроқлари, рангли-қўнғир баланд тоғ тупроқлари; 3) суғориладиган маданий тупроқлар.

СУВ РЕСУРСЛАРИ

Ўзбекистоннинг сув ресурслари дарёлар, сел оқими, каналлар, кўл ва сув омборларидаги сувлардан таркиб топади. Унинг асосий сув манбаи — дарёлардир. Дарёлар тоғлардан бошланади. Тоғларда ёғингарчилик кўп, буғланишга кетадиган йўқотишлар эса кам. Ўзбекистоннинг бош сув ўзанлари Амударё ва Сирдарёлар ҳисобланади. Уларнинг ҳар иккаласининг суви ҳам республика ҳудудидан ташқарида ҳосил бўлади. Улардан ташқари, Норин, Қорадарё, Сўх, Чирчиқ, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Шерободдарё йирик дарёлар жумласига киради. Бу дарёларнинг кўпчилиги ўзларининг ўрта ва қуйи оқимлари бўйича Ўзбекистон ҳудудидаг ўтади. Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 50 га яқин дарё бўлиб, улардан 10 тасининг узунлиги 150 км дан ошади. Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғ олди районларида сел оқими (тошқини) кўплаб учрайди. Ўзбекистонда сел хавфи кучлироқ район бу Фарғона водийси. Бу ерда ҳар йили, баъзан йилига бир неча марта сел бўлади. Кўпчилик сел тошқинлари апрель ва май ойларига тўғри келади, чунки бу ойларда тоғда жуда кўп ёғин-сочин бўлади. Сел оқими ҳар йили минглаб гектар экин майдонларини вайрон этади. Шунинг учун ҳам тошқин хавфи кучли тоғ олди районларида сел оқимини ушлаб қоладиган қурилмалар (сув омборлари) қурилган. Ҳосил бўлган сув заҳираларидан кейинчалик экинларни, айрим яйлов майдонларини суғоришда фойдаланилади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги суғориш маданиятига асослангани учун бу ерда каналлардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилади. Улар учга бўлинади: умумий, яъни республика аҳамиятига эга бўлган каналлар, хўжаликлараро ва ички хўжалик каналлари. Йил давомида бу каналлар ўз суғориш манбаларидан сув олиб, уни истеъмолчиларга узатади. Каналлардан асосан суғоришда, шунингдек электр энергияси олишда фойдаланилади.

Ўзбекистоннинг энг катта канали Усмон Юсупов номидаги Катта Фарғона каналидир. У 1940 йилда ишга туширилган, узунлиги 270 километр, 317 минг гектар ерни суғориш имконини беради. Энг қадимийси Сурхондарё вилоятидаги Занг канали бўлиб, у 1912 йилда қазилган. Кейинги йилларда Жанубий Мирзачўл, Аму-Қорақўл, Аму-Бухоро, Аму-Занг, Катта Андижон, Катта Наман-

ган каналлари ишга туширилди. Улар сувларини асосан Аму ва Сирдарёлардан олади.

Сирдарё ва Амударё йўналишида 56 та турли хил кўллар бўлиб (Оролдан ташқари), уларнинг умумий майдони 3705 кв. км. Энг йирик кўл Орол денгизидир. Орол ўз сувини Аму ва Сирдарёдан олади. Орол денгизи 1960 йилгача 66 минг кв. км майдонни эгаллар эди. Аммо 1962 йилдан бошлаб денгиз сатҳининг пасайиш жараёни бормоқда. Оролга сув берадиган дарёларнинг имконияти хўжалик эҳтиёжларидан ортмаяпти, натижада уларнинг қўйи оқимига жуда кам миқдорда сув етиб борапти. Орол сув сатҳининг кескин пасайиши сабабли ўрнида туз ҳосил бўлиб, экологияга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, Орол балиқчиликдаги аҳамиятини йўқотиб бормоқда. Ҳозир минтақадаги илмий, лойиҳа муассасалари, олимлар ва мутахассисларнинг диққат марказида Оролни қутқариш муаммоси турибди. Бу мураккаб ва катта маблағ талаб ишдир.

Кўлларнинг кўпчилиги 2000—3000 метр баландликдаги тоғда жойлашган. Тоғ кўлларининг майдони одатда 1,0 кв/км дан ошмайди. Текисликдаги кўллар дарё ва ирригация системалари оқоваларидан ҳосил бўлган кўллардан иборат. Уларнинг умумий сони 5 мингдан ошади. Дарё кўллари кўпинча Аму ва Сирдарёлари қайирларида учрайди. Ирригация системаларидан чиқариб юбориладиган ташлама кўллар коллектор-дренаж ишларининг яхшиланиши билан барҳам топиб кетмоқда.

Республиканинг текислик қисмида жойлашган йирик кўллар жумласига Амударё дельтасида жойлашган Судочье-кўли ва Чордара сув омборидан чиқариб туриладиган ташлама сувлар натижасида ҳосил бўлган Арнасой кўли кирази. Биринчи кўлнинг Амударё сувиغا боғлиқлиги туфайли борган сари майдони қисқариб бормоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда сунъий кўллар — сув омборлари пайдо бўлди. Фойдаланишда бўлган барча сув омборлари фақат мавсумий сувларни тартибга келтиришга ва улар орқали янги ўзлаштирилган қўриқдаш ерларга сув чиқаришга, бу билан дарё, канал, сел сувларидан самарали фойдаланишга мўлжалланган. Булардан ташқари Фарғона, Самарқанд вилоятларида, Чотқолда бир қатор сув омборлари ишга туширилган (8-жадвал).

Ўзбекистон ҳудудидаги сув ресурслари тоғ районларида ва қисман ер ости сувларидан ҳосил бўладиган сув манбалари ҳисобига вужудга келади. Суғориш учун ер ости сувларидан ҳам кенг фойдаланилади. Суғорилади-

8-жадвал

Ўзбекистоннинг асосий сув омборлари

Номи	Қайси дарё суви ку изари	Майдони, кв км	Ҳажми, млн. метр куб
Чордара	Сирдарё	900	5700
Қайроққум	Сирдарё	513	4200
Чорвоқ	Чирчиқ	40	2000
Каттақўрғон	Зарафшон	83,5	845
Жанубий Сурхон	Сурхондарё	65	800
Чимқўрғон	Қашқадарё	49,2	500
Қуймозор	Зарафшон	16,2	280
Пачкамар	Ғузордарё	13,8	280
Каркидон	Нефрасой	9,5	218
Чирчил	Сурхондарё	10	160
Косонсой	Косонсой	5,65	100
Жиззах	Сангзор	12,7	87,5
Туябўғиз	Оҳангарон	185,0	250

ган ерларнинг сувга эҳтиёжи йил давомида бир хил эмас. 80 фоиз сув вегетация даврида суғориш учун сарф қилинади. Сувнинг қолган қисми кузги-қишки юмушлар ва суғориладиган ерларнинг шўрини ювиш мақсадида фойдаланилади. Сув ресурсларининг энг катта истемоли деҳқончиликдан ташқари саноат корхоналари ва аҳолидир.

Республикада кўплаб сувни қочирish-суғориш иншоотлари қурилган. Суғориш ўзанлари, тақсимлаш ва хўжалик шохобчаси 100 минг км. дан ошиб кетади. 30 мингга яқин гидротехника иншоотлари қурилган. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун сув тўплаш ва коллектор-дренаж шохобчасининг ўзи 60 минг км. дан ошиб кетади. Янги ўзлаштирилган сувсиз ёки кам сувли районларни сув билан таъминлаш учун гидроэлектр станциялари билан бирга гидроузеллар комплекси ва сув омборлар қурилди.

Шундай қилиб, бугунги кунда Ўзбекистонда қудратли замонавий сув хўжалиги вужудга келди. У 236 давлат суғориш системасини, 47 сув омборини, 28 сел сувини тўплаш омборини, 37 сув кўтариб узатиш, 248 бош сув

тўплаш қурилмалари, 40 йирик электр насос станциялари ва 150 минг турли хил иншоотларни ўз ичига олади.

ЕР-СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ўзбекистон катта ер-сув ресурсларига эга. Улар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга кенг имкониятлар беради. Аммо ер-сув ресурсларидан фойдаланишни ҳали мақсадга мувофиқ деб бўлмайди. Улка ўзининг иссиқ ва қуруқ кескин ўзгарувчан иқлими билан ажралиб туради. Унинг текислик қисмида ўртача йиллик ёғин миқдори 120—200 мм, тоғли районларда 1000 мм гача. Иссиқлик ва ёруғликнинг сероблиги пахта, каноп, узум, турли хил мевалар, полиз, сабзавот етказишга қулай. Қолаверса, бу ердаги тупроқ-иқлим шароити йил давомида бир неча марта ҳосил йиғиштириб олиш имконини беради.

9-жадвал

Озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши
(аҳоли жон бошига бир йилда, кг)

Кўрсаткичлар	1980 й.	1985 й.	1990 й.	1991 й.	1980—91 й. да усиш, %
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	31	31	32	30	96,8
Сут ва сут маҳсулотлари	185	180	210	196	105,9
Тухум, дона	90	107	120	107	118,9
Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	4,4	5,0	4,9	3,1	70,5
Қанд	21,8	21,8	24,9	21,8	100,0
Усимлик ёғи	10,4	11,2	12,6	13,6	130,8
Сабзавот ва полиз	116	107	107	114	93,3
Мева	—	—	23	24	—
Нон маҳсулотлари	117	177	170	167	94,4

Умуман ер-сув ресурсларидан фойдаланиш бетартиб ва мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолда кечди. 1980—1990 йиллар давомида экин майдонлари 5,1 фоизга ўсди. Бу асосан янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига амалга ошди. Ўзлаштирилган ерларга пахта экилди.

Ўзбекистон ер-сув фондидан интенсив ва экстенсив фойдаланиш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ етиштиришга қаратилган эди. 80-йилларга келиб гала-

ти вазият вужудга келди: ҳосилдор ерлар кўп. аммо озиқ-овқат камчил (9-жадвал).

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, кимёвий ўғитларни кўплаб қўллаш ҳосилдорликка ижобий таъсир қилса-да, шу билан бирга тупроқ таркибини бузди, оқибатда унинг ҳосилдорлигига путур етказди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган хлор бирикмалари жуда заҳарли бўлиб, сув ҳавзаларига тушиб, флора ва фаунага ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экинлари майдонининг кенгайтирилишида тартиб бузилганлиги сабабли атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатилди. Айрим арбоблар, мутахассислар ва олимлар қишлоқ хўжалигининг устун экстенсив йўлдан ривожланишини зарурий шарт деб ҳисоблаб, уни демографик аҳвол, яъни аҳолининг табиий ўсиши билан боғладилар. Аммо сув ва ер ресурсларидан нооқилона фойдаланиш Оролнинг, Амударё, Сирдарё ва бошқа сув манбаларининг кескин қисқаришига олиб келди, экологик тангликни келтириб чиқарди. Озиқ-овқат муаммоси эса ҳал бўлмади, кўп миқдорда гўшт, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташқаридан келтириладиган бўлди.

Ўзбекистонда сув ресурсларининг миқдор ва сифат танлиги кучаймоқда. Бунинг устига жумҳурият дарёлари ишлаб чиқариш маиший тармоқ оқовалари, химикатлар билан заҳарланган ташланмалар билан ифлосланмоқда. Натижада жумҳуриятнинг асосий сув томирлари — Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва бошқа дарёлар ичимлик суви билан таъминлашда амалда яроқсиз бўлиб қолмоқда.

Орол денгизи сув режимининг бузилиши, сатҳининг кескин пасайиши Оролбўйи табиий-иқлим шаронтига ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда. Бу ерда юзага келган аҳвол ердан кўп йиллар давомида экстенсив фойдаланишнинг бевосита оқибатидир.

Ҳолбуки, сув ресурсларининг тақчиллиги туфайли Ўзбекистонда экин майдонларини кенгайтириш имкониятлари чекланган. Аҳоли сони кўпаймоқда, жумҳуриятнинг ҳар бир аҳолиси ҳисобига экин майдони миқдори эса қисқармоқда. Бундай шароитда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни ўстириш фақат интенсивлаш ҳисобига, яъни ер майдони бирлигидан маҳсулот чиқарганини кўпайтириш ва чорва маҳсулдорлигини ошириш. қишлоқ хўжалиги таркибини такомиллаштириш, пахта

яккаҳукмронлигига барҳам бериш ҳисобига бўлмоғи лозим. Аҳволни яхшилаш учун аллақачон инвестиция сиёсатини кескин ўзгартириш, қишлоқ хўжалигида капитал маблағларнинг асосий қисмини сувни тежовчи тадбирлар ўтказиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтириш керак.

Эрозия жараёни жумҳурият ер бойлигига жиддий зарар етказди. Тупроқни ҳимоя қилиш тадбирларига алоҳида эътибор бериш, унинг ювилиб кетишига йўл қўймаслик, гумус қисмини асраш керак.

Сув омборлари ва тўғонларнинг кўплаб қурилиши, шולי ва бошқа кўп сув талаб қилувчи экинларнинг экилиши, сувнинг тежалишини таъминлайдиган технологиянинг (томчилаб сўғориш) ўзлаштирилмаслиги сув захираларининг янада камайишига олиб келди.

Сувларнинг кимёвий моддалар билан ифлосланиши тоза ичимлик суви муаммосини пайдо қилди. Деярли барча дарёларга саноат чиқиндилари бориб тушади. Республика олдида мураккаб муаммо: бир томондан, сув ресурсларига эҳтиёжнинг тўхтовсиз ўсиши, иккинчи томондан эса сув ресурслари имкониятларининг тез камайиши вужудга келди.

Марказий Осиё давлатлари ҳукуматлари олдидаги муҳим муаммолардан бири Оролни сақлаб қолиш ва атрофининг экологиясини яхшилашдир. 1960 йилнинг бошидан бери унинг сатҳи 15,6 метрга пасайди. Денгиз кема қатнови, балиқчилик ва мўйначилик аҳамиятини бутунлай йўқотди. Туз силжиши жараёни активлашди. Бундай салбий оқибатларни ҳисобга олиб зудлик билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ривожланиш стратегияси қайта кўрилиши — экстенсив хўжалик юритишдан воз кечиб, интенсив хўжалик юритишга ўтилмоғи, халқ хўжалиги комплексининг тармоқ структураси ўзгартирилиб саноатнинг кам сув талаб этадиган ва сувсиз ишлайдиган тармоқларини ривожлантиришга устувлик берилмоғи, халқ хўжалигининг барча соҳаларида сув ресурсларини тежаш ва улاردан оқилона фойдаланишнинг комплекс тадбирларини амалга ошириш лозим.

Ўзбекистоннинг табиаи бой ва хилма-хил. Гуллаётган боғлар, қумли барханлар, пахта далалари, қорли тоғлар, сўғориш каналлари, маъдан манбалари, тоғ ўтлоқлари — республиканинг ландшафти ана шундай ранг-баранг.

Улка бой флора ва фауна (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) га эга. Ўзбекистон табиий флорасига 3700 та ёввойи ўсимликлар тури киради. Улар 120 оилага бўлинган. Маданий ўсимликларга пахта, маккажўхори, бугдой, арпа, жўхори, шоли киради. Мева, сабзавот ва полиз экинларининг тури жуда ҳам кўп. Жанубий районларда цитрус ўсимликлари яхши ўсади.

Ўзбекистон фаунаси ҳам тур таркибининг бойлиги билан тавсифланади. Сут эмизувчиларнинг 97 тури маълум. Қўшларнинг 379, судралувчиларнинг 58 тури мавжуд, энг кўп тарқалгани ҳашаротлардир.

Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ана шу ажойиб флора ва фаунани сақлаб қолиш, уларни оммавий қирилиб кетишдан сақлашдир. Сув ресурсларининг камайиб бораётганлиги, тоғолди ва дарё бўйи зоналарининг экстенсив хўжалик юритиш натижасида кўплаб ўзлаштирилиши, пестицидлар миқдорининг ер ва сув таркибида ошиб бораётганлиги улар ҳаётига жиддий хавф туғдирмоқда.

Шуни ҳисобга олган ҳолда табиатни муҳофаза қилиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада табиатни муҳофаза қилиш бўйича Давлат комитети, парламентда экология бўйича махсус депутатлар комиссияси, табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича республика жамияти иш олиб бормоқда. Ополни қутқариш жамоатчилиги Комитети тузилган. «Экосан» фонди иш бошлади. Аммо табиатни асраш, ундан фойдаланишни яхшилаш ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг структураси билан яқиндан боғлиқ ҳолида садир.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, табиат ресурсларидан фойдаланиш асосан ўзининг иқтисодий қолоқлиги, ишлаб чиқариш-технологик жараёнларнинг охирига етказилмаганлиги, халқ хўжалиги тузилишининг марказий бошқарувга тўла бўйсундирилмаганлиги билан тавсифланади.

Индустрия асосан ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки хом ашёни дастлабки қайта ишлашга йўналтирилган. Нафақат пахтанинг асосий қисми, балки жун, пилла ва бошқа қатор қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам бошқа минтақаларда қайта ишланади. Минерал хом ашёлар ва ёқилғининг барча турларини, рангли металлларни қазиб олиш анча ўсди. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг жадаллашуви ҳудуд ресурсла-

ри ва экологик дунёдан пала-партиш фойдаланишни кучайтирди.

Табий ресурслардан фойдаланишнинг жадаллашуви-ни ишланадиган ер майдонларининг тез кўпайиши ҳам кўрсатади. Кейинги йигирма йил ичида жумҳуриятда сув хўжалик қурилиши кенг миқёсда амалга оширилди ва янги ерлар кенг ўзлаштирилди. Натижада, 1980—1988 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистоннинг экин майдонлари 355 минг гектарга кенгайди ва умуман олганда 4,3 миллион гектардан ошиб кетди. Шу вақт ичида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 23,2 миллиард сўм, шу жумладан сув хўжалиги қурилишига 8,6 миллиард сўм (37%) капитал маблағ ажратилди. Ерларни ўзлаштириш ҳажмларини кўпайтириш пойгасида капитал маблағларнинг асосий қисми — 80—90 фоизи янги қурилишга, оз қисми эса эскидан суғорилиб келинаётган экинзорларнинг мелиоратив ҳолатини ушлаб туриш ва яхшилашга қаратилди.

Ўзбекистон суғориладиган майдон, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг қиймати, сувдан фойдаланиш бўйича минтақада етакчи ўринни ва мавжуд имкониятларидан фойдаланиш даражаси — ҳар гектар ердан олинadиган фойда, фонд самарадорлиги, сарфланган сувнинг ҳар 1000 куб метри ҳисобига фойда бўйича эса охириги ўринни эгаллаб келди. Янги ерларни ўзлаштиришга ва сув хўжалиги қурилишига берилиб кетиш ишлаб чиқариш фондларини кескин ўстиришга олиб келди — 1 гектар ер ҳисобига асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлик ўтган ўн йилларда деярли икки барабар ошди. Лекин шу вақт ичида фондлар самарадорлиги ҳам икки барабар камайди.

Маълумки, ишланадиган ер майдонларининг ўсиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш маъносида маълум ижобий самара берди. Аммо у шу билан бирга тупроққа ўз салбий таъсирини кучайтирди, деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалигидаги ер майдонлари ўсишидан паст бўлиб қолди. Ўзоқ йиллар мобайнида асосий эътибор ерларнинг сифат ҳолатини яхшилашга қаратилмади, натижада қишлоқ хўжалигига жуда катта зарар етказди: ерлар ботқоқлашди, шўр босди, эрозия кучайди, тупроқ унумдорлиги пасайди.

Бунга кўп жиҳатдан пахта яккаҳоқимлиги сабабчидир. То охириги йилларгача пахта майдонларини энига

ва бўйига кенгайтириш давом этди. Натижада жумҳуриянда кескин сув танқислиги муаммоси пайдо бўлди. Ўзбекистон суғориладиган деҳқончилик маданиятига асосланган бўлиб, сув ресурсларининг асосий қисми қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш ва суғоришга сарфланади (85%).

МИНЕРАЛ ХОМ АШЁ РЕСУРСЛАРИ

Минерал хом ашё ресурслари иқтисодий тараққиётда муҳим ўрин тутаетди, у мамлакат иқтисодий қудратининг асосий ўлчовларидан бири бўлиб хизмат қилади. Кейинги ўн йилликда углеводород ва алюминий хом ашёси, олмос ва нодир металллар, легирловчи металллар, марганецли ва хромли рудалар, платиналар гуруҳига кирувчи металллар, агросаноат комплекси учун хом ашё қазиб олиш ва истеъмол қилиш юқори суръатларда ривожланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти экспертлари ҳисоб-китобларига кўра, яқин ўн йилликда бу анъана сақланади. Ўзбекистонда 2500 дан ортиқ конлар, 100 га яқин минерал хом ашё турлари очилган. Мамлакатимиз айрим минерал хом ашё турлари бўйича жаҳонда кўзга кўринган ўринни эгаллайди — олтин заҳиралари бўйича тўртинчи, уни қазиб олиш даражаси бўйича саккизинчи, мис бўйича ўнинчи-ўн биринчи, кумуш, табиий газ заҳиралари бўйича етакчи ўринни эгаллайди.

Топилган ва саноат ўзлаштиришига тайёрланган рангли, нодир ва асл металллар, ёнилғи-энергетика, тоғ-руда, тоғ-кимё, рангли тош хом ашёси, қурилиш материаллари ва ер ости сувлари заҳиралари асосида республикада юзлаб нефть-газ саноат корхоналари, конлар, шахта ва карьерлар, сув билан даволайдиган шифохоналар ишлаб турибди. Олмалиқ ва Навоий тоғ-металлургия, Шўртан газ-кимё, Оҳангарон, Навоий, Бекобод цемент, Ангрен кўмир кони ва бошқа қудратли саноат комплекслари ишлаб турибди.

ЕНИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИ

Ёнилғи-энергетика ресурслари таркибига нефть-конденсат, табиий газ ва кўмир киради. Ўзбекистон ҳудудида 140 дан ортиқ углеводородлар — газ ва газ-кон-

денсат, нефть, нефт-газ-конденсат ва газ-нефть конлари очилган. Нефть ва газнинг янги конларини қидириб топиш ва уни фойдаланишга топшириш жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ўзбекистонда газ ва нефтнинг жуда бой захиралари мавжуд. 1992 йилнинг бошида Наманган вилоятида Мингбулоқ нефть кони очилди. У жуда бой конлардандир.

Истиқболли газ-нефть районлари бўлиб Бухоро — Хива йўналиши, Ҳисор тоғининг жануби-ғарбий қисми, Устюрт платоси ҳисобланади. Фарғона нефть-газ районида Шўрсув, Нефтобод, Андижон, Полвонтош, Жанубий Оламушук конлари, Сурхондарё нефть-газ районида Хавдоғ, Кокайди, Учқизил нефть конлари, Лалмикор газ-нефть кони, Гажак нефть кони, Бухоро — Хива нефть-газ районида Газли, Шўртан, Қандим газ конлари, Тошли, Шўртепа, Шимлий Уртабулоқ нефть конлари, Ҳисор тоғларининг жануби-ғарбида Одамтош, Гумбулоқ, Пачкамар, Қизилбайроқ ва Омонота газ-конденсат конлари ва нефть конлари, Шақпати ва Қувониш газ конлари очилган. Қашқадарёдаги Кўкдумалоқ газ-нефть кони, айниқса истиқболлидир.

Ўзбекистонда нефть ишлаб чиқаришни оширишга янги нефть конларини қидириб топиш ва нефть қатламларига сув ёки газ юбориш йўли билан уни инкилабчи юзага чиқариш орқали эришилмоқда.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган барча ёнилғининг 87,9 фоизи газ, 6,7 фоизи нефть ва 5,4 фоизи кўмирнинг ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон ҳозирча ўзини ўзи нефть маҳсулотлари билан таъминлай олмайди, албатта. Бу ҳол иқтисодий ўсишга жиддий таъсир кўрсатади. Четдан нефть келтириш ташқи бозорга боғлиқликни кучайтиради. Ёнилғи истеъмоли таркибда эса нефть маҳсулотлари ҳиссаси камаймаяпти. Бизда ривожланган мамлакатларга нисбатан энергия истеъмоли таркибда нефть маҳсулотларининг улуши анча юқори. Ёнилғи-энергетика балансида нефть маҳсулотлари улушини камайтириш учун мавжуд автомобиль ва тракторлар паркни янги тежамкор технология режимига ўтказиш керак бўлади. Бу эса кўп маблағ талаб этадиган ва қисқа муддатда амалга ошириб бўлмайдиган анча мураккаб юмшадир. Яқин ўн йилликларда нефть ёнилғи-энергетика балансида асосий ва самарали энергия манбаи ва кимёвий хом ашё сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

Суюқ ёнилғи ҳиссасининг тез ўсиши ҳисобига кўмирнинг ҳиссаси сезиларли камайди. Шунга қарамасдан унинг муҳим саноат аҳамияти сақланиб қолмоқда. Ўзбекистонда 20 дан ортиқ кўмир конлари ва кўмирли майдонлар топилган. Мамлакатимизда кўмир ресурслари тахминан 2 миллиард тоннадан ошиб кетади. 1992 йилда ҳаммаси бўлиб 6,1 миллион тонна кўмир қазиб олинди.

10-жадвал

Ёнилғи ва ёнилғининг айрим турларини қазиб чиқариш

Йи ар	Нефть (газ кон-денсати билан), минг тонна	Газ (млрд. м ³)	Кўмир (минг тонна)
1970	1805,0	32,1	3747
1980	1329,4	34,8	5682
1985	1978,1	34,6	5250
1990	2810,0	40,8	6477
1991	2831,0	41,9	5948
1980—91 йиллар- да ўсиш, %	156,8	130,5	158,7

Кўмирнинг саноат заҳиралари Ангрэн, Шарғун ва Бойсун конларида жойлашган. Қазиб олинаётган кўмирнинг деярли ҳаммаси — 96,5 фонзи қўнғир кўмир, қолган қисми тошкўмирдир. Ўзбекистонда кўмир қазиб олишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг 87,0 фонзи очиқ усулда қазиб олинадн.

Ёнилғи-энергетика балансида гидроэнергетика, яъни сувнинг қувватидан фойдаланиш катта роль ўйнаши мумкин. Аммо Ўзбекистонда дарёларнинг камсувлилиги, айримларининг эса қуриб бораётганлиги бу манба имкониятларини чеклайди. Гидроэлектростанцияларда электр қувватларини ишлаб чиқариш барча электр станцияларида электр қуввати ишлаб чиқаришнинг 14,2 фонзини ташкил этмоқда. Республикада ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг асосий қисми уч вилоят — Самарқанд (15,4%), Сирдарё (31,2%), Тошкент (40,9%) га тўғри келади.

Ўзбекистонда атом энергиясидан фойдаланилмайди. Энергиянинг янги манбаларини топиш ва ўзлаштириш борасида ишлар олиб борилмоқда. Ана шундай

энергия манбаларидан бири Қуёш энергиясидир. Тошкент яқинидаги Паркентда ана шундай «Физика — Қуёш» иншооти қуриб ишга туширилди.

Геотермал (иссиқ сув), шамол энергиясидан ёнилғи сифатида фойдаланиш ҳали йўлга қўйилмаган.

МЕТАЛЛ МИНЕРАЛ ХОМ АШЕ РЕСУРСЛАРИ

Минераллар хом ашё таркибига кириб, саноатнинг «нони», мамлакат иқтисодий қудратини юксалтиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Маълумки, хом ашёга минераллардан ташқари қишлоқ хўжалигида, саноатда қайта ишлаш учун етиштириладиган материаллар ҳам киради. Барча минерал хом ашё ресурсларини икки катта гуруҳга — металллардан иборат минерал хом ашё ва нометалл минерал хом ашёга ажратиш мумкин. Металлнинг ўзи ҳам асл металллар, рангли, нодир ёки кам учрайдиган ва қора металлларга бўлинади.

Ўзбекистоннинг ер ости турли-туман қазилма бойликларга сероб. Бу ерда минерал хом ашёнинг юзга яқин тури топилган. Олтин заҳиралари бўйича у МДХ давлатларн орасида иккинчи, кумуш, мис, қалай, қўрғошин ва вольфрам бўйича учинчи ўринда туради. Газ, кўмир, каолин тупроги, калий тузлари, алюминий хом ашёси, хашам ва ишлов бериладиган ҳамда қимматбаҳо тошлар ва бошқа маъданларнинг бой заҳиралари бор.

Асл металллар. Олтин ва кумуш ана шундай металллар жумласига киради. Ўзбекистонда 30 дан ортиқ таркибида олтин ва кумуш мавжуд бўлган руда конлари аниқланган.

Ўзбекистонда олтин қазиб олиш ишлари жуда узоқ вақтлардан буён маълум. Қадимги Бухорода зарб этилган олтин тангалар ва турли-туман заргарлик буюмлари хорижий юрт бозорларида алмашув воситасини ўтаб келган. Мовароуннаҳрдаги беҳисоб олтин конларидан араблар, юнонлар, кейинчалик руслар ҳам огоҳ бўлишган. Тарихнинг отаси Ҳеродот бу ҳақда шундай деб ёзгани маълум: «Улар (икки дарё ораллигида яшовчи халқлар) олтин сероблигидан темир ва кумушни асло ишлатмайдилар».

Республикамизда Олтинтепа, Олтинтопан, Зарафшон деган ном ва манзилларнинг ўзи ҳам бу жойлар-

нинг олтин қазиб олиш марказларидан бири эканлигидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикасида 1993—1995 йиллар ва 2000 йилгача бўлган даврда олтин ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастури тузилган. Дастурда бу ноёб хом ашёни шу вақт давомида ишлаб чиқаришни икки мартага ошириш вазифаси қўйилган. Бу вазифани ҳаракатдаги конларда меҳнат унумдорлигини ошириш ва Чормитан ҳамда Гужумсой конлари базасида мустақил олтин ажратиб оладиган фабрикалар қуриш йўли билан амалга ошириш кўзда тутилган.

Олтин — ноёб металл. У ер остида ҳам, намликда ҳам ўз хусусиятларини йўқотмайди. Олтинни излаб топиш, уни бошқа тоғ-кон жинсларидан ажратиб олиш жуда кўп меҳнат сарфини талаб этади. Улар кўпинча қотган шагал тошлар, қумлар орасида учрайди. Олтин конлари бир неча юз миллион йиллар олдин ҳосил бўлган, деган тахминлар бор. У уран каби бошқа кон рудалари билан устма-уст ёки ёнма-ён учрайди.

Олтин кейинги даврларда, пул ва заргарликдан ташқари, электроника — компьютер ишлаб чиқаришда, тиш протези соҳасида ва атом реакторлари (реакторнинг битта ички девори 16 килограмм олтин билан қопланади) да қўллана бошлади.

Қурама тоғ тизмаларида йирик кумуш конлари топилган. Тошкентолди районида кумуш ҳозир катта миқдорда ажратиб олинмоқда. Қизилқумда кумуш ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Олтиндан кейин турадиган бу асл минерал хом ашёнинг саноат ва истеъмол аҳамияти ҳаммага маълум.

Рангли ва нодир металллар. Улар жумласига мис, қалай, қўرғошин, вольфрам, литий, алюминий хом ашёси, алунитлар, каолинлар, стронций ва урани кириши мумкин. Ўзбекистонда бу минерал хом ашёларнинг йирик заҳиралари мавжуд.

Ўзбекистонда мис ишлаб чиқарувчи асосий корхона Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатидир. Мис конлари мис-порфир формациясига мансуб бўлиб, Ўрта Тяньшань, айниқса Қурама тоғлари учун хосдир. Олмалиқда унинг Қалмоққир, Саричека, Дальний, Қизота конлари бор.

Вольфрам, молибден, қалай, висмут, симоб ва сурманинг Жанубий Тяньшань ва Ўрта Тяньшан тоғ тиз-

маларига кирадиган Қоратепа, Лангар, Қўйтош, Ингичка, Яхшон, Саргардон ва бошқа конлари бор. 20 та молибденли формация ва уларнинг турлари аниқланган.

Висмут руда конлари Чотқол-Қурама тоғларида топилган. Мишьяк-висмут, мис-висмут формациялари Уртасарой, Бурчмуллада топилган. Симоб-сурма саноат-реинтабель конларининг учрамаганлиги учун қазиб чиқарилмас эди. Уларнинг кўплаб конлари аниқланган. Улар келгусида саноат объекти бўлиши мумкин. Истиқболли конлар Жанубий Фарғонадан топилган. У ерда 100 дан ортиқ симоб ва 10 дан ортиқ сурма турлари бор.

Қора металллар асосан темир, титан, марганец ва хромдан иборат бўлиб, уларнинг бир неча юз конлари мавжуд. Турли генетик типдаги темир конлари ва руда тўпламлари, магнит аномалиялари бор. Улар Тепабулоқ титан-магнетик кони, Суренота, Шабрез, Мингбулоқ ва бошқа конлардир. Марганецнинг чўкинди конлари Зарафшон, Зирабулоқ, Қоратепа, Лолабулоқ ва бошқа тоғларда, республиканинг шимолий ва шимолишарқий қисмида, гидротермал тўпламлари Чотқол тоғларида жойлашган. Хром конлари офиолит минтақалари билан боғлиқ бўлиб, Қизилқум Фарғона офиолит белбоғида, Томдитоғ ва Султон-Увайс районларида кўпроқ учрайди.

Ўзбекистонда темир ва марганецнинг катта миқдордаги заҳиралари маълум. Аммо фойдаланишга топширилган конлар ҳали йўқ. Тайёр маҳсулот (станоклар, машиналар, трубалар, металлпрокат ва бошқа) кўринишдаги қора металлларга республиканинг 90 фоиз эҳтиёжи собиқ иттифоқдош давлатлар ҳисобига қондирилган. Бекободдаги ўзбек металлургия заводи металллом ҳисобига ишлайди. Мустақиллик туфайли республиканинг ўз темир руда базасига эга бўлиши тақозо этилмоқда. Шунини ҳисобга олган ҳолда Самарқанд, Қорақалпоғистон ва Марказий Қизилқум геологик-иқтисодий районларида темир ва марганец руда конларини қидириб топиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

НОМЕТАЛЛ ҚАЗИЛМА БОЙЛИКЛАР

Бу турдаги минерал хом ашёларни қуйндаги гуруҳларга ажратиш мумкин: тоғ-руда хом ашёси, тоғ-кимё хом ашёси, қурилиш материаллари, ер ости сувлари.

Тоғ-руда хом ашёси ўз навбатида эритувчан шпат, дала шпати—кварци (чақмоқтош) хом ашёси, қолп-лайдиган хом ашё, волластонит, асбест ва бошқалардан таркиб топади. Эритувчан шпатнинг Ўзбекистонда 30 га яқин конлари ва кўринишлари аниқланган. Улар асосан Тошкентолди геология-иқтисодий районида жойлашган бўлиб, Қурама ва Чотқол минтақаларида ҳам қидирув ишлари олиб бориш кўзда тутилган. Дала шпати кварци хом ашёсининг катта заҳиралари Навоий вилояти (Лангар, Қармана) да жойлашган. Улардан керамика, форфор, шиша, фаянс, эмал идишлар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади.

Суренота тизмасида Чанги глауконитли қумтошлар кони бор. Чотқолда магматик, Зирабулоқ-Зиёвутдин тоғлари, Қоржонтовда чўкинди конлари маълум. Волластонит республиканинг скарн-руда майдонида учрайди. Оҳангарон каолин кўмир конида оловбардош материаллар, Фарҳод қоялари конида даломитлар, Султон-Увайс тоғида тальк ва тальк тошининг саноат аҳамиятидаги қотишмалари учрайди.

Устюрт, Жанубий Орол бўйи, Султон-Увайс, Марказий Қизилқумда ва Зирабулоқ-Зиёвутдин тоғларидаги бўр ва палеоген ётқизиқларида бентонит гиллари конлари топилган. Қимматбаҳо ва безак тошлардан топаз, феруза, аметист, тоғ хрустали, халцедон, яшма, нефит, амазонит, родонит, агальматолит, мрамор ониси ва бошқалар учрайди.

Каолин йиғиндилари оловбардош материаллар жумласига кириб, у Ангрен каолин-кўмир конида жойлашган. Унинг базасида кулолчилик буюмлари комбинати қурилган.

Тоғ-кимё хом ашёси жумласига фосфоритлар, табий туз, сода, агрокимё хом ашёси киради. Сульфат, калий, ош тузи конлари топиб ишга туширилган. Бор-сакелмас, Бойбичекан ва Хўжанкамда ош тузининг битмас-туганмас заҳиралари жойлашган.

Қурилиш материалларининг 370 дан ортиқ конлари ҳисобга олинган. Уларнинг 31 таси цемент хом ашёси, 29 таси қоплама тош, 13 таси керамзит хом ашёси, 39 таси қурилиш тошлари, 175 таси ғишт хом ашёси, 67 таси қум-гравил материаллари, 22 таси бетон учун қум ва силикат буюмлари, 3 таси шиша хом ашёси ва бошқа конлардир.

Ер ости сувларининг ичимлик суви, минерал сув,

термал сув ва саноат суви турлари мавжуд. Ер ости ичимлик сувининг тахминий ресурслари суткасига 22,5 млн. куб/метр. 1992 йилда 3,9 млн. куб/метр сув хўжалик-ичимлик эҳтиёжлари учун олинди. Ўзбекистонда термал (иссиқ) сувларнинг конлари Оқтов тоғ олдида (Самарқанд), Қурама тоғ тизмасида (Наманган), Сирдарё водийсида (Фарғона водийси ва Мирзачўл), Зарафшон дарёси бўйларида кўплаб учрайди. Термал сувлардан бальнеологик мақсадларда, шифобахш ичимлик сифатида ва иссиқхона хўжаликлари ва бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида қайд қилинган конларнинг кўпчилиги 50-йилларда очилиб ишга туширилган эди. Табиийки, уларнинг айримлари ўз хўжалик аҳамиятларини бугун йўқотган. Лекин ҳали очилмаган конлар ҳам анчагина. Ўзбекистон минерал хом ашёнинг хилма-хил турларини етказиб берувчи йirik республикалардан бўлиб келди. Шунга қарамасдан улар ялпи ижтимоий маҳсулот, миллий даромадни шакллантиришда катта ўрин тутмасди. Тоғ-саноат комплекси маҳсулотларининг ҳиссаси умумий саноат маҳсулоти миқдорида расмий ҳисоб-китоб маълумотларига кўра 5 фоиздан ҳам ошмасди. Чунки Ўзбекистон тоғ-саноат комплекси маҳсулотлари хом ашё ёки ярим тайёр маҳсулотлар сифатида республика ҳудудидан чиқиб кетарди ва ундан узоқда чуқур қайта ишланиб тайёр товар шаклини оларди.

Ўзбекистон минерал ресурслари, биринчи навбатда, ўзининг бой заҳиралари ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Тоғ-саноат комплекси ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши унинг тармоқ ва ҳудудий тузилишининг такомиллашуви билан давом этмоқда. Комплекста асосий ўринни рангли металлургия эгаллайди. Бу Ўзбекистон тоғ-саноат комплексининг яна бир ўзига хос хусусиятидир. Комплекста унинг ҳиссаси ялпи маҳсулот ва асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати бўйича 80 фоиздан ошиқроқ, саноат ишлаб чиқариш ходимлари бўйича эса 70 фоиздан кам эмас. Ундан кейинги ўринни қора металлургия эгаллайди. Нометалл-руда саноат комплекси ялпи маҳсулоти асосий ишлаб чиқариш воқиталари қиймати бўйича 1 фоиз атрофида бўлиб, комплекс саноат-ишлаб чиқариш ходимларининг 2 фоизини ташкил қилади. Улар ўртасидаги нисбат халқ

хўжалиги эҳтиёжларига боғлиқ. Комплексининг ҳудудий тузилиши эса янги кон ва шахталарнинг очилиши билан ўзгариб турибди.

Тоғ-саноат комплекси ҳам ашё ва ишлаб чиқариш базаси иқтисодий тараққиётининг боришини кўп жиҳатдан белгилайди. Албатта, фан-техника тараққиёти минерал ҳам ашёлар ўрнига ва уларга бўлган талаб даражасига жиддий таъсир кўрсатади. Бир томондан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал сиғими камаяди, синтетик материаллар ва иккиламчи ресурслар ишлаб чиқаришга кўпроқ эътибор берилади. Аммо бу минерал ресурслар аҳамияти пасаяди, деган сўз эмас. Уларнинг аҳамияти ошиб боради. Ҳеч қандай сунъий материал табиий минерал ҳам ашёнинг ўрнини боса олмайди.

САНОАТ

САНОАТ СТРУКТУРАСИ ВА ТАРАҚҚИЕТ БОСҚИЧЛАРИ

Ўзбекистон иқтисодиётида саноат катта ўрин тутди. Унинг юздан ортиқ тармоқларида 1800 ишлаб чиқариш бирлашма ва корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Саноат ишлаб чиқаришининг халқ хўжалигида тутган ўрни унинг ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад ишлаб чиқаришдаги улуши билан белгиланади. Республика ялпи ижтимоий маҳсулотининг 28,6 фоизини ҳозир саноат бермоқда. Бу ҳисса 1980 йилга нисбатан анча ўсди. Барча миллий даромаднинг учдан бир қисми саноат тармоқларида ишлаб чиқарилмоқда.

Бутун саноат, одатда уч йирик гуруҳга бўлинади. Оғир саноат, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати. Табиийки, ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад ишлаб чиқаришда бу гуруҳларнинг улуши бир хил эмас. Чунки уларнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва иш кучи билан таъминланиши ҳам ҳар хил. Шунингдек, бу соҳаларда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўз олдига қўйган вазибалари ҳам бир хил эмас. Уларда моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ҳам турлича.

Ҳозирги пайтда оғир саноат барча саноат маҳсулотларининг 58,3 фоизини бермоқда. Саноат маҳсулотлари

умумий ҳажмида енгил саноатнинг ҳиссаси 28,2 фоиздир. Енгил саноатнинг бу қадар даражаси республика саноатининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Гая шундаки, унинг асосий қисмини пахта хом ашёсига дастлабки ишлов берувчи пахта тозалаш саноати ташкил этади.

Саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида оғир саноат маҳсулотлари ҳиссаси бир оз кўнаиб, снгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ҳиссаси камайиши кўзга ташланади. Аммо буни барқарорлашган ҳолат деб бўлмайди. Ҳозир оғир саноат маҳсулотларининг ҳиссаси баланд: 60 фоиз атрофида.

Ўз навбатида, оғир саноат бир қатор йирик комплексларга бўлинади. Улар жумласига ёнилғи-энергетика, металлургия, машинасозлик, кимё, қўриқлиш материаллари комплекслари киради.

1980—1992 йиллар мобайнида металлургия комплексидан ташқари барча комплекс маҳсулотларининг ҳиссаси оғир саноат умумий маҳсулотига пасайди. Оғир саноатда энг кўп маҳсулот берадиган комплекслар металлургия ва машинасозликдир.

Ўзбекистонда саноат тараққиёти бир неча босқичларни босиб ўтди. Тўнтаришгача саноатни асосан кустарь, ярим кустарь корхоналар ташкил этар эди. Бу ҳақда ўша вақтда таркиб топган саноат ишлаб чиқариш структураси далолат беради. 1913 йилда пахта тозалаш ва пахта ёғи олиш барча саноат маҳсулотларининг 86 фоизини, оғир саноат эса 2 фоизни берарди. 180 та пахта заводида ҳаммаси бўлиб 18 минг киши ишларди. Қуввати 3 минг кВт/соатдан иборат бўлган 6 электр станциясида йилига 3,3 млн. кВт/соат электр энергияси ҳосил қилинарди.

Замонавий саноат негизини яратишда биринчи босқични биринчи беш йилликлар даври бошлаб берди ва урушга қадар давом этди. Рангли металл қазиб чиқариш, машинасозлик, минерал ўғитлар, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати тез суръатларда ривожланди. Янги нефть, кўмир, мис, вольфрам ва бошқа фойдали қазилмалар кони ишга туширилди. Натижада 1940 йили саноат-ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 1913 йилдагига нисбатан 7,2 мартага ошди. Умумий саноат маҳсулоти ҳажмида оғир саноатнинг ҳиссаси 13,3 фоизга кўтарилди.

Иккинчи босқич уруш йилларига тўғри келиб, бу даврда бир қанча янги тармоқлар — кўмир, қора металлургия, самолётсозлик, моторсозлик, станоксозлик саноати вужудга келди. Энергетика, рангли металлургия, нефть ва уни қайта ишлаш, шунингдек, енгил ва озиқ-овқат саноатининг баъзи соҳалари устун даражада ўсди.

Бу тармоқлар тараққиётини уруш шароити тақозо этар эди. Урушнинг дастлабки йилларида мамлакатнинг ғарбий районларидан 100 га яқин йирик саноат корхоналари бутунлай ёки қисман кўчириб келтирилди. Улар орасида самолётсозлик, электротехника, кабель, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва тўқимачилик корхоналари бор эди. Бу завод ва асбоб-ускуналар негизида 47 та янги саноат корхоналари ишга туширилди. Булар саноат структурасини янада такомиллаштирди, энди умумий саноат маҳсулотида оғир саноатнинг ҳиссаси 47,3 фоизни ташкил этди.

Саноат тараққиётининг учинчи босқичи 1946—1965 йилларни ўз ичига олиб, бу даврнинг характерли хусусияти мудофаа мақсадлари учун ишлаётган завод ва фабрикаларнинг имкониятларини тинч давр учун машина, механизм ва ускуналар, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш томон буришни кўп тармоқли индустрияни шакллантириш билан қўшиб олиб боришдан иборат бўлди. Бу даврда энергетика, ёқилғи ва металлургия, кимё, машинасозлик, унинг қишлоқ хўжалиги, йўл, ирригация, электротехника тармоқлари яхши ривожланди.

Кейинги босқич то 80-йилларнинг охиригача давом этиб, бу давр саноатда чуқур структуравий ўзгаришлардан иборатдир. Саноат ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ўсди, илмий-техника тараққиётини белгилайдиган соҳалар тез суръатларда ривожлана бошлади, катта қувватли агрегатлар ишга туширилди. Бу даврда ўлкамизда саноатнинг олтин қазиб чиқариш, тракторсозлик, сунъий тоғлар ишлаб чиқариш каби янги соҳалари вужудга келди. Кон-металлургия, мураккаб ўғитлар ишлаб чиқариш тармоқлари йўлга қўйилди. Ёнилғи балансида табиий газ етакчи ўринга чиқиб олди.

Бу даврда Ўзбекистон собиқ СССРда пахта териш машиналари, пахта тозалаш машиналари, тракторга тиркаладиган чигит экиш сеялкалари, пилталаш (хом ил тайёрлаш) машиналарининг юз фоизини, каноп толаси-

нинг 95,4, пахта тозалаш заводлари учун ускуналарнинг 89,5, пахта толасининг 62,5, ипакнинг 40,4, йигирув машиналарининг 30 фоизини берадиган бўлди. Қорхоналар сони кўпайиб уларнинг ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромаддаги улуши ўсди.

Енгил саноатда ички тармоқлар — пахта тозалаш, тўқимачилик, шойи тўқиш, трикотаж, тикувчилик, кўн-пойафзал, мўйначилик, фарфор-фаянс, мебель саноатлари ривожланди.

Озиқ-овқат саноатининг йирик тармоқлари — гўшт, сут, ёғ-мой, консерва, қандолатчилик, нон ёпиш, чой қадоқлаш, виночилик, элеватор, ун, ёрма, пиво ва алкогольсиз ичимликлар, тамаки-ферментация, синтетик ювувчи воситалар саноати ажралиб чиқди.

Булардан ташқари маҳаллий саноат ҳам мавжуд бўлиб, ўзининг характерли хусусиятларига эга. Маҳаллий саноат кўп тармоқли структура бўлиб, қора металлургия, металлни қайта ишлаш, кимё, ёғочни қайта ишлаш, енгил, озиқ-овқат, фарфор-фаянс ва саноатнинг бошқа тармоқларини бирлаштиради. Улар маҳаллий хом ашё ресурслари ва ишлаб чиқариш қолдиқларидан фойдаланиб, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаради.

Халқ хўжалигини бозор муносабатлари асосида қайта қуриш муносабати билан саноат тараққиётининг янги босқичи бошланди. Бу босқичнинг характерли томони саноат ишлаб чиқаришини халқ эҳтиёжи томон кескин буриш, истеъмом бозорини тўлдириш, мустақил миллий-иқтисодий талаблардан келиб чиққан ҳолда маҳсулотлар ишлаб чиқаришдир.

САНОАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ

Республикада саноат тараққиётининг ҳозирги даражаси бизни тўла қаноатлантирмайди, албатта. Гарчи саноат маҳсулотлари 1980—1991 йилларда 4 мартага ўсган бўлишига қарамасдан кўпчилик халқ истеъмоли товарларига тақчиллик сезилмоқда.

1980—1991 йиллар мобайнида саноат-ишлаб чиқариш ходимлари сони 28,8 фоизга, саноат-ишлаб чиқариш асосий фондлари эса 85,6 фоизга ўсди. Саноат маҳсулоти ва асосий фондлар ўсишида баҳо омилининг ролини ҳисобга олиш керак.

Саноат-ишлаб чиқариш ходимлари умумий сони 1980—1991 йилларда 28,8% га ўсгани ҳолда ишчилар сони 29,4%, хизматчиларники эса 25,1% га ошди. Соф ишчилар сони хизматчиларга нисбатан бир неча фозга устунроқ ўсгани маълум бўлди. Аммо бу фарқ шунчалик арзимаганки, у саноат-ишлаб чиқариш ходимлари умумий миқдоридан ишчилар ва хизматчилар ўртасидаги нисбатни сезиларли ўзгартирмади. Улар ўртасидаги нисбат 85:15 бўлиб қолмоқда.

Кўриниб турибдики, енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқларида оғир саноатга нисбатан саноат-ишлаб чиқариш ходимлари сони сезиларли даражада устун ўсмоқда. Бу, умуман олганда, прогрессив жараёндир. Чунки ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқаришдан кўра кишиларнинг кундалик турмуш эҳтиёжлари учун ишлаб чиқаришнинг аҳамияти ортмоқда. Лекин шунга қарамасдан оғир саноатда барча саноат ходимларининг 56,8 фоиизи банд. Енгил саноатда 32,2, озиқ-овқат саноатида 9,6 фоз. Аммо 1980 йилда оғир саноатда 61,4 фоз, енгил саноатда 28,8 ва озиқ-овқат саноатида 9,0 фоз саноат-ишлаб чиқариш ходимлари банд бўлган эди. Демак, нисбат енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқлари фойдасига ўзгармоқда.

11-жадвалдан кўриниб турибдики, ўтган 1980—1991 йилларда бутун саноат-ишлаб чиқариш ходимлари сони 28,8 фозга ўсгани ҳолда бу ўсиш оғир саноатда 19,1, енгил саноатда 43,7, озиқ-овқат саноатида 37,7 фоиизни ташкил этди.

12-жадвалдан кўриниб турибдики, фондларнинг самарадорлиги 1980—1991 йилларда сезиларли пасайди. Озиқ-овқат саноатида фондларнинг самарадорлиги 35 фозга пасайган бўлса, енгил саноатда 2 мартага пасайди. Айниқса металлургия, машинасозлик, тўқимачилик, пойабзал, ёғ-мой саноат тармоқларида фондларнинг самарадорлиги ёмон.

Бундай аҳволнинг асосий сабабларидан бири саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг ёмонлигидир. Ёнилғи-энергетика комплексида аҳвол бир оз яхши. Лекин пўлат ишлаб чиқаришда қувватларнинг 74, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришда 71, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда 75 фозидан фойдаланилади, холос.

80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида ишлаб чиқариш воситаларига ҳам, истеъмол буюмларига

ҳам нарх-наво бир неча маротаба ошиб кетди. Баъзи корхоналар ўзларининг ишлаб чиқаришдаги якка ҳо-кимлик ҳуқуқларидан, бозорнинг қашшоқлигидан фой-даланиб маҳсулот сифатини яхшиламасдан ҳам сунъий

11-жадвал

Саноат-ишлаб чиқариш ходимларининг тармоқлар бўйича ўртача йиллик сони

Кўрсаткичлар	1980 й.	1985 й.	1990 й.	1991 й.	1980—1991 йилларда ўсиш, % хилофига
Бутун саноат	806,9	951,1	1005,0	1039,0	128,8
Оғир саноат	495,2	577,2	570,7	589,0	119,1
Енгил саноат	232,8	284,3	330,0	334,6	143,7
Озиқ-овқат са- ноати	72,3	81,7	93,3	99,6	137,7

12-жадвал

Саноат тармоқларида фондлар самарадорлиги (саноат-ишлаб чиқариш асосий фондлари ўртача йиллик қийматининг 1 сўмига маҳсулот ишлаб чиқариш)

Кўрсаткичлар	1980 й.	1985 й.	1990 й.	1991 й.	1980—1991 йилларда ўсиш, % хилофига
Бутун саноат	3,69	3,05	2,70	2,64	73,3
Оғир саноат	1,66	1,49	1,35	1,32	79,4
Енгил саноат	17,80	11,08	9,32	8,92	50,1
Озиқ-овқат са- ноати	8,96	7,74	6,48	5,84	65,2

равишда баҳоларни оширди. Кўпгина корхоналар баҳо ошиши ҳисобига ўзларининг молиявий аҳволини яхши-лаб олишга киришдилар. Шунинг учун ҳам натурал кўрсаткичлардан фойдаланиш анча маъқул. Улар иш-лаб чиқариш ҳажмининг ўсишини ҳар ҳолда холис ба-ҳолайди. Аммо улар ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулот-нинг сифатига кафолат бера олмайди.

Утган 1980—1991 йиллар мобайнида ёнилғи-энерге-тика комплексда электр энергияси ишлаб чиқариш 33,9 млрд. кВт/соатдан 54,2 млрд. кВт/соатга (1,6 мар-та), табиий газ 34,8 млрд. куб метрдан 41,9 млрд. куб метрга (1,2 марта), нефть 1329 минг тоннадан 2831

минг тоннага (2,1 марта), кўмир 5682 минг тоннадан 5948 минг тоннага (4,7 фоиз) етди.

Металлургия комплексида пўлат ишлаб чиқариш 860,4 минг тоннани, қора металллар тайёр прокатлари ишлаб чиқариш 749,3 минг тоннани ташкил этди. Бу 1980 йилдагидан мувофиқ равишда 14 ва 226,3 фоизга кўп демакдир.

1991 йилда машинасозлик комплексида тракторлар ишлаб чиқариш 21,1 минг, трактор прицеплари — 33,8 минг, трактор культиваторлари — 12,7 минг, пахта териш машиналари — 5,8 минг, экскаваторлар — 964, кўприк электр кранлари — 740, насослар — 9 минг, тўқимачилик машиналари — 1620 донани ташкил этди.

Бу рақамлар 1980 йилги кўрсаткичдан сезиларли даражада камдир. Техника воситаларига нарх-навонинг ошуви натижасида жамоа ва давлат хўжаликлари томонидан уларга талаб камайди. Бундан ташқари, эски кооперация алоқаларининг узилиши натижасида бошқа республикалардан эҳтиёт қисмлар ва буюртма олиш қийинлашди.

Кимё-ўрмон комплексида эса аксинча минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бу даврда 25,5 фоизга, кислота — 48,4, кимёвий толалар — 52,1 фоизга, синтетик ва пластик массалар — 3,4 мартага ошди. Фақат қоғоз ва картон ишлаб чиқариш камайди. Асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича оғир саноатнинг ҳиссаси 1985 йилда 73,0 фоиз бўлган бўлса, 1991 йилга келиб 82,0 фоизга етди. Енгил саноатда бу кўрсаткич 11,1 фоиздан 12,4, озиқ-овқат саноатида 5,7 дан 6,9 фоизга кўтарилди.

Енгил саноатда асосий ишлаб чиқариш фондларининг атиги 12,4 фоизи жойлашган бўлишига қарамасдан, бу ерда барча саноат маҳсулотининг 41,4 фоизи яратилмоқда. 82 фоиз ишлаб чиқариш асосий фондларига эга бўлиб турган оғир саноат барча саноат маҳсулотларининг 39,8 фоизини бермоқда, холос. Бу шундан далolat берадики, енгил саноатда оғир саноатга нисбатан фондларнинг самарадорлиги анча юқори. Оғир саноатнинг ички структурасини унда банд бўлганларга нисбатан олиб қарайдиган бўлсак, шу нарса маълум бўладики, бу ерда асосий ўринни машинасозлик комплекси эгаллайди. Бутун оғир саноатда ишловчиларнинг 44,1 фоизи шу комплексда жойлашган. Энг ози ёқилғи энергетика комплексида бўлиб, у ерда 8,2 фоиз оғир саноатчилар меҳнат қилади.

Оғир саноатда энг фондталаб соҳа ёқилғи-энергетика комплексидир. Бу комплексда оғир саноатдаги барча саноат-ишлаб чиқариш асосий фондларининг 30,6 фоизи жойлашган. Қолган 70 фондга яқин асосий ишлаб чиқариш фондлари бошқа тўрт комплекс ҳиссасига тўғри келади. Енгил саноатда 77,6 фоиз асосий ишлаб чиқариш фондлари тўқимачилик саноатига, озиқ-овқат саноатида 73,2 фоиз асосий ишлаб чиқариш фондлари ёғ-мой саноати ҳиссасига тўғри келади. Енгил саноатда айрим товарлар гуруҳини ишлаб чиқаришда кейинги ўн йилликда таркибий ўзгаришлар юз берди. Бу тармоқнинг асосий маҳсулоти ҳисобланадиган пахта толаси ишлаб чиқариш 1980—1991 йилларда 14 фоизга, қаноқ ва жут толаси 2,7 мартага қисқарди. Шу билан бирга шойи ип, пахтадан калава, ип-газлама, ногозмол материаллар, пайпоқ, трикотаж буюмлар, пойабзал, резина ковушлар, гилам ишлаб чиқариш сезиларли ўсди. Аммо бу маҳсулотларга аҳолининг талаби тўла қондирилди, деб бўлмайди. Масалан, гилам ишлаб чиқариш 16 фоизга ўсди. Республика аҳолисининг табиий ўсиши эса бундан икки марта юқори бўлди. Аҳолининг тўлов қобилияти, бу хил маҳсулотларга талаби ҳам ўсди. Ёки бўлмаса пойабзал ишлаб чиқаришни олайлик. 1991 йилда 45,4 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич 1980 йилдагидан 1,5 марта кўп демакдир. Аҳоли бошига 2 жуфтдан зиёдроқ пойабзал ишлаб чиқарилмоқда. Лекин ишлаб чиқарилаётган пойабзаллар сифатининг пастлиги унга бўлган эҳтиёжни қондирмаяпти.

Маданий-маиший ва хўжалик товарларини ишлаб чиқариш ҳам ривожланмоқда. Бу турдаги молларга газ плиталари, ванна, фарфор-фаянс идишлар, маиший муз хоналар, чолғу асбоблари, электроплитка, болалар арвалари, стол ва стуллар, шкаф, диванлар, мебель гарнитурлари ишлаб чиқариш киради. Кейинги йилларда аҳолининг бу турдаги товарларга талаби анча ошди.

САНОАТ ТАРАҚҚИЕТИДАГИ ЗИДДИЯТЛАР

Ўзбекистонда иқтисодий тараққиёт шуни кўрсатадики, саноатни ривожлантирмасдан, унинг структурасини халқ эҳтиёжларига мувофиқлаштирмасдан туриб бирон-бир жиддий натижага эришиб бўлмайди. Са-

ноат тараққиётини жадаллаштириш сиёсати ижтимоий-иқтисодий, шу жумладан, валюта-молиявий, иш билан **бандлик**, хўжаликни диверсификациялаш, халқ хўжалигининг ташқи бозорга қарамлигини заифлаштириш, саноат истеъмол буюмлари билан ўзини-ўзи таъминлаш муаммолари билан яқиндан боғлиқдир.

Индустриаллаштириш ўлканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётда маълум аҳамиятга эга бўлди. Ишлаб чиқаришни саноат негизига кўчириш иқтисодий ўсиш суръатларини оширишда, фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда, ижтимоий меҳнат тақсимотини чуқурлаштиришда, саноат ишлаб чиқаришининг Туркистон халқлари учун анъанавий бўлмаган янги соҳа ва тармоқларини вужудга келтиришда катта хизмат қилди.

Шу билан бир қаторда бу жараён иқтисодий тараққиётда нотекис ва зиддиятли характер касб этди. Бир томондан, ўлканинг иқтисодий ривожланишида мамлакат саноат марказлари кенг иштирок этди. Улар энг аввало қайта ишлаш ва тоғ саноати комплекси тармоқларида кенг қатнашдилар. Бу ҳолат саноат ўсиши суръатларини оширишга, илгор технология, ишлаб чиқаришнинг янги соҳаларини ташкил қилишга ижобий таъсир кўрсатди, албатта. 90-йилларнинг бошида жумҳурият саноат маҳсулоти умумий ҳажмида собиқ Иттифоқ вазирлик ва маҳкамаларнга бўйсунувчи бирлашма ва корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар 30 фоизга етди. Иттифоқ-жумҳурият вазирлик ва маҳкамаларига қарашли корхона ва бирлашмаларда эса 54 фоиз саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг Россия ва бошқа жумҳуриятлардан келтириладиган ишлаб чиқариш ва истеъмол молларига боғлиқлиги кучайди. Иқтисодий ўсишнинг ташқи омилларга боғлиқлиги яқунловчи ишлаб чиқариш босқичлари аҳамиятининг ҳаддан ташқари ошувига, маҳаллий машинасозликнинг заиф бўлиб қолишига олиб келди. Ўзбекистонда барча саноат маҳсулотлари таркибида машинасозлик саноатининг ҳиссаси 20 фоизга ҳам етмади. Бунинг оқибатида ташқаридан маҳсулот киритишнинг асосий йўналиши саноат асбоб-уёқуналарини, технологияни, фан-техника ютуқларини киритишдан иборат бўлиб қолди. Маҳаллий саноатнинг марказлашган иқтисодиётга ишлаб чиқариш ва технологик жиҳатдан боғлиқлиги уйғунлашиб кетди.

Ўзбекистонда машинасозликнинг суяги ҳисобланадиган дастгоҳлик, айниқса, заиф ривожланди. Натижада ишлаб чиқариш воситалари ва саноат материаллари ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, ҳозирги замон йирик туркум ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган автомат ва ярим автомат мураккаб дастгоҳлар ишлаб чиқариш кечикди.

Вужудга келган номуносибликлардан яна бири йирик, ўрта ва майда корхоналар ўртасидаги нисбатдир. Собиқ Иттифоқ вазирлик ва маҳкамалари томонидан барпо қилинган корхона ва бирлашмалар асосан улкан ҳажмли бўлиб, йирик ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. Бу анъана жумҳурият халқ хўжалигига улкан парастликни олиб кирди. Бу, албатта, ўлкада, саноат ишлаб чиқаришнинг анъанавий турларини ривожлантириш, меҳнат жамоаларининг ҳаракатчанлик қобилиятини ошириш, бозор конъюктурасига тезкор мослашув каби талабларга жавоб бермасди.

Йирик ишлаб чиқариш тажрибаларидан маълумки, бир турдаги маҳсулот оммавий ишлаб чиқариладиган жойда самаралроқдир. Ўта майда (1 дан 19 кишигача меҳнат қиладиган) корхоналар 80-йилларда АҚШда барча корхоналарнинг 26,1, Японияда 49,4 ва Италияда 43,4 фоизини ташкил этди. Майда корхоналар (яъни 20 дан 99 кишигача ишлайдиган корхоналар) мувофиқ равишда 28,4, 27,7 ва 30,4 фоизга тенг эди. Ўрта корхоналар (бунга 100 дан 499 кишигача ишлайдиган корхоналар кирди) 24,0, 14,6 ва 14,2 фоиз, ниҳоят, 500 дан ошмиқ ишчи меҳнат қиладиган йирик корхоналар 21,5, 8,2 ва 12,1 фоизни ташкил этди. Кўриниб турибдики, ўта замонавий Японияда ишчиларнинг деярли ярми ўта майда фирмаларда тўпланган. Майда ва кичик фирмалар иш билан банд бўлган японларнинг 3/4 қисминини ўзида бирлаштиради¹. Майда фирмалар иқтисодийнинг пойдевори, деб бежиз айтилмайди.

Ўтган йиллар мобайнида бутун саноат маҳсулотиникидориди ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришнинг ҳиссаси бир оз камайиб истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсганлигига қарамасдан, таркиб топган бу нисбатни мақсадга мувофиқ деб бўлмайди. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бундан ҳам юк-

¹ Юданов А. Ю. Фирма и рынок. М., «Знание», 1990, 5-бет.

сакроқ ривожланиши керак. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундай.

Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришида вужудга келган номуносибликлардан яна бири қазиб олувчи (ундирувчи) ва қайта ишловчи тармоқлар ривожланиши ўртасидадир. Минерал хом ашёларнинг катта қисми қайта ишланмаган ёки ярим тайёр маҳсулот ҳолида жумҳуриятдан чиқиб кетарди. Кўпгина тоғ-руда комбинатлари хом ашёни қайта ишлашнинг паст даражаси билан ажралиб туради. Бунинг сабаби шуки, Иттифоқ аҳамиятидаги улкан корхоналар қазиб олувчи саноатни жумҳурият ичкарисидан минерал хом ашёни чуқур қайта ишлашга, вертикал интеграция жараёниши, диверсификацияни ривожлантиришга эмас, балки хом ашё чиқаришга бўйсундирди.

Саноат тараққиётида кўзга ташланаётган номуносибликлардан яна бири саноат корхоналарини маҳаллий ишчи кадрлар билан таъминлашда кўринди. Бу ердаги ғалати вазият шундаки, нисбатан анча паст ривожланган саноат ҳам маҳаллий ишчи кадрлар билан таъминланмади. 50—60-йилларда барпо қилинган Навоий, Зарафшон, Муборак, Ангрен, Янгиер ва бошқа индустриал шаҳарлар собиқ марказ вазирлик ва маҳкамаларига бўйсунувчи йирик саноат корхоналари базасида барпо қилинган бўлиб, уларга керакли малакали ишчи кадрлар мамлакатнинг бошқа ҳудуд ва саноат районларидан кўчириб келтирилди. Бу ҳам маҳаллий миллат вакилларида ишчи кадрлар тайёрлаш муаммосини орқага сурди. Бу муаммо 20—30-йилларда қандай долзарб бўлган бўлса, кейин ҳам шундайлигича қолаверди. Маҳаллий миллат вакиллари Тошкент само-лётсозлик бирлашмаси, вагон таъмирлаш заводида 20—30 фонздан нарига ўтмади. Улар тўқимачилик, маҳаллий саноат каби анъанавий саноат тармоқларида кўпроқ учрайди. Тоғ-металлургия, машинасозлик каби тармоқларда жуда ҳам кам.

Давлат мустақиллигининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, ташқи муҳитга иложли борица ҳам боғлиқ бўлган миллий иқтисодиётни барпо этиш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш халқ хўжалик структурасини такомиллаштиришга самарали таъсир кўрсатмоқда. Ижтимоий аҳамияти кам бўлган, иқтисодий зарар келтириб ишлайдиган, мудофаа ва эски кооперация алоқа-

ларидан ажралиб қолган ишлаб чиқариш турлари аста-секин ўз фаолиятини тўхтата бошлади. Аксинча, ички ва ташқи бозор талабига мос келадиган ишлаб чиқариш турлари кенгаймоқда. Булар оқибатида мавжуд саноат ишлаб чиқариши номуносибликлари, айрим зиддиятлари барҳам топиб бормоқда.

Аммо тараққиёт зиддиятларини бутунлай бартараф қилиб бўлмайди. Уларнинг янгилари пайдо бўлиб туради. Табиатан шундай. Зиддият бўлмас экан, тараққиёт ҳам бўлмайди. Масала уларни аниқ белгилаш ва улардан хўжалик юритиш самарадорлигини оширишда фойдаланишдадир.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА УНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ТУТГАН УРНИ

Қишлоқ хўжалиги халқ хўжалигининг энг йирик соҳаси. У республикамиздаги барча халқ хўжалиги тармоқларида етиштириладиган ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 26,0 фоизини, халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқариладиган барча миллий даромаднинг 43,3 фоизини бермоқда. Қишлоқ хўжалигининг ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромаддаги улуши ўсиш тенденциясига эга.

Бу тармоқда 1991 йилда 971 жамоа хўжалиги ва 1137 давлат хўжалиги фаолият кўрсатиб, улар халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 41,5 фоизини ўзларида бирлаштирган эди. Мамлакат умумий аҳолисининг 60 фоизга яқини қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқ. Халқ хўжалигида мавжуд барча ишлаб чиқариш асосий фондларининг 21,1 фоизи қишлоқ хўжалиги тасарруфидадир.

Қишлоқ хўжалиги тасарруфидаги барча ерларнинг 16 фоизга яқини бутун республика аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлайди. Бундан ташқари 15—20 фоиз сабзавот ва поллиз маҳсулотларини, пахтанинг катта қисмини ташқарига чиқариш имконини беради (аҳоли озиқ-овқат ва кийим-кечак эҳтиёжининг бир қисми ташқаридан келтириш ҳисобига ҳам қондириладп).

1991 йилда барча экин майдонлари 4200,3 минг гектарни ташкил этди. Шундан 1079,9 гектарига ғалла (25,7%), 1760,4 минг гектарига техника экинлари (41,9%), 294,3 минг гектарига картошка ва полиз-сабзавот (7,0%) экилди. Барча техника экинлари майдонининг 97,7 фоизини пахта эгаллайди. Барча экин майдонларининг 25 фоизига чорва-озуқа экинлари экилмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг икки муҳим тармоғи — деҳқончилик ва чорвачиликда инсон ҳаёти учун биринчи зарурат бўлган озиқ-овқат ва саноат учун хом ашё маҳсулотлари етиштирилади.

Бу тармоқлар ҳам ўз навбатида ички тармоқларга бўлинади. Масалан, деҳқончиликда пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, узумчилик, шоличилик; чорвачиликда эса қўйчилик, паррандачилик, чўчқачилик, асаларичилик, қуёнчилик, балиқчилик, ипакчилик тармоқларини кўрсатиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги тушунчаси маълум маънода инсбий ҳамдир. Чунки соф маънода ёки ўрта аср тушунчасидаги қишлоқ хўжалиги ҳозир йўқ. У халқ хўжалигининг қолган бошқа асосий тармоқлари билан қўшилиб-чатишиб кетган.

Қишлоқ хўжалигининг саноат, қолаверса қурилиш, транспорт, алоқа ва тайёрлов, таъминот, савдо тармоқлари билан уйғунлашуви натижасида агросаноат комплекси шаклланди. Бу комплексга қишлоқ хўжалигининг ўзидан ташқари, бир томондан, унга ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарадиган соҳалар (трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, озиқ-овқат машинасозлиги, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини ишлаб чиқариш, микробиология саноати ва ветеринария учун доривор воситалар ишлаб чиқариш), иккинчи томондан, қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш саноат соҳалари (қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш бўйича енгил саноат тармоқлари, ёғ-мой саноати, гўшт ва сут саноати, балиқ саноати, ун-ёрма ва ем саноати) киради.

Агросаноат комплексининг ривожланиш даражаси тармоқлараро иқтисодий алоқаларнинг жадаллашувида ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган енгил ва озиқ-овқат саноати корхона ва заводла-

ри сонининг ошиб бораётганлигида ўз ифодасини топади.

Агросаноат комплексида ҳозир ўзининг мустақил балансида турадиган юзлаб қишлоқ хўжалиги хом ашёсини бирламчи қайта ишлаш бўйича энгил саноат ва озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, юзлаб трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирловчи корхоналар, хўжаликлараро корхона ва ташкилотлар, колхоз-завод, совхоз-заводлар иш олиб борапти. Уларнинг сони келгусида янада ортиб боради. Қишлоқ хўжалиги ўзига керакли ишлаб чиқариш воситалари — тракторлар, автомобиллар, плуг, сеялка, трактор культиватори ва касилкалари, ғалла комбайнлари, силос ва ем-хашак ўрадиган комбайнлар, сут соғиш аппаратлари ва уларга эҳтиёт қисмлар, минерал ўғитларни саноатдан олади. Кейинги йилларда агросаноат комплексига қишлоқ хўжалиги машиналарини етказиб бериш анча камаяётганига қарамасдан бу алоқалар сақланиб қолади.

Давлат ҳам ўз навбатида саноатга керакли бўлган пахта, ғалла, картошка, сабзавот, мол ва паррандалар, сут ва сут маҳсулотларини, тухум, пилла, жун, қоракўл ва бошқа кўплаб хом ашё маҳсулотларини жамоа ва давлат хўжаликларидан ҳамда аҳолидан олади. Натижада улар ўртасида товар айирбошлаш нафақат давом этади, балки борган сари кенгайиб, чуқурлашиб ва такомиллашиб боради.

Собиқ СССРнинг бошқа республикалари қатори Ўзбекистонда ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг тарихан икки асосий шакли вужудга келди. Булар жамоа (колхоз) ва давлат хўжалиги (совхоз)дир. Колхозлар майда товар хўжаликларини коллективлаштириш натижасида пайдо бўлган бўлса, совхозлар давлат ёрдамида янги ерларни ўзлаштириш, камқувватли колхозларни совхозларга айлантириш йўли билан таркиб топиб келди. Бозор муносабатларига ўтиш билан қишлоқ хўжалигида яна кўп укладлилик бир-биридан принципиал фарқ қиладиган рақобатли хўжалик шакллари ривожланиб бормоқда.

ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЕТИНИНГ БАЪЗИ ЖИХАТЛАРИ

80-йилларнинг охирига келиб Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида мураккаб вазият вужудга келди. Деҳқончиликда ҳам, чорвачиликда ҳам суръат пасая бошлади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш даражаси борган сари уни техник жиҳозлаш суръатларидан ҳам, аҳолининг табиий ўсиш суръатларидан ҳам орқада қола бошлади. Кейинги ўн йилликда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш республикада аҳоли табиий ўсишидан икки марта, асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминлашдан уч мартадан зиёд паст бўлди.

Табиийки, бундай шароитда асосий муаммо мўл-кўл ички озиқ-овқат бозорини шакллантириш, ортиқчасини ташқи бозорга олиб чиқиш эмас, аҳолини минимал зарурий истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш бўлиб қолади. Баҳоланки, Ўзбекистон нозу неъматлар билан нафақат ўз аҳолисини, балки бошқа минтақаларни ҳам таъминлаши, деҳқончилик маҳсулотларининг қатор турларини чет элга экспорт қилиши ҳам мумкин.

Қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ялпи маҳсулот даражаси билан тўла изоҳлаб бўлмайди, албатта. Гап шундаки, ялпи маҳсулотнинг миқдори нафақат ишлаб чиқариш даражасига боғлиқ. Унинг миқдори кўп жиҳатдан нархларга ҳам боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳолисроқ ифодалайдиган кўрсаткичлар қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва чорва молларининг маҳсулдорлигидир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришга турли йўللар билан эришиш мумкин. Асосан унинг икки йўли мавжуд: экстенсив ва интенсив. Биринчи йўл ривожланган мамлакатлар, маданий ривожланган халқлар ва жамиятлар учун характерли бўлмаган, юқори сарф-харажатларни тақозо этадиган экин майдонларини кенгайтириш, чорва туёқ сонини кўпайтиришга асосланган йўлди. Асосий деҳқончилик экинлари ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлиги даражаси экстенсив йўлнинг ҳали барҳам топмаганлигидан далolat беради.

Кейинги 12 йил ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳаммаси бўлиб 8,9 фоизга ўсди. Бу мамлакат аҳолиси ўсишидан ҳам, қишлоқ хўжалигини асосий фондлар билан таъминлаш ва капитал сар-

мойлар сарфидан ҳам паст кўрсаткичдир. Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича юз берган вазият умумий суръатларга таъсир этди. Чорвачилик маҳсулотлари бўйича ўсиш бу соҳанинг индустриал асосга кўчирила бораётганидан далолат беради. Меҳнат интенсивлиги ва унумдорлиги бу тармоқда хийла юқори (13-жадвал).

13-жадвал

Қишлоқ хўжалик экинлари ялпи йиғим-терими (барча турдаги хўжаликларда, минг тонна)

Йиллар	Пахта		Ғалла	Картошка	Сабзавот
	хом ашё	тола			
1980	5579,0	1623,5	2435,4	239,0	2459,1
1985	5381,8	1727,7	1471,3	240,7	2385,6
1990	5057,7	1592,6	1898,7	336,4	2842,5
1991	4645,8	1443,2	1908,2	351,2	3348,0
1980—91 йилларда ўсиш, %	83,3	88,9	78,3	146,2	136,0

1980—1991 йиллар мобайнида пахта хом ашёси ва толаси, ғалла ишлаб чиқариш пасайди. Пахтачиликда бу ҳодиса асосан икки сабабга кўра рўй берди. Биринчидан, пахта майдонлари бошқа экинлар, жамоа ва дав-

14-жадвал

Экинларнинг ҳосилдорлиги (барча хўжалик турлари бўйича, 1 га/ц ҳисобида)

Йиллар	Пахта		Ғалла	Картошка	Сабзавот
	хом ашё	тола			
1980	29,7	8,6	20,7	10,0	22,1
1985	27,0	8,7	15,1	9,0	19,9
1990	27,6	8,7	18,8	8,0	19,2
1991	27,0	8,4	17,3	8,7	18,8
1980—91 йилларда ўсиш, %	90,0	97,7	83,6	87,0	85,1

лат хўжаликлари ишчиларининг шахсий томорқа хўжалиги ҳисобига қисқартирилди. Иккинчидан, ҳосилдорликнинг пасайиши ҳам унинг ялпи йиғим-терими миқ-

дорига салбий таъсир кўрсатди. Ғаллачиликда ҳам пасайиш ҳосилдорлик ҳисобига бўлди. Картошка ва сабзавот ишлаб чиқариш анча ўсди. Бу ўсиш экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига таъминланди.

14-жадвалдан кўриниб турибдики асосий қишлоқ хўжалик экинлари бўйича ҳосилдорлик пасайди.

Утган ўн йилликда барча хўжалик тонфаларида асосий чорвачилик маҳсулотлари — гўшт, сут, тухум, жун, қоракўл териси ишлаб чиқариш сезиларли ўсди. Бу соҳада сифат кўрсаткичлари миқдор кўрсаткичлари билан баравар бормоқда. Мол ва паррандаларнинг маҳсулдорлиги — бир сигирдан ўртача сут соғиб олиш, бир қўйдан ўртача жун қирқиб олиш, бир товуқдан бир йилда ўртача тухум олиш ўсди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархи сурункали ўсиб келмоқда. Бунинг сабаблари индустриал ишлаб чиқариш воситаларига баҳоларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларидан устун ўсаётганлиги, иш ҳақининг меҳнат унумдорлигидан, юқорилиги, мавжуд ишлаб чиқариш асосий фондлари ва айланма воситалардан унумли фойдаланмаслик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини териб олиш, сақлаш ва етказиб бериш мобайнидаги нобудгарчиликларнинг ҳамон юқорилиги ва бошқалардир.

Қандай сабабларга кўра қишлоқ хўжалиги бу аҳволга келиб қолди? Бунинг сабаблари анчагина. Энг аввало, шуни таъкидлаш лозимки, бу ерда қарор топган ишлаб чиқариш структураси озик-овқат маҳсулотларини мўл-кўл қилишга эмас, балки sanoat марказларини арзон хом ашё билан таъминлашга, марказий маҳкамалар иродасини бажаришга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам деҳқончилик экинлари орасида асосий ўринни техника экинлари, жумладан пахта эгаллаб келди.

Иккинчидан, жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, sanoatsiz қишлоқ хўжалигини ривожлантириб бўлмайди. Бугунги қишлоқ хўжалигининг қолақлиги sanoatнинг ночорлиги билан, унинг тараққиёт даражаси билан белгиланади. Sanoat ночор бўлса қишлоқ хўжалиги ҳам ночор бўлади. Қишлоқ хўжалиги барча халқ хўжалиги комплекси тармоқлари, энг аввало, sanoat билан чамбарчас боғлиқ. У ҳозир sanoatдан бошланиб (ишлаб чиқариш воситалари, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш) sanoat билан ту-

гааланади (етиштирилган хом ашё ва маҳсулотларни қайта ишлаш, тайёр молга айлантириш). Қайта ишлаш саноатининг паст тараққиёт даражаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни етарли рағбатлантирмапти, етиштирилган маҳсулотларнинг нобудгарчилигини камайтиришга олиб келмаяпти. Жумҳурият иқтисодиётининг аграр қиёфасини сақлаб турибди, ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромаднинг миқдорига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалигида бутун халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 40 фоизга яқини меҳнат қилса-да, аҳолининг 60 фоизи ана шу тармоқ билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Учинчидан, пудрат, ижара, бозор муносабатларининг бошқа унсурларини ривожлантиришга асосланган янги хўжалик механизми аграр соҳани тез қамраб ололмапти. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат харид монополияси сақланиб қолар экан, деҳқон харидорни ўзи танламас экан, қишлоқ хўжалиги тараққиётини жадаллаштириш қийин. Қишлоқ хўжалигида тўпланган катта илмий-техника имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганликнинг сабаби ҳам ана шунда.

Тўртинчидан, саноат тараққиёт даражаси билан боғлиқ бўлган яна бир ҳодиса бор. Бу қишлоқ хўжалигининг мавжуд моддий-техника базаси, асосий ишлаб чиқариш фондларининг таркиби аграр соҳада инқилобий ўзгаришларни амалга ошириш имконини бермайди. Асосий ишлаб чиқариш фондлари таркибида унинг фаол қисми улуши анча паст, бинолар, иншоотлар ва узатиш қурилмалари, яъни пассив қисмлар салмоғи катталигича қолмоқда. Улар қишлоқ хўжалигидаги асосий ишлаб чиқариш фондлари таркибида учдан икки қисмни ташкил этади. Машина ва ускуналар салмоғи жамоа хўжаликларидида 24,0, давлат хўжаликларидида эса 16,7 фоиз. Қишлоқ хўжалик корхоналарини транспорт воситалари билан таъминлаш ҳам ёмон аҳволда. Бу воситаларнинг салмоғи бутун қишлоқ хўжалиги фондлари таркибида — 3,6, жамоа хўжаликларидида 4,6, давлат хўжаликларидида—3,2 фоиз, холос. Меҳнатнинг қувватлар билан яроқланганлиги ва қишлоқ хўжалигининг энергетика қуввати билан таъминланганлиги тўхтовсиз ўсиб боришига қарамасдан, улар ҳали ҳам меъёрдан анча паст.

Сурункасига техника экинлари экилавериб, гектар бошига минерал ўғитлар сарфининг ошиб бориши ер-


нинг тинка-мадорини қуритди. Алмашлаб экиш қоидаларига тўла риоя қилинмади. Натижада шўр босган тупроқ эрозиясига учраган майдонлар улуши кенгайди. Тупроқ таркибининг бузилиши ҳосилдорликнинг асосий қўшандаси бўлиб чиқди.

ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТУЗИЛИШИ

80-йилларда қишлоқ хўжалигида юзага келган аҳвол кўп жиҳатдан унинг қарор топган ижтимоий-иқтисодий тузилиши билан ҳам боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида асосий ўринни давлат хўжалиги (совхозлар) ва жамоа хўжалиги (колхозлар) эгаллайди. Қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланадиган ерни олайлик. Барча экин майдонларининг 33,1 фоизи жамоа хўжаликлари ва хўжаликлараро корхоналарга, 63 фоизи давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши корхоналарига тегишлидир. Шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг ҳиссаси 90-йилларнинг бошида 10 фоизга ҳам етмасди.

Ўзбекистон умумий ер майдони структураси


6- чизма



15,9% — экин экиладиган майдон
1,9% — яйлов ва ем-хашак экиладиган майдон
32,2% — бошқа ерлар.

Ўзбекистон экин майдони структураси


7- чизма



41,9% — техника экинлари майдони
25,7% — ғалла етиштирилладиган майдон
25,1% — ем-хашак етиштирилладиган майдон
7% — картошка, поллиз-сабзавот экинлари майдони

Экин майдонларидан фойдаланиш

8- чизма



- 63,0% — давлат хўжалиги ва бошқа корхоналар майдони
- 33,1% — жамоа хўжаликлари ва хўжаликларaro корхоналар майдони
- 3,9% — шахсий ёрдамчи хўжаликлар майдони

Ёки бўлмаса, ишлаб чиқаришнинг «суяк ва мускул» ини ташкил қиладиган асосий ишлаб чиқариш фондларини олиб кўрайлик. Жамоа хўжаликларидида 18,8, давлат хўжаликларидида 52 фоиз қишлоқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш фондлари жойлашган. Лекин шунга қарамасдан давлат ва жамоа хўжаликларининг ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини яратишдаги, бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги улушлари ўз имкониятларидан жуда ҳам паст. Асосан қўл кучига асосланган аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларидида 1991 йили 47,8 фоиз картошка, 53,4 фоиз сабзавотлар, 61,5 фоиз мева ва резавор мевалар, 59,1 фоиз гўшт (сўйилган вазнда), 71,0 фоиз сўт, 37,2 фоиз тухум, 67,6 фоиз жун етиштириб берилди. Шахсий ёрдамчи қишлоқ хўжалиги ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ярмига яқинини беради.

Нима учун аҳолининг шахсий томорқа хўжаликларидида давлат ва жамоа хўжаликларига нисбатан ишлаб чиқариш самарадорлиги устун? Унинг сабаблари кўп. Энг аввало кишиларга ўз шахсий хўжаликларидида нима экиш ва уни қачон йиғиштириб олиш, қанчадан ва қаерда сотишини ҳеч ким белгиламайди. Ўз ихтиёрида бўлган бу масалаларни уларнинг ўзи мустақил ва эркин ҳал қиладилар. Бу ерда меҳнат натижалари тез намоён бўлади. Кишилар ким учун меҳнат қилишаётганини яхши билишади. Шунинг учун ҳам шахсий томорқа участкаларида фақатгина уй соҳиби эмас, балки унинг барча аъзолари меҳнат қилишади. Кўп болали

оналар, вақтинча иш билан таъминланмаган ёшлар ҳам ўз меҳнатини шу ерга сарф қиладилар.

Аҳоли томорқа хўжалигида самарадорлик юқорилигининг яна бир боиси нархлар сиёсатидадир. Деҳқонлар ўз озиқ-овқат товарларини жамоа хўжалиги бозорларида эркин нархларда сотиши, ихтиёрлиқ шартнома асосида давлат ва бошқа жамоа хўжалигига ҳам топшириши мумкин. Ҳозирги кунда қишлоқда хўжаликнинг 8 тури фаолият кўрсатмоқда: 1) Жамоа хўжалиги; 2) ширкатлар уюшмаси; 3) ижарачилар уюшмаси; 4) деҳқон (фермер) хўжаликлари; 5) ҳиссадорлар ассоциацияси; 6) агроферма; 7) мустақил деҳқон (фермер) хўжалиги; 8) шахсий ёрдамчи хўжалик. Бозор механизми талаблари асосида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг таркиб топган ижтимоий-иқтисодий структураси ўзгармоқда. Бу ерда ҳам янги, самаралироқ хўжалик шакллари таркиб топмоқда. 1992 йилнинг ўрталарига келиб деҳқон (фермер) хўжаликларининг сони 4378 тага етди. Уларга ажратилган ер майдонлари 35,6 минг гектарни ташкил этди. Ҳар бир деҳқон хўжалигига ажратилган ер майдони ўртача 8,1 гектарни ташкил қилди.

Булардан ташқари, хўжалик юритишнинг ижара шакли — шахсий ёрдамчи хўжалик учун ер ажратиш кенгаймоқда. Ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан унумли фойдаланишнинг бундай шакллари жамоа ва давлат хўжаликлари доирасида, баъзан ундан ташқарида мустақил таркиб топмоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЕТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Қишлоқ хўжалиги барча жамият, барча мамлакатларда муҳим ҳаётий аҳамиятга эга. Аҳолининг табиий ўсиши, шаҳарга кўчишнинг кучайиши, кўп асрлик деҳқончилик маданиятига путур етиши озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган танқисликни кескинлаштирди. Чет элдан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш имкониятларининг валюта ва транспорт харажатлари ҳисобига чекланганлиги, ички бозорда эса уларга бўлган нарханавонинг сезиларли кўтарилиши аҳоли реал даромадларининг катта қисмини истеъмолга сарфлаш ёки тўғридан-тўғри истеъмолни чегаралаш каби салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Тўғри, қишлоқ хўжалигига қарз бериш, харид нархларини ошириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастурларини молиялаштириш ҳамда солиқ сиёсати бир неча бор қайта кўрилиб, агросаноат комплекси фойдасига ҳал этилди. Бир неча ўн йил давомида қишлоққа нисбатан ўтказилиб келинган адолатсизлик бир оз бўлса-да юмшатилади. Аммо бу сиёсат эски ишлаб чиқариш усулларини сақлаб (асраб) қолишга, йирик колхоз ва совхоз ишлаб чиқариш монополиясини мустаҳкамлашга, саноат учун керакли бўлган техника экинлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳам олиб келди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни экстенсив йўлдан давом эттириш имкониятлари 80-йилларга келиб тугади. Экин майдонлари, сув ресурслари захиралари янада чекланди, экологик вазият кескинлашди, тупроқ таркиби ёмонлашди. Натижада экинлар ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлиги ўсиши тўхтади. Ер майдонларини техника экинлари ҳисобига кенгайтиришнинг ўсиб бориши чорвачиликни ривожлантириш имкониятларини қисқартирди. Экстенсив хўжалик юритиш ўз имкониятларини асосан тугаллади, интенсив хўжалик юритишга ўтиш эса кечикди.

Бу ҳолатда қарор топган баҳолар сиёсати ҳам ўзининг салбий хизматини ўтамасдан қолмади. Қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг маъмурий усули харид нархлари мисолида ўзини янада яққолроқ намоён қилди. Кейинги 20 йил ичида пахтага харид нархи даражасини белгилаш собиқ СССР Вазирлар Кенгашида кўрилиб, махсус қарорлар қабул қилинди. Пахта харид нархи анча ўсди. Аммо такомилга етмади. Пахтага харид нархини белгилашда табиий-иқтисодий механизм ёки бозор механизми ҳукмрон бўлмасдан, балки унинг давлат монополиясиздалиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бу эса пахта хом ашёси ишлаб чиқаришдан пахтакорларнинг етарли манфаатдорлигини оширмади.

Пахта хом ашёсига харид нархларини ошириш имкониятлари бормиди? Бор эди, албатта. Пахта хом ашёсига нарх белгилашнинг мезони қилиб уни ишлаб чиқаришнинг рентабеллик ва таннарх даражалари олинди. Гап шундаки, кейинги ўн йилликда пахта хом ашёси рентабеллик даражаси (фойданинг сотилган маҳсулот таннархига нисбати) жамоа хўжаликларида 28 фоизга, давлат хўжаликларида 1,8 мартага ўсди. Пахта хом ашёсини ишлаб чиқариш таннархи бу вақтда жамоа

хўжаликларида 5,4 фоизга, давлат хўжаликларида эса бир оз камайди. Жамоа хўжаликлари ва кўпчилик давлат хўжаликларида дон экинлари, пахта ва сабзавотдан ташқари кўпчилик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб давлатга сотиш норентабель, яъни иқтисодий зарар келтирди. Аммо 70 йил мобайнида пахта хом ашёсини давлатга топширишнинг рентабеллиги, унинг таннархининг нисбатан пастлиги пахтакорларга паст меҳнат ҳақи тўлаш ҳисобига амалга оширилиб келинганди.

Ер давлатники бўлиб, бу жамоа ва давлат хўжаликларига ижарага бериб қўйилгани сабабли ҳам харид нархини белгилаш давлат монополиясидир. Мана, нима учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларига белгиланадиган харид нархлари узлуксиз равишда индустриал ишлаб чиқариш воситаларига белгиланадиган sanoat улгуржи нархларидан, ана шу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ишлаб чиқариладиган халқ истеъмоли молларига белгиланадиган давлат чакана баҳоларидан узлуксиз орқада қолиб кетди. Бу узоқ йиллар давомида шаклланиб келган халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини аграр соҳа ҳисобига ривожлантиришдан бошқа нарса эмас эди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини Ўзбекистонда яна ривожлантириш истиқболлари борми? Ҳудудда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари сув ресурслари билан боғлиқ. Республикамиз тўла суғориладиган деҳқончиликка асосланади: қишлоқ хўжалигидаги 15 фоиз суғориладиган экин майдони ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 95 фоизини беради. Аммо сув манбалари чекланган. Нима қилиш керак? Биринчидан, суғоришнинг илгор ва тежамкор технологиясини, масалан, томчилаб суғориш усулини ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Иккинчидан, техник экинларни камайтириш ҳисобига кам сув талаб қиладиган экин майдонларини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Учинчидан, минерал ўғитлар, пестицидлар билан булганган оқова сувларни қайта ишлаб яна ундан фойдаланишга ўтиш лозим.

Сув муаммосидан кейин ердан фойдаланиш усуллари кенгайтириш ҳам бор. Ерга эгалликнинг кўп қиррали шаклларига ўтилмас экан, қишлоқ хўжалигида катта ўзгаришлар бўлиши қийин.

НОМОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

НОМОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИНИНГ МОҲИЯТИ, СТРУКТУРАСИ ВА ХАЛҚ ХҲЖАЛИГИДА ТУТГАН УРНИ

Маълумки, халқ хўжалиги тармоқлари (ижтимоий меҳнат тақсмоти ҳамда ялпи ижтимоий маҳсулот, миллий даромадни яратишда қатнашишига қараб) икки асосий соҳа — моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқаришга бўлинади. Биринчи соҳага маҳсулот шаклида моддий неъматлар яратадиган фаолият турлари кирилади. Бундан ташқари, юкларни ташиниш, маҳсулотларни сақлаш, навларга ажратиш, идишларга жойлаш ва ишлаб чиқаришнинг муомала соҳаси билан боғлиқ бошқа фаолиятлар ҳам моддий ишлаб чиқаришга кирилади.

Аммо савдо ва умумий овқатланиш, моддий-техника таъминоти ва тайёрлов фаолиятлари ўз ҳаракат аҳамиятига кўра саноат ва қишлоқ хўжалигидан анча фарқ қилади. Бу маънода уларни моддий ишлаб чиқариш соҳасига шартли равишда киритиш мумкин. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилишда янги истеъмол қийматлари яратилади. Моддий-техника таъминоти, савдо ва тайёрловда эса янги истеъмол қийматлари яратилмайди. Бу тармоқлар ишлаб чиқариш жараёнини яқинлашда қатнашиб, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигида яратилган маҳсулот қийматини оширади. Юк транспорти ва алоқанинг ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган турлари ҳам моддий ишлаб чиқариш доирасига киритилса-да, бевосита янги қиймат ҳосил қилмасдан, ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад умумий қийматини оширишда қатнашади. Шунинг учун ҳам бу тармоқларни номоддий ишлаб чиқариш соҳасига киритиб таҳлил этиш лозим. Ваҳоланки, умумий транспорт ва алоқа ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 3,2 фоизини, ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг 4,1 фоизини, савдо, моддий-техника таъминоти, тайёрлов ва бошқа тармоқлар ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 4,8 фоизини, миллий даромаднинг 8,7 фоизини бермоқда.

Шундай қилиб, номоддий ишлаб чиқариш соҳаси халқ хўжалигининг катта бир бўлаги бўлиб, жамият ва унинг аъзоларига номоддий характердаги хизмат кўрсатиш вазифасини амалга ошириш билан шуғулланади. Улар янги моддий неъматлар яратмасдан, фақат

Бир қанча шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади.

Бу соҳанинг тармоқ таркиби қуйидагиларни ўз ичига олади: уй-жой ва коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, сув хўжалиги (ноишлаб чиқариш соҳаси ва аҳолига хизмат қиладиган қисми), соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот, халқ таълими (маорифи), маданият, санъат, фан, кредит бериш, давлат сугуртаси, бошқариш, партия ва бошқа ижтимоий ташкилотлардир.

Хўш, қандай қилиб халқ хўжалигининг моддий ишлаб чиқариш соҳасини номоддий ишлаб чиқариш соҳасидан янада аниқроқ фарқлаш мумкин? Биз юқорида агар моддий ишлаб чиқаришда меҳнат маҳсулотда буюмлашса, номоддий ишлаб чиқаришда хизмат яратилади, дедик. Бунинг маъноси шуки, меҳнат аниқ товарда буюмлашиб, ишлаб чиқаришдан узоқлашиши мумкин эмас. Хизмат фақат уни ишлаб чиқариш пайтида мавжуд бўлади ва истеъмол қилинади. Қазиб чиқарилган кўмирда гавдаланган шахтёрнинг меҳнати билан сартарошнинг ўз миқозига кўрсатган хизмати (меҳнати) ёки бўлмаса пўлат қуювчининг меҳнати билан артистнинг халққа хизмат кўрсатиши ўртасида муҳим фарқ бор.

Иқтисодий моҳиятига қараб хизмат кўрсатиш ҳам моддий ва номоддий турларга бўлинади. Моддий характердаги хизматга асосан ижтимоий маҳсулот муомаласи доирасида амалга ошириладиган хизматлар тури киритилади. Унга одатда транспорт (пассажир транспортдан ташқари), тайёрлов, савдо, уй-жой, коммунал хизмат ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ишлаб чиқариш тармоқлари киради. Номоддий хизматлар эса ижтимоий-фойдали фаолият бўлиб, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиради, лекин буюм шаклини олмайди, маҳсулот қийматида ифодаланмайди.

Истеъмол характерига қараб хизмат шахсий ёки ижтимоий шаклларда бўлиши мумкин. Бундан ташқари, хизматнинг пуллик, бепул, имтиёзли шакллари мавжуд. Дастлаб қараганда моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш соҳалари бир-биридан мутлақо мустақилдек бўлиб кўринади. Аммо диққат билан разм солганда улар ўртасидаги чуқур ўзаро алоқадорликни пайқаш мумкин. Гап шундаки, моддий ишлаб чиқаришсиз ривожланган тиббний хизматни, халқ таълимини,

маданият ва дам олишини тасаввур қилиш қийин. Номоддий ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш негизи моддий ишлаб чиқариш тармоқларида жойлашган. Ўз навбатида, юқорида қайд этилган соҳалар, маиший ва коммунал хизмат, jisмоний тарбия, спорт ва бошқа ишлаб чиқариш соҳалари билан биргалликда иш кучининг сифат кўрсаткичларини ошириш, уни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг, кенг маънода шахс камолатининг муҳим омилли, охири-оқибатда esa ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий гаровидир.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА АҲОЛИГА ХИЗМАТ КўРСАТИШНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ

Агар асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқаришнинг суяк ва мускул системасини ташкил этса, транспорт ва алоқа халқ хўжалигининг артерия-қон томирини ташкил этади, деб айтиш мумкин. Чунки халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар фақат ички истеъмол учун ишлаб чиқарилмайди. Улар ишлаб чиқариш жараёни содир бўладиган доирани тарқ этиб ўз истеъмолчилларига етиб бориши керак. Худди мана шу жараёнда транспорт воситаларига эҳтиёж туғилади. Ижтимоий меҳнат тақсоти ва икти-сослашувга кўра ҳар бир тармоқ, корхона айна вақтда ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам истеъмолчи. Фарғона водийсидаги ишчи нефть қазиб чиқарар экан, у жанубий вилоятларда ёки марказда ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат ва кийим-кечакка эҳтиёж сезади ва ҳоказо. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ёки аксинча истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасидаги муомалани амалга оширишда транспортдан ташқари алоқа воситалари ёрдамга келади. Улар ишлаб чиқариш инфраструктурасини ташкил этиб, ҳар қандай жамият иқтисодиётининг муҳим қисмидир.

Транспортнинг темир йўл, трубопровод, автомобиль ва авиация турлари мавжуд. Табиийки, умумий транспорт хизматида уларнинг тутган ўринлари турли хил (15-жадвал).

Умуман ва алоҳида транспорт турлари бўйича юк ташиш ўсмоқда. Юк транспортининг янги турлари (трубопровод, ҳаво йўли) ҳаётга кириб бормоқда. Барча транспорт турлари бўйича юк жўнатиш 1991 йилда

363,75 миллион тоннани ташкил этди. Юк ташишда асосий ўринни автомобиль транспорти (76,8%), ундан кейин темир йўл (22,9%), ҳаво йўли (13,5%) ташкил этмоқда. Бундан ташқари, умумий фойдаланишда бўлмаган (индивидуал) транспорт орқали юк ташиш ҳам мавжуд.

15-жадвал

Умумий фойдаланишдаги транспорт турлари бўйича юк обороти (миллиард тонна — километр)

Кўрсаткичлар йиллар	Барча транспорт турлари	Шу жумладан			
		темир йўл	трубопровод	автомобиль	авиация
1980 й.	66,8	61,3	—	5,4	—
1985 й.	75,1	67,8	—	7,2	72,4
1990 й.	62,7	56,4	0,2	5,9	93,2
1991 й.	76,4	70,6	0,2	5,5	88,7
1980—91-йилларда ўсиш, %	114,4	115,2	—	101,8	—

Транспорт воситалари орқали асосан тошқўмир, нефть, рангли металл, қора металл, кимёвий ва минерал ўғитлар, цемент, ўрмон-ёғоч, қурилиш материаллари, ғалла, ун, комбикорма, пахта толаси ва бошқа маҳсулотлар ташилади.

Умумий фойдаланишда бўлган транспорт турлари орқали 1991 йилда 3056,8 миллион пассажир жўнатилди. Унинг автобус, енгил машина, хизмат машинаси, троллейбус, темир йўл, трамвай, метрополитен, авиация хиллари мавжуд. Улар орасида асосий ўринни (77,8%), автомобил, охириги ўринни авиация (0,2%) ташкил этади. Умумий фойдаланишда бўлган транспорт турлари бўйича пассажир обороти ҳам ўсмоқда. Бу ўсиш 1980—1991 йилларда 31,6 фоздан иборат бўлди.

Умумий фойдаланишда бўлган алоқа корхоналари орқали йилга 1,3 миллиард нусха газета ва журналлар, 182,8 миллион дона хат, 4,3 миллион дона почта, 31,5 миллион сўмлик нафақа ва пул ўтказмалари, 10,1 миллион телеграммалар жўнатилди. 76,7 миллион шаҳарлараро телефон сўзлашуви содир бўлади.

Аҳолига хизмат кўрсатишининг яна бошқа муҳим бўғинлари савдо ва маиший хизматдир. 1980—1991 йил-

ларда давлат, кооператив ва жамоа хўжалиги савдоси чакана товар оборотининг умумий миқдори 3,1 мартага -ошиб, 33,3 миллиард сўмни ташкил этди. Чакана савдо товароборотининг 53,7 фоизи давлат савдосига, 46,3 фоизи кооператив савдоси ҳиссасига тўғри келади. Товар оборотининг 92,6 фоизини чакана савдо, 7,4 фоизини умумий овқатланиш корхоналари бермоқда. Умумий савдонинг учдан икки қисми шаҳарда, қолган қисми қишлоқда содир бўлмоқда. Бутун товар обороти озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларига бўлинади. Ҳозир умумий товар оборотида озиқ-овқатнинг улуши 39,4 фоиз, ноозиқ-овқатники 60,6 фоиз.

1991 йилда аҳолига 3,7 миллиард сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Бу 1980 йилги кўрсаткичдан 2,2 марта зиёддир. Аҳоли жон бошига пуллик хизмат бу давр ичида 95,0 сўмдан 178,8 сўмга етди. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш маиший хизмат, пассажир транспорт, алоқа, уй-жой ва коммунал хизмат, мактабгача тарбия муассасаларида болаларга қараш, маданият, экскурсия-саёҳат, жисмоний тарбия ва спорт, соғлиқни сақлаш, санатория-курорт ва соғломлаштириш, ҳуқуқий хизмат ва бошқа йўллар орқали амалга оширилади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг турар-жойлар қуриш ва таъмирлаш, яқка тартибда кийим ва пойабзал тикиш, радио-телевизор аппаратларини тузатиш, рўзғорда ишлатиладиган машина ва асбобларни, металл буюмларни тайёрлаш ва тузатиш, транспорт воситаларини тузатиш ва техник хизмат, транспорт хизмати, сартарошлик ва суратга олиш шакллари бор. Маълум ўринни ижарага бериш пунктлари, ҳаммом, ювиш, кийим-кечакларни кимёвий тозалаш ва бўйаш, трикотаж кийимларини яқка тартибда тикиш ва тўқиш бўйича хизматлар туради.

Бошқариш аппарати ҳам номоддий ишлаб чиқариш соҳасининг зарур бўғинларидан биридир. Улар асосан ақлий меҳнат билан шуғулланидиган кишилардан иборат бўлиб, ишнинг сифатли ва самарали бажарилишини таъминлаш, кам харажатлар билан юқори натижаларга эришиш мақсадида ташкилӣ ва хўжалик қарорларини қабул қилиш бўйича раҳбарлик қилиш, бошқариш, ҳисоб-китоб ва назорат қилиш мақсадида ахборот йиғиш, уни қайта ишлаш ва узатиш билан шуғулланади.

Бошқариш органлари аппаратида Президент Маҳкамаси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимияти, Олий Кен-

таш, Вазирлар Маҳкамаси, Давлат Комитетлари, вазирликлар, маҳкамалар, вилоят Кенгашлари, жамоат ва кооператив ташкилотлари, касаба ва матлубот уюшмалари ва бошқалар киради. Булардан ташқари муассасаларда, бирлашмаларда, ташкилотларда, корхоналарда бошқариш вазифасини бажарувчи шахслар, уларнинг ўринбосарлари, муҳандис, техник, мастер (беvosита ишлаб чиқариш билан банд бўлмаган), диспетчер, ҳуқуқий маслаҳатчи ва бошқалар киради.

Давлат ҳокимияти ва бошқариш органларини сақлаб туриш учун давлат бюджетидан маълум миқдорда маблағ ажратилади. Бу маблағ бюджет даромадининг 1 фоизга яқинини ташкил этади. 10 йил муқаддам бу кўрсаткич 1,2 фоизга тенг эди.

ИЖТИМОЙ СОҶА

Ижтимоий соҳа номоддий ишлаб чиқаришнинг кенг ва муҳим қисмидир. Бу соҳа учун давлат бюджети маблағининг деярли ярмиси сарфланади. Ижтимоий соҳанинг барча жабҳаларини бу ерда қамраб олиш анча қийин. Шунинг учун унинг учта ўта муҳим йўналишини алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу йўналишларга халқ таълимини, соғлиқни сақлашни ва ижтимоий таъминотни киритиш мумкин.

1991 йилнинг охирига келиб Ўзбекистонда 10 мингга яқин доимий мактабгача тарбия муассасалари фаолият кўрсатди. Уларда 1,5 миллионга яқин болалар тарбияланмоқда. Ясли ва боғчалар ҳамда унда тарбияланувчилар сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Уларга давлат ҳар йили кўплаб маблағ сарфламоқда. 1990 йилда мактабгача тарбия муассасасида ҳар бир бола учун йилга 558 сўм сарфланар эди. Шундан 92,7 фоизи давлат ҳисобидан кетади. Аммо бу тадбирларни ҳали етарли деб бўлмайти, албатта. Болаларнинг мактабгача тарбия муассасалари билан таъминлиниш даражаси ҳозир республика бўйича 35 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич шаҳар жойларда 51,3, қишлоқ жойларида эса 27,0 фоизни ташкил этади.

Ҳозир 8769 умумтаълим мактабларида 4,7 миллион ўғил ва қизлар билим олмоқда. Булардан ташқари, 800 мингдан зиёд ёшлар ҳунар-техника, ўрта махсус ва олий

Ўқув юртларида таълим олмоқда. 66 минг киши умумтаълим мактабларида (ўқувчиларнинг 1,4 фоизи), 95 минг киши (37 фоиз) ўрта махсус ўқув юртларида ва 152 минг киши (45 фоиз) олий ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқимоқда. 1990 йилда давлат битта умумтаълим мактаби ўқувчиси учун 287 сўм, ўрта махсус ўқув юрти талабаси учун 922 сўм, олий мактаб талабаси учун эса 1361 сўм сарфлади (ўша даврдаги пул ҳисобиди).

Барча умумтаълим мактабларида 400 мингга яқин ўқитувчи ишламоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан барча таълим турларидаги ўқитувчилар иш ҳақлари бир неча марта оширилди. Ўқувчи ва талабаларнинг стипендиялари оширилди (16-жадвал).

16-жадвал

Таълим турлари бўйича ўқувчилар сонин (минг киши)

Ўқув йиллари кўрсаткичлари	1980/81 й.	1985/86 й.	1990/91 й.	1991/92 й.	1980—81—1990/91 ўсиш, %
Таълим олувчилар — ҳаммаси шу жумладан	5950,3	6519,6	6713,4	6439,7	108,2
— умумтаълим мактабларида	4047,2	4436,4	4743,7	4721,3	116,6
— ҳунар-техника ўқув юртларида	233,9	294,2	232,9	222,3	95,0
— ўрта махсус ўқув юртларида	237,7	281,7	261,8	254,4	107,2
— олий ўқув юртларида	278,1	281,5	340,9	337,4	121,3

Республика соғлиқни сақлаш системасига даволаш-профилактика соғломлаштириш ва санитария-гигиена муассасаларининг кенг тармоқлари киради. Улар тўла давлат ҳисобидан аҳолига хизмат кўрсатади. Ўзбекистонда 1300 касалхона бўлиб, уларда 262 минг ўрин мавжуд. 3 минг амбулатория-поликлиника муассасалари, 280 ихтисослашган диспансерлар, 6,6 минг фельдшер-акушерлик пунктлари, 2,4 минг дорихоналар ишлаб турибди. 200 га яқин санитария-эпидемиология станциялари, 113 саломатлик марказлари бор. Давлат

1990 йилда касалхонадаги битта каравот — ўринни жорий сақлаб туриш учун 4150 сўм сарфлади.

1980—1991 йилларда барча кўрсаткичлар бўйича соғлиқни сақлаш соҳаси ривожланди. Айниқса врачлар, урта тиббиёт ходимлари сони устун даражада ўсди. Шунга мувофиқ равишда соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган давлат харажатлари ҳам тез ўсди.

Албатта, тиббиётда миқдор кўрсаткичлар асосий мақсад эмас. Бу ерда сифат кўрсаткичлар устун бўлиши керак. Агар даволаш сифати яхшиланиб, даволаш муддати қисқарадиган бўлса, касаллар учун ҳозирланадиган ўринлар сонини ҳам кўпайтириш шарт бўлмасди. Ҳозир ҳар 10 минг киши аҳоли ҳисобига 123 та ўрин тўғри келмоқда. Соғлом турмуш тарзи, оммавий физкультура, диспансеризацияни яхшилаш ва тиббий сўғуртасига ўтиш бу соҳага жиддий ўзгаришлар олиб кириши аниқ.

Ҳозир республикамизда 2,4 миллион нафақадор бор. Шулардан 1,5 миллион киши қарилғи бўйича, 259 минг киши ногиронлиги, 422 минг киши боқувчисини йўқотганлиги учун давлат жамоа хўжалигидан нафақа олади.

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминотга кетадиган маблағларнинг ҳаммаси ижтимоий истеъмол фондларидан ажратилади.

Ижтимоий истеъмол фонди иш ҳақи фондидан ташқари аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган давлат бюджетининг бир қисмидир (17-жадвал).

Ижтимоий истеъмол фондининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, жамиятнинг барча аъзоларига маълумот олиш, даволаниш ва бошқа имтиёзларга эга бўлиш учун тенг имконият беради. Унинг катта ижтимоий роли шундаки, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда ва кексайганда ёки боқувчисини йўқотган ҳолларда кишиларнинг моддий таъминотини кафолатлайди. Ижтимоий истеъмол фонди аҳолининг меҳнат даромадларига қўшимча бўлиб, реал даромадлар ўсишининг мўҳим манбаидир. Аҳоли реал даромадларининг 10—12 фоизи ана шу фондлар ҳисобидан таркиб топади. Бизда пенсия таъминоти асосан давлат ва колхоз ҳисобидан ҳамда меҳнатқашлар даромадларидан айрим ажратмалар ҳисобига таркиб топмоқда. Ҳозирги вақтда пенсия эракаларга 60 ёшдан, аёлларга эса 55 ёшдан белгиланади. Ер ости ишларида, иссиқ цехларда ва

бошқа оғир шароитларда меҳнат қиладиган ишчи ва хизматчилар 5—10 йил илгари нафақадорликка чақирилади.

17-жадвал

Ижтимоий истеъмол фондидан аҳолига тўлов ва имтиёзлар

Курсаткичлар	1980 й.	1985 й.	1990 й.	1991 й.	1980—91 йилларда ўсмиш, %
Тўлов ва имтиёзлар, миллион сўм шу жумладан:	4942,2	6603,5	7565,3	9134,7	184,8
— маориф	1801,0	2384,8	2713,4	3105,4	172,4
— соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия	778,2	1005,0	1171,6	1587,7	204,0
Ижтимоий таъминот ва ижтимоий сугурта шу жумладан:	1694,4	2287,3	2808,7	3124,6	184,0
— пенсия	914,1	1229,1	1539,7	1756,4	192,1
— нафақа	734,2	1007,9	1145,5	1194,0	162,9
Ўй-жой фондини сақлаш учун давлат харажатлари	165,6	233,2	249,8	357,4	215,8
Аҳоли жон бошига тўлов ва имтиёзлар	310	357	382	446	143,9

Ижтимоий соҳа ҳақида ғамхўрлик, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш жамиятимизнинг энг катта афзалликларидан биридир.

**НОМОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Иқтисодий ўсиш номоддий ишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар улушининг ошиб боришига олиб келади. Ривожланган мамлакатларда йўналиш ана шундай. Аммо бизда моддий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар номоддий ишлаб чиқариш соҳаси фойдасига камаймаяпти. Бунинг сабаби шуки, биринчидан, моддий ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш, электрон ҳисоб-

лаш машиналарини қўллаш даражасининг пастлиги сабабли қўл меҳнати сиқиб чиқарилмаяпти. Аксинча, қишлоқ хўжалигида қўл меҳнати бир оз ўсди. Иккинчидан, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси яхши ривожланмаган. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизмат доираси анча кенг. Аммо коммунал ва маиший хизмат, алоқа, жисмоний тарбия ва спорт ҳақида бундай деб бўлмайди. Ёки бўлмаса, саёҳат ва экскурсияни олайлик. Бу соҳада чексиз имкониятлар бор. Бутун жаҳон эътиборини ўзига тортадиган тарихий шаҳарлар, саноқсиз кўҳна обидалар бўлишига қарамасдан оддий хизмат, меҳмонларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш индустрияси ночорлиги туфайли бу соҳа етарли ривожланмаган. Дам олиш уйлари, пансионатлар, мактабгача тарбия тармоқларини ҳам янада ривожлантириш истиқболлари бор.

18-жадвал

Халқ хўжалигида банд аҳолининг фаолият соҳалари бўйича тақсимланиши

Кўрсаткичлар	1980	1985	1986	1987	1988	1990	1991
Халқ хўжалигида банд бўлганларнинг ҳаммаси	100	100	100	100	100	100	109
Моддий ишлаб чиқариш соҳасида	74,4	73,7	73,6	74,0	73,8	74,1	74,6
Номоддий ишлаб чиқариш соҳасида	25,6	26,3	26,4	26,0	26,2	25,9	25,4

18-жадвалдан кўриниб турибдики, халқ хўжалигида банд бўлганларнинг асосий қисми моддий ишлаб чиқариш соҳасида жойлашган. Кейинги ўн йилликда бу нисбат деярли ўзгармасдан келмоқда. Шунга қарамасдан бозор иқтисодиётига ўтиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш норентабель ва халқ эҳтиёжлари учун маҳсулот бермайдиган, атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келадиган корхоналарнинг синишига олиб келади. Вақтинча иш жойларини йўқотган ходимларни иш билан таъминлаш номоддий ишлаб чиқариш соҳаси муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли табиий ўсиши юқори бўл-


ган республикамизда номоддий ишлаб чиқариш соҳаси фойдасига меҳнат ресурслари қайта тақсимланади. Бунинг устига бу соҳада ўта меҳнатталаб тармоқлар мавжуд.

ИЖТИМОЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СТРУКТУРАСИ ВА САМАРАДОРЛИГИ

ИЖТИМОЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СТРУКТУРАСИ

Ҳар бир аниқ шароитда ишлаб чиқаришнинг натижаси сифатида алоҳида маҳсулотлар — нон, газлама, станок ва бошқалар вужудга келади. Аммо бу ерда бизни алоҳида маҳсулотлар қизиқтирмайди, аниқ ишлаб чиқариш жараёни билан ҳам ишимиз йўқ. Бизни ижтимоий ишлаб чиқариш қизиқтиради. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг натижаси эса ижтимоий маҳсулотдир.

Ижтимоий маҳсулот таркибига турли хил моддий ва номоддий неъмат ва хизматлар киради. Улар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли соҳа ва тармоқларида яратилади. Умумий кўринишда унинг структураси ва тармоқ классификацияси қуйидагича бўлиши мумкин:



Моддий ишлаб чиқариш моддий неъматлар ишлаб чиқарадиган тармоқ ва корхоналарни ўз ичига олади. Бу тармоқларга: саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ҳамда моддий хизмат кўрсатадиган тармоқлар, транс-

порт ва савдо (маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган), коммунал хизмат, маиший хизмат (кийим тикиш ва ремонт, кир ювиш, кийимларни химиявий йўл билан тозалаш ва бошқалар) киради.

Номоддий ишлаб чиқариш тармоқларида алоҳида номоддий неъматлар (маънавий бойликлар), номоддий хизматлар яратилади. Бунга соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқалар киради.

Аммо ялпи ижтимоий маҳсулот ижтимоий ишлаб чиқаришни характерлаш учун етарли кўрсаткич эмас. Бу ерда бошқа иқтисодий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланишга тўғри келади. Гап шундаки, халқ хўжалиғи алоҳида бўғинлари маҳсулотининг бир қисми (хом ашё, материаллар, ёқилғи) кейинги босқичларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун сарф бўлади. Шу сабабга кўра бу ерда такрор ҳисобдан қочиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам ижтимоий маҳсулотнинг муҳим шакли сифатида пировард маҳсулотдан фойдаланилади. У жамият ялпи ижтимоий маҳсулотидан меҳнат предметларини чиқариб ташлаш йўли билан ҳисобланади. Шу билан бирга у буюмлашган меҳнат харажатларининг меҳнат воситаларида гавдаланган қисмини ифодалайди.

Агар ялпи ижтимоий маҳсулотдан ўтган даврда буюмлашган меҳнат харажатлари чиқариб ташланса, жамиятнинг соф маҳсулотига эришилади. Соф маҳсулотга икки томондан — натурал-буюм ва қиймат жиҳатдан ёндашиш мумкин. Натурал-буюм шаклидаги соф маҳсулот ялпи ижтимоий маҳсулотни тайёрлаш жараёнида сарф бўлган ишлаб чиқариш воситаларини қоплашни чегириб ташлагандан қолган қисмидир.

Соф маҳсулотнинг пулда (қийматда) ифодаланиши миллий даромаддир. 1991 йилда Ўзбекистонда 46 миллиард сўмга тенг миллий даромад ишлаб чиқарилди.

Ижтимоий маҳсулот, шунингдек, ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичида ҳам ўз ифодасини топади. Унинг ялпи ижтимоий маҳсулот кўрсаткичидан нима фарқи бор? Ялпи миллий маҳсулот моддий ва номоддий ишлаб чиқаришдаги корхона, ташкилот ва аҳоли даромадларидир. Унга ишлаб чиқаришда қўлланилган ишлаб чиқариш воситалари қийматини тайёр маҳсулотга ўтказиш натижасида ҳосил бўладиган амортизация харажатлари миқдори ҳам киради. Аммо, афсуски, бу кўрсаткич ҳали амалиётда кенг қўлланилмайди.

ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ёки иқтисодий самарадорлик ҳар қандай жамият, алоҳида меҳнат жамоаси барқарорлиги ва тараққиётининг, барча жамият аъзолари турмуш фаровонлигини оширишнинг моддий асосидир. Самарадорлик бир қанча иқтисодий кўрсаткичларда ифодаланиб, ресурсларнинг алоҳида турлари (жонли меҳнат, меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари) дан фойдаланиш натижаларининг қисман ва ресурсларнинг бир қанча турларидан фойдаланишнинг умумий кўрсаткичларини ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг бош мақсади ижтимоий ресурслардан оқилона фойдаланиш эвазига ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни тўлароқ қондиришдир. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ишлаб чиқаришдан олинган натижаларнинг аванслашган ресурсларга ёки уларнинг жорий харажатларига нисбати билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий самарадорлик тушунчаси қандай қилиб ишлаб чиқариш қувватлари ёки ялпи миллий маҳсулот миқдорини ошириш мумкин деган саволга жавоб бериши керак.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини бутун мамлакат, алоҳида тармоқ, корхона даражаларида аниқлаш мумкин. Мамлакат миқёсида ишлаб чиқаришнинг самарадорлик кўрсаткичлари ялпи ижтимоий маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, пировард маҳсулот, миллий даромад, шунингдек, меҳнат унумдорлиги даражаси ва бошқалардир. Уларни мутлақ кўрсаткичларда, яъни умумий суммада ҳамда аҳоли жон бошига ҳисоблаш мумкин.

Корхона ёки тармоқ даражасида самарадорлик кўрсаткичи бўлиб соф маҳсулот, ялпи маҳсулот ва фойда хизмат қилади. Аванслашган ресурслардан фойдаланиш фондларнинг самарадорлиги, айланма воситаларнинг ҳаракат коэффиценти, ишлаб чиқариш фондларининг рентабеллиги (фойдалилиги) ва бошқа бир қанча иқтисодий кўрсаткичларда ўз ифодасини топади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини белгилайдиган кўрсаткичлар кўп. Лекин улар ичида кенгроқ ва умумийроғи ҳақиқий ялпи ижтимоий маҳсулот (ялпи миллий маҳсулот) ёки миллий даромаднинг маълум давр мобайнида ўсишидир ёки бўлмаса маълум вақт давомида уларнинг аҳоли жон бошига ўсишидир. Ҳар иккала кўрсаткич ҳам бир вақтнинг ўзида ёки алоҳида

қўлланилиши мумкин. Биринчи кўрсаткич мамлакатнинг иқтисодий қудратини ифодалайди. Иккинчи кўрсаткич аҳоли жон бошига ялпи миллий маҳсулот ва миллий даромад даражасини ифодалайди. Шунинг учун ҳам аҳоли жон бошига ҳақиқий ижтимоий маҳсулотнинг ўсиши умумлашган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Одатда иқтисодий самарадорлик ёки иқтисодий ўсиш — йиллик ўсиш суръатларининг фоизи билан ўлчанади. Масалан, ялпи миллий маҳсулот ўтган йили 100 миллиард сўм ва бу йил 110 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, ўсиш суръатларини бу йилги реал ялпи миллий маҳсулот миқдоридан ўтган йилги реал ялпи миллий маҳсулот миқдорини олиб ташлаш ва ҳосил бўлган фарқни ўтган йилги ялпи миллий маҳсулот реал миқдorigа нисбати орқали ҳисоблаш мумкин. Бу вақтда ўсиш суръатлари (110 млрд. сўм — 100 млрд. сўм) 100 миллиард сўм — 10% кўринишни олади.

Иқтисодий самарадорликнинг ўсиши муҳим аҳамиятга эга. Унга одатда бош иқтисодий мақсад сифатида қаралади. Бу тушунарли. Ижтимоий маҳсулотнинг аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ўсиши халқ турмуш даражасининг ўсишини билдиради.

Ҳақиқий маҳсулотнинг ўсиши моддий неъматлар мўл-кўллигига олиб келади. Ўсиб бораётган иқтисодиёт янги эҳтиёжларни қондиришни ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни мамлакат ичкарисида ҳам, халқаро даражада ҳам ҳал қилишнинг катта имкониятларини беради. Бошқача айтганда, самарали иқтисодиёт ҳақиқий маҳсулотнинг йиллик ўсиши билан тавсифланиб мавжуд эҳтиёжларни қондириш ёки янги дастурларни ишлаб чиқаришда ундай фойдаланиш мумкин.

19-жадвалдан кўриниб турибдики, асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматидан ҳам, аҳоли табиий ўсишидан ҳам ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад ишлаб чиқариш суръатлари юқори даражада ўсди. Бу ерда баҳо омилини ҳам назардан қочирмаслик керак, албатта.

Самарадорликнинг ўсиши натижасида иш ҳақининг оширилиши, масалан, баб-баравар ҳар бир оиланинг имконият доирасини кенгайтиради: бошқа имконият ва неъматларга халал бермаган ҳолда оила аъзоларининг чет элга саёҳат қилиши ёки енгил автомобиль сотиб олиши мумкин бўлади. Шу билан бирга иқтисодий са-

марадорлик, масалан, мавжуд истеъмол инвестиция ҳажмини, ижтимоий неъматларни ишлаб чиқариш даражасини туширмаган ҳолда экологик ва нафақадор ҳамда ногиронлар турмушини яхшилаш тадбирларига

19-жадвал

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари (миллиард сўм, минг киши)

Кўрсаткичлар	1980 й.	1985 й.	1990 й.	1991 й.	1990—1991 йилларда ўсиш.
Ялпи ижтимоий маҳсулот	36,2	45,1	53,5	108,9	300,8
Ишлаб чиқарилган миллий даромад	17,5	19,9	23,4	46,0	262,8
Халқ ҳўжалиги барча тармоқларида асосий ишлаб чиқариш фондлари	38,6	54,5	66,5	68,6	177,7
Аҳоли сони	15757	18423	20322	20708	131,4

донр янги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятини беради. Иқтисодий самарадорлик ресурслар чекланганлиги муаммосини ечишни юмшатади.

ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Иқтисодий самарадорликнинг маълум манбалари мавжуд. Ҳар қандай мамлакатда ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришнинг қатор асосий омиллари бор: табиат ресурсларининг миқдори ва сифати, меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати, асосий капитал ҳажми, технология. Иқтисодий ўсишнинг бу омилларини таклиф омиллари тушунчаси остида бирлаштириш мумкин.

Булардан ташқари самарадорликнинг талаб ва тақсимот омиллари ҳам бир-бирларидан фарқланади. Аммо улар орасида ўсишнинг таклиф омиллари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу фикрни мисолларда ифодалашга ҳа-

ракат қиламиз. Ялпи ижтимоий маҳсулот (ЯИМ) (афсуски бизда ялпи миллий маҳсулот тушунчаси эндигина ҳисоб-китоб қилиняпти) меҳнат харажатларининг (одам-соатда) меҳнат унумдорлигига бир киши томонидан бир соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот қўлай-тирилиши билан аниқланади. Бунда ЯИМ — ишлаган киши-соат сони, x меҳнат унумдорлиги. Буни қандай тушуниш мумкин. Айтайлик, хўжаликда 10 киши банд. Уларнинг ҳар бири йилига 2 минг соат ишлаб беради. Шунда ишлаб берилган киши-соатлар 20 мингни ташкил этади. Агар киши-соат ҳисобига ўртача 5 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариладиган бўлса, унда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий ҳажми ёки ЯИМ 100 минг сўми ($20 \text{ минг} \times 5 \text{ сўм} = 100 \text{ минг сўм}$) ташкил этади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида меҳнат унумдорлиги ўсаётгандай кўринади. Лекин ҳақиқатан ҳам шундайми? Афсуски, бу ерда баҳо омилнинг роли катта. Кейинги йилларда ўсиш ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларига улгуржи ва чакана баҳоларнинг тез ошуви ҳисобига юз берди.

Умуман меҳнат унумдорлиги иқтисодий самарадорликнинг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида нима-ларга боғлиқ. Меҳнат харажатлари миқдори ижтимоий меҳнатда банд бўлган кишилар ва ўртача иш ҳафтасининг давомийлигига боғлиқ. Ўз навбатида банд бўлганлар сони меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳолининг сони ва ишчи кучининг меҳнатга жалб қилинганлиги даражасига боғлиқ.

Меҳнат унумдорлиги техника тараққиёти, фондлар билан қуролланиш, ишчи кучининг сифати ва уларни тақсимлашнинг мақсадга мувофиқлиги, турли хил ресурсларни бир-бири билан қўшиб олиб бориш ва уларни бошқариш омилларига боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда меҳнат унумдорлиги меҳнат ресурслари саломатлиги, профессионал тайёргарлиги, маълумотининг ўсиши, уларнинг машина ва асбоб-ускуналар билан таъминланишининг яхшиланиши, шунингдек табиат ресурсларидан фойдаланишнинг яхшиланиши, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, ишчи кучини кам самарали соҳалардан самарадорроқ соҳаларга кўчириш билан слиб борилади. Ўзбекистон турли хил табиат ресурсларининг жуда бой заҳираларига эга. Улар иқтисодий тараққиётга катта ҳисса қўшмоқда. Бу ерда

серҳосил ерлар, бой минерал ва хом ашё ресурслари жойлашган. Табиат ресурсларининг бой заҳиралари ва уларнинг хилма-хиллиги бўйича Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида энг олдинги ўринлардан бирида туради. Аммо бунинг ўзигина иқтисодий самарадорликнинг тўхтовсиз ўсиб бориши учун кифоя эмас. Масалан, Япония, Жанубий Қурияда табиат ресурслари чекланган, лекин иқтисодий ўсиш юқори суръатларда давом этмоқда. Африка ва Жанубий Америкадаги мамлакатлар табиат ресурсларининг жуда катта заҳираларига эга, аммо улар иқтисодий қолоқлигича қолмоқда.

Демак, иқтисодий самарадорликни таъминлаш учун табиий ресурсларнинг ўзигина кифоя эмас. Бу ерда ўлчаш мумкин бўлмаган омилларнинг роли ҳам беқиёс. Бу омилларга ижтимоий, миллий, сиёсий ва маданий барқарорлик учун муҳит, соҳибкорлик, ихтирочилик, яратувчанлик учун қулай шарт-шароит ҳозирлаш каби тадбирлар системаси киради. Юқорида қайд этилган шарт-шароитларни миқдорий баҳолаш мумкин бўлма-са-да, сўзсиз улар иқтисодий ўсишнинг асосларини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсувига тўсиқ бўладиган омиллар ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда табиат ресурсларидан, энг аввало ер бойлигидан узлуксиз фойдаланиш — иқтисодий самарадорликни таъминлаш билан бир қаторда, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш муаммосини келтириб чиқарди. Энди катта маблағларни тозалаш иншоотларига, меҳнат шароитини яхшилашга сарфлашга мажбур бўлдик. Ҳозир Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистон Республикасининг катта миқдордаги маблағлари Орол денгизини қутқаришга, Орол олди минтақа аҳолисининг яшаш шароитини яхшилаш учун сарф бўлмоқда. Бундан 30—40 йил муқаддам бундай муаммо кун тартибида йўқ эди. Шундай қилиб, меҳнат унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган асосий фондларни инвестициялаш маблағлари бошқа муаммоларга сарф бўлмоқда. Агар мамлакат бугун 1 миллиард сўмни Оролни қутқариш фондига ўтказадиган бўлса, у ана шу маблағни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган машина ва асбоб-ускуналарга сарфлаш имкониятидан маҳрум бўлади.

Иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатадиган ана шундай омиллар жумласига меҳнат интизомининг бу-

зилиши, хўжасизлик ва хўжалик жиноятлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ноқулай оби ҳаво шароитининг таъсири ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Меҳнат хавфсизлигининг ошуви, тоза ҳаво ва тоза сув ҳаёт сифатини яхшилаш ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиши ҳисобига амалга ошади. Аммо самарадорликнинг ўзи ана шу мақсадларни амалга ошириш учун харажатларни ошириш имконини беради.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ РЕЗЕРВЛАРИ

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг барча омилларидан тўла фойдаланилмаслиги деб бўлмайди, албатта. Агар шундай бўлганда эди натижа бугунгидан бутунлай бошқача бўларди. Самарадорликни оширишнинг муҳим резервини, энг аввало, инвестиция омилидан қидириш керак. Ялпи ижтимоий маҳсулотда инвестиция улуши ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши ўртасида жуда яқин боғлиқлик мавжуд. Трактордан фойдаланадиган деҳқон бир соатда кетмон билан иш бажарадиган деҳқондан хийла кўп ерга ишлов беради. Кейинги йилларда ялпи ижтимоий маҳсулотнинг инвестицияга кетадиган қисми сезиларли даражада пасайди. Натижада меҳнат унумдорлиги ўсишининг камроқ суръатларига эришилди. Гап шундаки, инфляция солиқдан ортиб қоладиган ҳақиқий фойда миқдорининг камайишига олиб келди. Бу ўз навбатида инвестиция (жамғариш) имкониятларини қисқартирди. Ялпи ижтимоий маҳсулотда инвестиция улушининг борган сари камайиб боришини тўхтатишдан ташқари капитал сармоялар структурасини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йиллардаги йирик капитал маблағлар узоқ муддатли улкан қурилишларга йўналтирилган бўлиб, улар маҳсулот ишлаб чиқаришни оширишга олиб келмади, улардан келадиган самара кечикди. Даромадлардан ундириладиган солиқ ставкасининг юқорилиги ҳам фойда ҳажмини қисқартириб, янги инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга тўсқинлик қилди. Ёнилги-энергия ресурсларига нархнинг кескин оширилиши юқори самарали кўп капитал сифимини тақозо этадиган технологиядан фойдаланишни қийинлаштирди.

Иккинчидан, иқтисодий самарадорликни ўстиришда ишлаб чиқаришни асосий фондлар билан қуроллантиришни яхшилаш катта аҳамиятга эга. Асосий ишлаб чиқариш фондларини ишга тушириш халқ хўжалиги моддий ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлганлар сонидан кескин орқада қолмаслиги зарур.

Учинчидан, меҳнат, иш кучининг сифатига ҳам кўп нарса боғлиқ. Меҳнат ресурслари ўсиши билан олий, ўрта махсус ва ҳунар-техника маълумотига эга мутахассис ва ишчи кадрлар сони ҳам сезиларли ўсди. Аммо уларнинг тайёргарлик даражаси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш талабларига жавоб бера оладими? Афсуски, меҳнат сифати ҳозирги замон талабларига даражасидан ҳали анча узоқ.

Тўртинчидан, техника тараққиётида ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг улкан резервлари мавжуд. Техника тараққиёти кўп жиҳатдан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ечимларига харажатлар миқдори билан белгиланади. Бу харажатларнинг улуши ялпи ижтимоий маҳсулот таркибида камаймаслиги керак.

Бешинчидан, ишлаб чиқариш самарадорлиги меҳнатни ташкил қилиш шакллари билан чамбарчас боғлиқ. Бу жиҳатдан биз ривожланган мамлакатлардан анча орқада турмоқдамиз. Келгусида ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклларини кенгайтириб боришнинг аҳамияти ортиб боради.

Меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадорлигини тавсифлайдиган жонли меҳнат, шунингдек ишлаб чиқариш воситаларида моддийлашган меҳнатни тежашни ифодалайдиган муҳим иқтисодий кўрсаткичдир. Ижтимоий меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг моддий ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ишловчиларга нисбати сифатида ўлчанади. Меҳнат унумдорлиги — ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг (халқ турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг) асосий манбаидир. Ў қанча юқори бўлса, ялпи ижтимоий маҳсулот, ишлаб чиқариш ҳам шунча юқори, жамият аъзолари турмуш фаровонлиги ва баркамоллиги ҳам шунча юксак бўлади. Ижтимоий меҳнат унумдорлиги ҳар қандай жамият тараққиётининг энг асосий, энг муҳим шартидир.

1991 йилда ижтимоий меҳнат унумдорлиги илгариги йиллардагидан сезиларли паст кўрсаткични ташкил этди. Бу кўрсаткич ҳозир янада пасайиш ҳолатида. Унинг даражаси фақат саноатда сақлаб турилибди.

Меҳнат унумдорлиги даражасига турли хил омиллар таъсир кўрсатади. Ишчи ва хизматчиларнинг ма-лакаси унга таъсир ўтказадиган фаол омиллардандир. Ходимларни ўз асосий ишларидан бошқа ишларга чалғитиш каби номақбул тажриба учраб туради. Бундай тажриба меҳнат унумдорлиги даражасига салбий таъсир кўрсатади. Ўз асосий ишларидан бошқа ишларга чалғитишларнинг катта қисми одатда қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этиш ҳисобига кечади. Бундан ташқари, ишчи ва хизматчиларнинг мева ва сабзавот омборларидаги ишларга, объектлар қурилиши ва шаҳар ҳудудини ободонлаштириш, бадий ҳаваскорлик тўғаракларидаги машғулотлар, спорт мусобақалари, ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган кенгаш ва семинарлар, ҳарбий комиссарликларга, халқ судьяларига чақириқлар, халқ дружинасига қатнашиш ва бошқаларга қатнашиш ҳоллари кўплаб учраб туради.

Қолаверса, меҳнат интизомининг пастлиги ҳам иш маромини бузади, охир оқибатда эса меҳнат унумдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Саноат ва қурилишда ана шу сабабга кўра ҳар йили миллионлаб киши-кун иш вақти йўқотилади. Бу ҳар кун миңлаб ишчилар ўз дастғоҳлари ёнида бўлмади демакдир. Ишга чиқмаслик, кун бўйи ва смена орасида бекор туриб қолиш ва бошқалар ана шунга олиб келади.

Меҳнат унумдорлигини ўлчаш халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғида ўз хусусиятига эга. Масалан, қишлоқ хўжалигида у иш вақти бирлигида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт билан ўлчанади. Уни ўлчашнинг қиймат ва натурал кўрсаткичлари мавжуд. Қиймат кўрсаткичи бир киши-соатда ишлаб чиқарилган солиштира баҳолардаги ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти, бир киши-соат вақт ҳисобида солиштира баҳоларда, қишлоқ хўжалигининг алоҳида тармоқларида (деҳқончилик, чорвачилик) ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот сифатида аниқланади. Меҳнат унумдорлигининг натурал кўрсаткичи эса маълум маҳсулотларни яратишга кетган киши-соат меҳнат харажатлари сифатида ҳисобланади. Меҳнат унумдор-

лигининг қиймат ва натурал кўрсаткичлари бир йилга ҳисобланади. Аммо унинг оператив кўрсаткичлари ҳам мавжуд.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида юксак меҳнат унумдорлигини таъминлаш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг бош мезони, асосий вазифа, пировард натижада эса жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тақдирини белгилайдиган шартлардан биридир.

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ НИМА?

Маълумки, бозорнинг турли хил шакллари мавжуд. Ишлаб чиқариш воситалари бозори, истеъмол буюмлари бозори, меҳнат ва интеллектуал мулк бозори, фонд (капитал) лар бозори ва ҳоказолар. Улар орасида асосий ўринни истеъмол буюмлари ва хизмат бозори эгаллайди. Чунки у аҳоли турмуш даражаси, халқ турмуш фаровонлигини ошириш муаммолари билан яқиндан боғлиқ.

Истеъмол бозори — аҳоли турмуш эҳтиёжи учун зарур товар ва хизматларнинг айирбошланиши содир бўладиган бозордир. У турли-туман савдо шохобчаларидан иборат. Ўзбекистонда давлат, кооператив савдоси, колхоз (деҳқон) бозори, чайқов бозори, хусусий савдо истеъмол бозорини ташкил этади. Бозорда сотувчилар ва харидорлар ўртасида олди-сотди муносабатлари содир бўлади. Сотувчилар — товар ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг ваколатини олган корхона, ташкилот ёки айрим фуқаролар бўлса, харидорлар кенг истеъмолчилар оммасидан иборатдир. Сотувчилар товар эгаси, харидорлар эса пул эгаси сифатида бозорда бир-бирига дуч келади. Харидорлар фақат фуқаролардан иборат эмас. Харидорлар таркибига аҳолига bepул хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар (касалхона, етимхона, болалар боғчаси, қариялар уйи ва бошқалар) ҳам киради. Улар ҳам кенг истеъмол буюмларини сотиб оладилар. Истеъмол бозорида ҳар хил хизмат (маданий, техникавий, тиббий) лар ҳам сотилади.

Истеъмол бозорининг кўлами унда сотилган товарларнинг ялпи суммаси билан белгиланади. Товар айланиши (оборот) асосан истеъмол буюмларидан иборат молларни пулга айирбошлаш бўлиб, сотиш ва сотиб олиш муносабатида ўз ифодасини топади. Аммо товар обороти шаклида ишлаб чиқариш воситаларининг ҳам бир қисми сотилиши мумкин. Товар оборотининг ялпи, соф, улгуржи ва чакана шакллари мавжуд. Булар ичида чакана товар обороти муҳим аҳамиятга эга. Чакана товар обороти аҳолини бевосита моллар билан таъминлашдан иборат бўлса-да, шу билан бир қаторда ташкилот, муассаса ва корхоналарга, нақд ҳисоб-китобсиз моллар сотишдан ҳам иборат. Чакана товар айланишининг ўзига хос шаклларида бири колхоз савдосдир, у колхоз бозорида бозор баҳоларида сотиладиган ҳисоб-китобларга асосланади.

Чакана товар оборотининг шаҳар ва қишлоқ, давлат ва кооператив савдо, чакана савдо ва умумий овқатланиш шакллари мавжуд.

20-жадвал

Давлат ва кооператив савдо товар обороти

Кўрсаткичлар	1980 й.	1985 й.	1990 й.	1991 й.	1980—1991 йилларда ўсиш. %
Чакана товар айланмасининг умумий ҳажми, млн. сўм	10051,0	13033,7	18128,8	30612,9	304,6
% шу жумладан:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
— давлат савдоси, млн. сўм	5318,8	6957,5	9722,8	16434,9	309,0
%	52,9	53,4	53,6	53,7	101,5
— кооператив савдо, млн. сўм	4732,2	6076,2	8406,6	14178,0	299,6
%	47,1	46,6	46,4	46,3	98,3

Кўриниб турибдики, чакана товар айланмаси йилдан-йилга ўсиб бормоқда. 1980—91 йилларда бу кўрсаткич 3 мартадан зиёдроқ ўсди. Албатта, бунда нарх сиёсатининг ҳам роли бор. Умумий чакана товар айланмасининг 53,7 фоизини давлат савдоси, қолган 46,3 фоизини эса кооператив савдо ташкил этмоқда. Утган давр

мобайнида давлат савдоси кооператив савдога нисбатан бир оз устунроқ ўсди.

Умумий товар айланмасида асосий ўринни чакана савдо эгаллайди. Умумий овқатланишнинг ҳиссаси эса 7—8 фоиздан ошмайди. Чакана товар айланмасининг умумий ҳажмида чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳаларининг нисбати деярли ўзгармасдан келмоқда.

Чакана товар айланмасига яна бир томондан, унинг қаерда содир бўлиши нуқтаи назаридан ҳам ёндашиш мумкин. Шаҳар ва қишлоқ умумий товар обороти бири-биридан фарқланади.

Мамлакат бўйича чакана товар айланмасининг умумий ҳажмида шаҳар савдосининг улуши баландроқ — 65,7 фоиз. Шаҳар ва қишлоқ товар айланмаси ўртасидаги нисбат ўтган ўн йилликда бир оз шаҳар савдоси фойдасига ўзгаради (21-жадвал).

21-жадвал

Шаҳар ва қишлоқ чакана товар обороти

Кўрсаткичлар	1980 й.	1985 й.	1990 й.	1991 й.	1980—1991 йилларда ўсиш сур'ати, %
Чакана товар айланмасининг умумий ҳажми, % шу жумладан:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
— шаҳар савдоси, млн. сўм	6236,1	8301,8	11877,0	20103,0	322,4
— шаҳар савдоси, %	62,0	63,7	65,5	65,7	10,0
— қишлоқ савдоси, млн. сўм	3814,0	4731,9	6251,8	10509,9	275,5
— қишлоқ савдоси, %	38,0	36,3	34,5	34,3	90,3

Аҳолига сотиладиган товарлар икки асосий гуруҳдан иборат. Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллари. Улар ўртасидаги нисбат кейинги йилларда Ўзбекистонда қуйидагича ўзгариб турмоқда: агар 1980 йилда озиқ-овқат товарларининг (умумий овқатланишни қўшиб ҳисоблаганда) давлат ва кооператив савдоси умумий товар айланмасида 45,7 фоизни ташкил этган бўлса, 1991 йилда 39,4 фоиздан иборат бўлди. Яъни бу кўрсаткич сезиларли пасайди. Шунга мувофиқ равишда ноозиқ-ов-

қат молларини сотиш эса 1980 йилги 54,3 фоиздан 1991 йилга келиб 60,6 фоизга кўтарилди. Жамият тараққиёти илгарилаб борган сари ноозиқ-овқат молларига, мураккаб маиший-техника молларини харид қилишга талаб ошиб боради.

Хўш, озиқ-овқат моллари нималардан иборат? Улар жумласига: гўшт ва гўшт маҳсулотлари, балиқ ва балиқ маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, ҳайвонот ва ўсимлик ёғи, маргарин ва бошқа ёғлар, пишлоқ ва оқ пишлоқ, тухум, қанд, қандолатчилик маҳсулотлари, нон, ун ва дон маҳсулотлари, картошка, сабзавот, мева ва цитрус мевалар, спиртли ичимликлар ва бошқалар киради. Мамлакатимизда ўтган ўн йилликда ана шу маҳсулотларни сотиш анча кўпайди: ўсимлик ёғи — 65,6%, тухум — 38,9%, нон ва нон маҳсулотлари — 28,1%, сабзавот — 46,9%, мева ва цитруслар 79,4 фоизга ўсди.

Ноозиқ-овқат молларига пахта, жун ва трикотаж буюмлар, пайпоқ, чарм, тўқима ва аралаш пойабзал, резина пойабзали, совун, соатлар, музлаткичлар, радиоприёмниклар, телевизор, велосипед ва мотоцикллар, мебель, чинни-фаянс ва шиша идишлар, заргарлик буюмлари ва бошқалар киради. Бу хил молларни сотиш озиқ-овқат молларини сотишга нисбатан анчагина кўпайди.

Истеъмол бозори ички ва ташқи товар манбаига эга бўлиши мумкин. Ўзбекистондаги истеъмол бозорининг ички товар манбан давлат, кооператив, акционер, хусусий ва қўшма корхоналар, якка деҳқон хўжалиги, томорқа хўжалигида ва якка тартибда ишлаб чиқарилган товарлар бўлса, унинг ташқи манбан эса четдан товар келтириш, яъни товарлар импортидир.

Афсуски, ҳозирча бизнинг мамлакатимизда тўйинган бой истеъмол бозори эмас, балки тақчил, «оч бозор» мавжуд. Сурункали товарлар етишмай қолмоқда, талаб даражасидан паст бозорга эгамиз.

Жамият тараққиёти билан аҳоли эҳтиёжлари структурасида ҳам чуқур таркибий silжишлар рўй беради. Шу жумладан кўп ва хилма-хил хизмат турларига талаб ошади. Пуллик хизмат доираси кенгайди. Натижада истеъмол хизмати бозори алоҳида бозор шакли сифатида ажралиб чиқмоқда. 1985—1991 йилларда мамлакатимизда пуллик хизмат умумий миқдори 1,7 миллиард сўмдан 3,7 миллиард сўмга етди, яъни 2,2 мар-

тага ўсди. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш структурасида асосий ўринларни маиший хизмат (34,5%), пассажир транспорти (30,4%), уй-жой ва коммунал хўжалиги (11,8%), алоқа (3,8%) хизматлари эгаллайди. Улардан ташқари хизматнинг маданият, турист-экскурсия, физкультура ва спорт, тиббиёт, санатория-курорт шакллари мавжуд. Аммо уларнинг улуши умумий хизмат таркибида унчалик катта эмас.

Халқ хўжалиги структурасининг аҳоли эҳтиёжларига бевосита йўналтирилмаганлиги истеъмол бозорида катта товар танқислигига олиб келди. Унинг асосий сабабларидан бири саноатнинг «Б» гуруҳи, яъни халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш тармоғи улуши саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида 25—26% дан ошмасдан келди. Ишлаб чиқариш самарадорлигига нисбатан аҳоли пул даромадлари устунроқ ўсди. Натижада товарлар билан таъминланмаган жуда катта пул миқдори вужудга келди. Истеъмол бозорини товар билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари кўрилмоқда, албатта. Улар жумласига хориждан истеъмол моллари олиб келишни кенгайтириш, мамлакат ичкари-сида кичик корхоналарни кўпайтириш, мудофаага хизмат қиладиган корхоналарни конверсиялаш ҳамда уларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва бошқа тадбирлар киради.

Ҳозирги вақтда мамлакат олдида турган кескин муаммо истеъмол бозорини соғломлаштиришдир. Бу аҳолининг тўлов қобилиятига эга талаби ва унинг моддий таъминланиши ўртасидаги катта узилишни бар-тараф этишни тақозо этади. Бу қадар узилиш ёки фарқ мавжуд хўжалик механизмининг етарли самарали эмаслиги, иқтисодиётнинг аҳоли эҳтиёжларини қондиришга етарли даражада йўналтирилмаганлиги оқибатидир. Истеъмол бозори ривожига бузилиш ва ному-носиблик пулнинг қадрсизланишига, чакана нархларнинг ошиб кетишига, аҳоли турмуш даражасининг пайсайишига ва бошқа салбий натижаларга олиб келади.

Истеъмол бозорини соғломлаштириш, уни хилма-хил товар ва хизматлар билан тўлдириш Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш палласидаги кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг биринчи навбатдаги ва-зифасидир.

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Аҳоли турмуш даражаси бир қатор иқтисодий кўрсаткичларда ифодаланади. Улар жумласига реал даромад, оила бюджети, иш ҳақи ва бошқа шунга ўхшаш кўрсаткичлар киради. Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларининг ўсиб бориши халқ тўлов қобилиятининг ошиб бораётганлигини англатади.

Аҳолининг пул даромадлари ўсмоқда. Бу объектив жараёндир. Аммо унга бир томонлама ёндашиб бўлмайди. Пул даромадларининг ўсиши аҳоли турмуш даражасини тўла тавсифлай олмайди. Инфляция, эмиссия, чакана нархларнинг тез суръатларда ошиб кетаётганлиги ва бошқа шунга ўхшаш омилларни ҳам унутмаслик керак. Лекин, бари-бир, халқ турмуш даражасини қайсидир бирон-бир кўрсаткичда ифодалаш лозим бўлади. Ана шундай кўрсаткичлардан бири аҳоли пул даромадларидир. Аҳолининг халқ истеъмоли молларига талаби тўла қондирилмаяпти. Халқ пул даромадларининг бир қисмини «қайноқ» пуллар шаклида, вақтинча қондирилмаган талаб сифатида ўз қўлида ушлаб турибди. Агар саноат эртага янги хилма-хил молларни таклиф қиладиган бўлса бу пуллар ишга тушиб кетади. Аҳоли пул харажатлари ва омонат кассаларидаги жамғармаларининг 80 фонзини пул харажатлари ташкил этади. Улар асосан товар сотиб олиш ва турли хил хизматларга тўлов (92%), мажбурий тўлов ва ихтиёрий аъзолик бадаллари, облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш ва ҳоказоларга сарф бўлмоқда.

Аҳоли пул даромадларидан ҳақиқий даромадлар фарқ қилади. Реал даромадлар аҳоли турмуш даражасининг, халқ моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилишининг умумлаштирувчи кўрсаткичидир. Ҳақиқий даромадлар сотиб олиш мумкин бўлган ва пуллик ҳамда текин хизматлардан фойдаланиш жараёнида олинadиган моддий неъматлар йиғиндисини ифодалайди. У маълум вақт ичнда аҳоли тўлаган солиқларни, турли пул йиғимларини, мажбурий тўловларни, жамоат ташкилотларига аъзолик бадалларини чиқариб ташлагандан кейин қоладиган пировард даромад ҳисобланади. Ҳақиқий даромадлар даражаси аҳоли пировард даромадларига ва истеъмол предметлари ҳамда хизматлар

баҳосига боғлиқ. Аҳоли даромадлари ўсиб, чакана баҳолар даражаси ўсмай қолса, ҳақиқий даромадларнинг ўсаётганлигини билдиради. Даромадлар бир даражада қолиб, чакана нархлар ўсиб кетса, ҳақиқий даромадларнинг пасайишига олиб келади.

Ўзбекистонда ишчи ва хизматчилар оиласи даромадларининг асосий қисми — 61,8 фоизи оила аъзоларининг иш ҳақи ҳисобига шаклланоқда. Нафақа, стипендия, санаториялар, дам олиш уйлари, ўқувчилар оромгоҳлари ва мактабгача тарбия муассасаларига путёвка учун дотациялар оила даромадининг 22,8 фоизини, шахсий ёрдамчи хўжаликлардан келадиган даромадлар 9,0 ва бошқа манбалардан келадиган даромадлар 6,4 фоизини ташкил этмоқда. Шунинг эътирофи этиш керакки, ўтган ўн йилликда оила даромадларида иш ҳақининг ҳиссаси 16,5 фоизга пасайган бўлса, нафақа, стипендия ва дотацияларнинг улуши 2,2 фоизга ўсди.

Оила харажатларига келадиган бўлсак, унинг катта қисми (43,3%) ни озиқ-овқат ташкил этади. Нооziқ-овқат молларига оила ўз даромадининг 30 фоизга яқинини сарфлайди.

Жамоа хўжалиги аъзоларининг даромад манбалари ишчи ва хизматчиларникидан анча фарқ қилади. Масалан, жамоа хўжалигидан оладиган даромад жамоа хўжалиги аъзолари оиласи ялпи даромадининг 28 фоизини ташкил қилмоқда, холос. Шахсий ёрдамчи хўжаликлардан келадиган даромад ялпи даромаднинг 1/3 қисмига етмоқда.

Меҳнаткашлар турмуш даражасини юксалтиришнинг асосий, ҳал қилувчи йўналиши даромадларни меҳнатга қараб тақсимлаш омиллига боғлиқ. Шунинг ҳисобига олган ҳолда мамлакатимизда иш ҳақини оширишга оид тадбирларга алоҳида аҳамият берилмоқда. 1986 йилдан эътиборан халқ хўжалигининг моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ходимларининг иш ҳақини янги негизда — давлат бюджетидан дотация олмасдан корхоналарнинг ўзлари ишлаб топган маблағлари ҳисобидан ошириш бошланди. Умумий таълим, ҳунар-техника, ўрта махсус ва олий мактаб ходимларининг иш ҳақини ошириш тадбирлари, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот ходимларининг иш ҳақини босқичма-босқич ошириш соҳасида иш давом этмоқда. Маданият ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги шароитларини жорий қилиш соҳасида бошланган иш аста-секин амалга оши-

рилмоқда. Фанлар академияси ва бошқа илмий-тадқиқот муассасаларининг, конструкторлик ва технологик ташкилотларнинг плмий ходимлари, конструкторлари ва технологлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги шаронларига ўтиш тугалланди.

Ишчи ва хизматчиларнинг кўп навбатли иш режими га ўтишдан манфаатдорлигини ошириш учун тунда ишлаганлиги учун ҳақ тўлаш билан бир вақтда саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари ва ташкилотларида ҳам кечқурунги навбатда ишлаш учун кўшимча ҳақ тўлаш жорий этилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида 1991 йилда бутун халқ хўжалигида ишчи ва хизматчиларга пул шаклида тўланган ўртача ойлик иш ҳақи 345,6 сўмни ташкил этди. Бу 1980 йилга нисбатан 2,2 мартага кўп демакдир. Халқ хўжалигида энг юқори иш ҳақини қурувчилар, транспортчилар, ахборот ва ҳисоблаш хизмати ходимлари, фан, кредитлаш ва давлат суғуртаси ходимлари, давлат ва хўжалик бошқариш органлари ходимлари оладилар. Энг паст иш ҳақи эса уй-жой ва коммунал хизматчилар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ходимлари ҳиссасига тўғри келди.

Иш ҳақи ҳамма вақт ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасига боғлиқдир. Бизда кейинги вақтларда ижтимоий меҳнат унумдорлигига нисбатан иш ҳақи устун ўсиб келди. Натижада товарлар билан таъминланмаган пулнинг миқдори ошиб кетди. Ҳар бир сўм иш ҳақи ишлаб топилган бўлиши керак. Иш ёки меҳнат ҳақини ва унинг асосида халқ турмуш фаровонлигини оширишнинг универсал, қулай йўли шу.

Жон бошига тўғри келадиган умумий товар обороти кўрсаткичи аҳоли турмуш даражасини ифодалайдиган ўлчовлардан биридир. Аммо мамлакатимизда бу кўрсаткични ҳали юқори деб бўлмайди. Айниқса, қишлоқда унинг даражаси анча паст. Товарларнинг озиқ-овқат турлари бўйича ҳам, ноозиқ-овқат турлари бўйича ҳам қишлоқда товар обороти шаҳарга нисбатан икки мартадан зиёдроқ паст. Чунки, биринчидан, қишлоқ жойлари истеъмол буюмлари билан ёмон таъминланган, иккинчидан, иш ҳақи шаҳарга нисбатан анча паст, учинчидан, қишлоқ оилалари кўп сонли, лекин ишловчилар сони кам.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида моддий жиҳатдан кам таъминланган аҳоли манфаатларини кўзлаб уларни давлат, корхона ва ташкилотлар ўз ҳимоясига олди. Бу бозор муносабатлари системасига ўтиш жараёнидаги энг муҳим муаммолардан биридир. Гап шундаки, бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки оқибатлари нарх-навонинг кўтарилиши ва ишсизликнинг ошишидан иборат бўлди. Бундан биринчи навбатда аҳолининг камбағал ва иқтисодий жиҳатдан заифроқ табақалари кўпроқ зарар кўрди. 90-йилга келиб Ўзбекистонда жон бошига энг паст даромад тўғри келадиган кишилар сони умумий аҳолининг 45 фоизини, яъни 9 миллиондан ортиқ кишини ташкил этган эди.

Хўш, бу тоифадаги кишиларни ижтимоий ҳимоялаш механизми қандай амалга ошди?

Энг аввало, аҳолининг бу қисмини ҳимоялаш тadbирларига ижтимоий истеъмол фондларидан ажратилдиган нафақа, пенсия ва имтиёзлар анча кенгайтирилди. Камбағал ва кўп болали oilаларга нафақалар, талабаларга стипендиялар оширилди. Нархлар ошишидан кўриладиган зарарни қоплаш (компенсация бериш) даромадларни индекслаш, субсидия учун маблағлар ажратишга ҳам эътибор берилди. Бу тadbирлар давлат бюджети ва корхоналарнинг соф даромад (фойда)лари ҳисобидан амалга оширилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадларига ажратилган маблағлар илгаригидек ишлаб чиқарувчиларга эмас, балки бевосита истеъмолчиларга ажратилди.

Иккинчидан, муайян озиқ-овқат, sanoat моллари, яъни «истеъмол савати»га кирувчи товарлар нархи давлат томонидан қатъий бошқарилиб турилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида нарх-навонинг кескин кўтарилиб кетишини ҳисобга олиб аҳолининг ундан кўрадиган зарарини қоплаш учун ҳукумат томонидан мамлакатда «истеъмол савати» таркиби аниқланди.

Учинчидан, вақтинча ишсизларга мадад бериш учун ишсизлик нафақаси белгиланди. Бу пулни давлат, корхона ёки ташкилот тўлайди. Нафақа фонди ташкил этилиб, у мамлакат миқёсида айрим ҳудудлар, корхона ва ташкилотлар даражасида тақсимланди. Ишсизлик нафақаси миқдори ишсизнинг олдинги иш ҳақига, иш

стажига, онласи таркибига, қанча вақт ишсиз қолганига, таклиф этилган ишга кўниш ёки кўнмаганлигига қараб белгиланади.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётинга ўтиш шароитида аҳоли кам таъминланган қисмини кескин қашшоқланишдан сақлади, ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилди. Ўзбекистонда бозор механизмининг қарор топишидаги бош хусусият ҳам ана шундан иборат.

ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ ВА ҚУРИЛИШ КОМПЛЕКСИ

ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИ

Инвестиция сиёсати капитал қурилиш билан боғлиқ бўлган сиёсатдир. Иқтисодий ва ижтимоий ўсишни таъминлаш, халқ хўжалигида бозор механизми талаблари асосида чуқур структуравий қайта қуриш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва реконструкциялаш фаол инвестиция, яъни капитал қурилиши сиёсати юрғизишни тақозо этади. Шундай қилиб, ҳозирги инвестиция сиёсати ишлаб чиқаришнинг моддий базаси ва таркибини сифат жиҳатдан янгилашга қаратилганлиги

22-жадвал

Капитал маблағ сарфлаш (миллион сўм)

Йиллар	Сарфлар, капитал маблағлар, жағи	Шу жумладан		
		давлат ва кооператив корхона, таъкилотлар маблағи	колхозлар маблағи	аҳоли маблағлари
1960	6197	5513	460	224
1985	6811	5980	453	378
1988	7568	6293	488	787
1991	11570	9158	828	1584
1980—91 йй. да ўсиш, %	186,7	166,1	180,0	707,1

билан тавсифланади. Унинг яна бир муҳим хусусияти капитал маблағларнинг энди янги қурилишлардан кўра реконструкцияга ҳамда уй-жой, соғлиқни сақлаш, маориф ва маданият объектларига кўпроқ йўналтириладиганлиги билан тавсифланади (22-жадвал).

Кейинги 11 йил ичида халқ хўжалигининг барча тармоқларида барча манбалар бўйича капитал маблағлар умумий сарфи 1,9 мартага яқин ўсиб, 1991 йилда 11,6 миллиард сўмга етди. Ана шундан 80 фоизга яқини давлат ва кооператив корхона ва ташкилотлар улушига тўғри келади. Қолган қисми колхоз ва аҳолининг уй-жой қуришга сарфлаган маблағларидан иборат.

Иқтисодиётда структуравий ўзгаришлар инвестиция фаолиятига янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Бундай ёндашув қуйидаги қондалардан келиб чиқмоқда:

— инвестиция талабни фаоллаштириш, инвестиция ресурсларини иқтисодий тараққиётнинг устун соҳаларига тўплаш;

— инвестицион жараёнга корхоналар, ташкилотлар, аҳоли жамғармаларини тўлароқ жалб этиш ва ундан республиканинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда фойдаланиш;

— чет эл капиталининг кириб келиши учун қулай иқтисодий иқлим ҳозирлаш.

Инвестиция дастурларини молиялаштириш имкониятлари марказлашган манбаларининг чегараланганлиги капитал маблағлардан фойдаланиш йўналишига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бюджет ҳисобидан биринчи навбатда ижтимоий соҳа вазифаларини бажаришда фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқариш қурилиши энг аввало корхона ва ташкилотларнинг ўз воситаларини сарфбар қилиши ва банк кредити ҳисобига амалга оширилмоқда.

Ресурсларнинг бундай қайта тақсимланиши капитал қўйишдан қисқа муддатларда самара келтирадиган йўналишлар фойдасига юз бермоқда. Шунинг учун ҳам тугалланмаган қурилиш объектлари инвентаризацияси ўтказилиб, вақтинча тўхтатиб туриладиган йирик объектлар аниқланди, шунингдек иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ объектлар қурилиши давом этмоқда. Бундан ташқари, хом ашё ёки қисман қайта ишлашга мўлжалланган қувватларни яратиш ёки кенгайтириш билан боғлиқ узоқ муддат давом этадиган объектлар қурилиши бошланмайдиган бўлди. Бу тадбирлар ресурсларни ижтимоий муаммолар ечимига тўплаш, тайёр маҳсулот етказиб бериш билан банд бўлган ишлаб чиқариш ва тармоқларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, истеъмол бозорини тўлдириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилмоқда.

ҚУРИЛИШ КОМПЛЕКСИ СТРУКТУРАСИ

Маълумки, инвестиция сиёсати қурилиш комплекси орқали амалга оширилади. Қурилиш комплекси шартли равишда тўртта йирик бўлинмадан иборат: саноат қурилиши, сув хўжалиги қурилиши, уй-жой ва ижтимоий-маиший қурилиш. 1991 йилда улар 9,5 миллиард сўмлик асосий фондларни, 9,2 миллион квадрат метрлик турар жой майдонини, 183 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари ва бошқа кўплаб ижтимоий объектларни фойдаланишга топширди.

Капитал маблағлардан фойдаланишда таркибий ўзгаришлар юз бермоқда. Буни барча капитал қўйилмаларининг икки муҳим соҳа бўйича тақсимланишида кузатиш мумкин. 1991 йилда 11,6 миллиард сўмлик капитал қўйилмаларининг 6,5 миллиард сўми, яъни 56 фоизи ишлаб чиқариш объектларига, 5,1 миллиард сўми, яъни 44 фоизи ноишлаб чиқариш, яъни ижтимоий соҳаларга йўналтирилди. Илгари эса умумий капитал маблағларда ноишлаб чиқариш соҳаларининг улуши 30 фоизга ҳам етмасди. Агросаноат, озиқ-овқат комплексларидан ташқари моддий ишлаб чиқариш соҳаларига капитал маблағлар йўналтириш суръатлари бирмунча пасайиб, унинг йўналиши янада ижтимоий тус олмақда.

Барча капитал қўйилмаларнинг асосий қисми — 60 фоиздан зиёдроғи қурилиш-монтаж ишларига сарф бўлмоқда. Унинг қарийб чорак қисми, яъни 24 фоизи асбоб-ускуналар ва жиҳозларга, мавжуд инвентарларни таъмирлашга ва қолган 15 фоизи бошқа турли хил харажатларга кетмоқда. Барча қурилиш-монтаж ишларининг 66,9 фоизи давлат корхона ва ташкилотлари, 22,1 фоизи аҳолининг хусусий уй-жой қурилиши, 7,2 фоизи колхозлар, қолган қисми эса матлубот кооперациялари, ижтимоий ва бошқа ташкилотлар, уй-жой қурилиши кооперативлари улушига тўғри келади.

Ишлаб чиқариш объектлари бўйича давлат капитал маблағлари сарфининг такрор ишлаб чиқариш тузилишини олиб қарайдиган бўлсак шу нарса аён бўладики, бу мақсадга йўналтирилаётган барча капитал қўйилмаларнинг ярмидан кўпроғи ишлаб турган корхоналарни техник жиҳатдан қайта қуролантириш ва уларни реконструкция қилишга кетмоқда. Атиги 30 фоиз капи-

тал маблағлар янги қурилишга сарф бўлмоқда (23-жадвал).

23-жадвал

Халқ хўжалиги тармоқлари бўйича капитал қўйилмалар (1991 й.)

Тармоқлар	Улчовлар	Миллион сум	%
Халқ хўжалигига барча капитал қўйилмалар шу жумладан:		11570	100
— саноат		2240	19
— қишлоқ хўжалиги		2322	25
— қурилиш		268	2
— транспорт ва алоқа		751	7
— савдо ва умумий овқатланиш,			
— моддий-техника таъминоти, ахборот ҳисоблаш хизмати, тайёрлов, ўрмон хўжалиги		343	3
— уй-жой қурилиши		2794	24
— коммунал қурилиш, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, санъат		2252	20

Республика бўйича ишга туширилаётган асосий ишлаб чиқариш фондларнинг катта қисми — 73,7 фоизи давлат корхона ва ташкилотлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Аҳоли томонидан халқ хўжалигида асосий фондларнинг 16,1 фоизи ишга туширилмоқда. Асосий фондларнинг қолган қисми — 10,2 фоизи жамоа хўжаликлари, уй-жой қурилиш кооперативлари, ижтимоий, кооператив ва бошқа ташкилотлар томонидан яратилмоқда.

1991 йилда қурилиш ишларининг умумий қўлами 5,5 миллиард сўмни ташкил этди. Комплекса банд бўлган ходимларнинг сони эса 418,4 минг кишига тенг бўлди. Аммо бу кўрсаткичлар уларнинг 1980 йилги даражасидан бир оз пастдир. Шунга қарамасдан қурилиш ташкилотлари олган фойда бу давр мобайнида уч мартадан зиёдроқ ўсди.

Ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад қийматида қурилиш комплексининг улуши унчалик катта эмас. Мувофиқ равишда 8,9 ва 10,7 фоиз. Аммо қури-

лишсиз бирон-бир соҳани, корхона ва ташкилотни тасаввур этиш жуда қийин.

Бунинг устига ялпи ижтимоий маҳсулот таркибида қурилиш комплексининг ҳиссаси ўзгариб турибди. Агар 1980 йилда 12,4 фоиз бўлган бўлса, 1991 йилга келиб 8,9 фоизга тушди.

Худди шундай вазият миллий даромад структура-сида ҳам юз бермоқда. Қурилиш комплексининг ҳиссаси миллий даромадда 1980 йилда 12,6 фоиз бўлган бўлса, 1990 йилда 15, 1991 йилда эса 10,7 фоизни ташкил этди, холос.

КАПИТАЛ МАБЛАҒЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Инвестиция сиёсатининг марказий бўғини сарфла-наётган капитал маблағларнинг самарадорлигини оши-ришдир. Бунда капитал қурилишлар муддатини камай-тириш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, капитал қури-лиш муддатларининг ҳаддан ташқари чўзилиб кетиши асосий ишлаб чиқариш фондларининг объектни фой-даланиш учун топширгунга қадар жисмоний ва маъна-вий эскириб қолишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам капитал маблағларнинг сочилиб кетишига йўл қўймас-лик, тугалланмаган қурилиш объектларини камайти-ришга эътиборни қаратиш зарур. Вазифа тугалланмаган қурилишни режа норматив даражасига тушириш, қури-лиш кўламини чегаралаш, охир-оқибатда эса қурилиш муддатларини кескин камайтиришдан иборатдир.

Қурилишнинг энг нозик бўғинларидан бири лойиҳа-лашдир. Афсуски, лойиҳалаш ечими ва амалга тадбиқ этиш муддатлари ҳам нормативдан анча юқоридир.

Инвестиция маблағлари самарадорлигини ошири-шининг яна бир муҳим омили қурилиш-монтаж ишлари харажатларини камайтиришдир. Бу борада катта имко-ниятлар бор (24-жадвал).

Кўришиб турибдики, барча харажатларнинг ярмн-дан кўпроғи моддий харажатларга тўғри келмоқда. Ундан кейинги ўринда иш ҳақи туради — 28,2 фоиз. Моддий харажатларнинг умумий харажатлардаги улу-ши камаётган бўлса, иш ҳақининг улуши ўсмоқда. Ишчиларнинг ижтимоий сугуртасига ўтказилаётган маб-лағлар жуда тез суръатларда ўсмоқда, бу харажатлар-нинг умумий харажатлардаги ўрни 10 фонзга яқинла-шиб қолди.

Қурилиш-монтаж ишлари харажатлари структураси (%)

	1985 я.	1990 я.	1991 й.	1985—91 й. да ўс.ш. % _н
Барча харажатлар шу жумладан:	100	100	100	100
— моддий харажатлар	59,4	54,4	50,9	85,7
— иш ҳақи	25,1	30,3	28,2	112,3
— ижтимоий сугуртага ўт- казиш	2,2	4,0	9,9	450,0
— асосий фондлар аморти- зацияси	6,3	7,9	5,4	85,7
— бошқа харажатлар	7,0	3,4	5,6	80,0

Бу борадаги асосий йўналишлардан бири қурилиш ташкилотларининг асосий ишлаб чиқариш фондлари структурасини такомиллаштиришдир. Аммо 1985—1991 йилларда қурилиш асосий ишлаб чиқариш фондларида биноларнинг улуши 22,2 фоиздан 26,2 фоизга, иншоотларнинг улуши 9,0 фоиздан 16,0 фоизга ўсди. Машина ва асбоб-ускуналарнинг улуши эса сезиларли 46,6 фоиздан 33,2 фоизгача пасайди. Маълумки, бино ва иншоотлар асосий ишлаб чиқариш фондларининг пассив, машина ва асбоб-ускуналар эса уларнинг фаол қисмини ташкил этади. Транспорт воситаларининг улуши ҳам ўсмаяпти.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР СТРУКТУРАСИ

Ташқи иқтисодий алоқалар — бу халқаро хўжалик ва савдо-сиёсий муносабатлар бўлиб, унинг доирасига мол айирбошлаш, ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва ихтисослаштириш, илмий-техник ҳамкорлик, иқтисодий ва техник ёрдам кўрсатиш, қўшма корхоналар қуриш ва иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шакллари киради. Улар алоқида мамлакатлар ижтимоий эҳтиёжларини қондириш доирасидан аллақачон чиққан товар ишлаб чиқариш ривожланишининг натижаси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигига эришиши билан ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлан-

тириш имкониятига эга бўлди. Унинг жаҳон иқтисодиётига фаол кириб бориш жараёни бошланди. «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида» қонунлар қабул қилинди, ташқи иқтисодий алоқаларни либераллаштиришга қаратилган қатор фармонлар чиқди. Товарлар импортида воситачилик ҳаракатларини чегаралаш бекор қилинди. Чет эл инвестициясини республикага жалб қиладиган қўшма корхоналар ташкил этишдаги бюрократик тўсиқлар бартараф этилмоқда. Чет эллик инвесторлар республика қонунлари тақиқламаган барча фаолият турлари билан амалда шуғулланиш имкониятларига эга бўлдилар. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан республика ҳудудида қўлга киритган фойдасидан эркин фойдаланиш, солиқ имтиёзларига эга бўлиш кафолатлари яратилди.

Ташқи иқтисодий алоқалар инфраструктурасини шакллантириш жараёни бормоқда. Шу мақсадда ташқи иқтисодий фаолият миллий банки. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилиб, у ягона ташқи иқтисодий алоқа сиёсатини ишлаб чиқиш ва юргизиш ва бу борада давлат манфаатларини ҳимоя этувчи органга айланди.

Ўзбекистон қисқа вақт ичида нуфузли халқаро органлар — Европа ривожланиш ва реконструкциялаш банки, Халқаро банк, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Осиё банки ва бошқаларга, БМТ иқтисодий ташкилотларига аъзо бўлди.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари билан икки томонлама иқтисодий муносабатлар йўлга қўйилди. Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Қурия, Австрия, Бельгия, Италия, АҚШ ва бошқа кўпгина давлатлар билан ўзаро фойдали алоқалар кенгаймоқда.

Республикада 500 дан зиёд қўшма корхоналар мавжуд. Улар орасида етакчи ўринлардан бирини «Совпластитал» қўшма корхонаси эгаллайди. У беш йиллик иш фаолияти давомида пластмассадан халқ истеъмоли моллари ва сувенирлар ишлаб чиқариш соҳасида ўзининг муносиб ўрнини топди. Бу қўшма корхона ишлаб чиқарган маҳсулотлар нафақат республикада, балки унинг ташқарисида ҳам машҳур, ташқи бозорда рақобатга бардошлидир.

Қўшма корхоналар олдида ҳукуматимиз қўяётган бош талаб Ўзбекистонга янги техника ва технологияни, чет эл бошқариш тажрибасини киритиш, бозорни зарур

товар ва хизматлар билан тўйинтириш, юқори малакали кадрлар тайёрлашдир.

Иқтисодий ўзаро алоқалар натижасида чет эл мамлакатлари билан илмий-тадқиқот ташкилотлари, корхона, йирик қурилиш объектлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ҳамкорлик, айирбошлаш ўсмоқда, мутахассисларни биргаликда тайёрлашмоқда, маданий контактлар кучаймоқда.

ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ СТРУКТУРАСИ

Бизда экспортни кескин ошириш имконияти борми? Ўзбекистон Республикаси президенти И. Қаримов ўзининг «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» рисоласида таъкидлаганидек: «Бунинг учун биз, даставвал, қимматли хом ашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарни ривожлантиришимиз, чет эллик шерикларимиз билан замонавий ихчам корхоналар ташкил этиб, уларни биринчи навбатда меҳнат ресурслари ва хом ашё манбаларига, — авваламбор қишлоқ жойларига яқинроқ жойлаштиришимиз керак. Бу корхоналарнинг барчаси одатдагидек илғор технология билан жиҳозланиши, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқариши даркор. Республиканинг ўзбоғина эмас, жаҳон бозори талабларига бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш асосий вазифамиз бўлиши зарур. Бу масаланинг аҳамиятини ҳисобга олиб, маҳсулотни экспорт қилишга асосланган иқтисодиётни шакллантиришга доир махсус дастурни ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз лозим»¹.

25-жадвалдан кўриниб турибдики, ташқаридан кiritиладиган маҳсулотнинг 90 фоизга яқинини саноат маҳсулотлари ташкил этади. Четдан келтириладиган моддий ишлаб чиқариш тармоқлари маҳсулотининг 80 фонздан зиёдроғи МДҲ республикалари ҳиссасига ўғри келмоқда. Келтириладиган саноат маҳсулотлари таркибида электроэнергетика, нефть, газ, кўмир, қора ва рангли металлургия, машинасозлик ва металл ишлаш, кимё ва нефть-кимё, ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз, қурилиш материаллари,

¹ И. Қаримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат.— Т., 1993, 27-бет.

енгил, озиқ-овқат саноатлари маҳсулотлари бор. Улар орасида асосий ўринларни машинасозлик ва металл ишлаш (27,7%), енгил (22,7%) ва озиқ-овқат (15,2%) саноатлари эгаллайди.

25-жадвал

Халқ хўжалиги тармоқлари бўйича маҳсулот киритилиши
(1990 й. амалдаги ички баҳоларда, миллион сўм)

	Маҳсулот киритилиши		
	Жами	Шу жумладан	
		республикалараро маҳсулот айирбошлаш	импорт
Моддий ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича, жами	14661,8	11863,8	2798,0
— саноат	13071,2	10651,5	2419,7
— қишлоқ хўжалиги	1309,2	932,0	377,2
— моддий ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа фаолият турлари	281,4	280,3	1,1

26-жадвал

Халқ хўжалиги тармоқлари бўйича маҳсулот чиқариш
(1990 й. амалдаги ички баҳоларда, миллион сўм)

	Четга чиқариш		
	Жами	Шу жумладан	
		республикалараро маҳсулот айирбошлаш	экспорт
Моддий ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича — жами	9351,5	8169,1	1182,4
— Саноат	8670,7	7532,1	1138,6
— Қишлоқ хўжалиги	447,3	404,6	42,7
— Моддий ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа фаолият турлари	233,4	232,4	1,0

1992 йилда Ўзбекистон экспорт ва импортнинг асосий қисми Буюк Британия, Германия, Бельгия, Швейцария, Туркия ҳиссасига тўғри келди.

Ташқарига чиқариладиган моддий ишлаб чиқариш тармоқлари маҳсулотининг 93 фоизини sanoat маҳсулотлари ташкил этади (26- жадвал).

Маҳсулотлар асосан республикалараро айирбошлаш бўйича чиқарилди. Экспортнинг ҳиссаси 13 фоизга яқин бўлди. Чиқарилган sanoat маҳсулотлари орасида асосий ўринни (45%) енгил sanoat маҳсулотлари (пахта толаси) ташкил этди.

Жадваллардан кўриниб турибдики, ташқарига маҳсулот чиқаришга нисбатан ташқаридан маҳсулот кириши анча юқори. Агар sanoat тармоқлари бўйича оладиган бўлсак, енгил sanoat бундан мустасно. Айниқса машинасозлик ва металл ишлаш, кимё ва нефть-кимё, озиқ-овқат sanoati маҳсулотлари бўйича ташқи бозорга боғлиқлигимиз анча сезиларлидир.

Ташқи бозорга боғлиқлик айниқса халқ истеъмоли товарлари бўйича сезиларлидир. 1990 йилда халқ истеъмоли товарлари бўйича ташқаридан мол кириши (импортни қўшганда) ташқарига мол чиқаришдан (экспортни қўшганда) 3 марта зиёд бўлди. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари (енгил sanoat маҳсулотлари, маданий-маиший ва хўжалик моллари) бўйича маҳсулот кириши маҳсулот чиқаришдан 4 марта зиёд эди.

Озиқ-овқат товарларидан гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, тухум ва тухум маҳсулотлари, ун, ёрма, макарон, қанд, қандолатчилик маҳсулотлари, балиқ, балиқ консерваси, маргарин, ҳар хил консервалар, алкоғолли ичимликлар келтирилса, ноозиқ-овқат товарларидан турли хил газламалар, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари, пайпоқ, чарм пойабзал, маданий-маиший ва хўжалик товарларидан мебель, музлатгичлар, кир ювиш машиналари, телевизорлар, радиоприёмник қурилмалари, фарфор-фаянс, шиша ва хрустал идишлар, велосипед ва мопедлар келтирилади.

Ташқи бозорга Ўзбекистондан пахта толаси, тракторлар, тракторга тиркагичлар, экскаваторлар, пахта териш машиналари, лифтлар, компрессорлар, трансформаторлар, минерал ўғитлар, кимёвий толалар, цемент, асбест, лак-бўёқ материаллари, қора металллар тайёр прокати, кўмир, каноп толаси, ипак толаси, ўсимлик ёғи, кабель ва бошқа маҳсулотлар чиқарилади.

27- жадвал шундан далолат берадики, Ўзбекистон товар импорти структураси ҳали мақсадга мувофиқ эмас. Унинг таркибида истеъмоли моллари ва уларни ишлаб чиқариш учун хом ашё, халқ истеъмолига кета-

диган саноат молларининг улуши анча устундир (92,2). Шу билан бирга машина ва асбоб-ускуналар киритиш эса арзимаган (5,7) ҳиссага эга. Натижада экспортдан

27-жадвал

Импорт структураси

Товарлар гуруҳи	1988 й.	1989 й.	1990 й.	1988—1990 й. й да усит
Импорт шу жумладан:	100	100	100	100
машина, асбоб-ускуна ва транспорт воситалари	3,3	9,9	5,7	172,7
хом ашё ва материаллар	1,5	5,0	2,1	140,0
истеъмол моллари ва уларни ишлаб чиқариш учун хом ашё	26,0	25,5	38,3	147,3
саноат халқ истеъмоли моллари	50,6	59,6	53,9	106,5
бошқалар	18,6	—	—	—

тушадиган даромадларнинг катта қисми озиқ-овқат маҳсулотларини ташқаридан сотиб олишга кетмоқда.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг асосий муаммоларидан бири — экспортдир. Қисқа муддатларда халқ хўжалиги тармоқлари ва алоҳида ишлаб чиқариш турларининг маълум бозорларга йўналтирилган экспорт базасини ривожлантиришнинг аниқ тадбирларини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Шу мақсадда асосий эътибор мамлакатимиз учун анъанавий бўлган экспорт маҳсулотлари — пахта, ипак, қоракўл, рангли металллар ва улардан буюмлар, саноат қурилиш материалларининг рақобатбоплигини оширишга қаратилиши керак.

Табиат ресурслари заҳиралари чексиз эмас. Бунинг устига республиканинг айрим минтақаларида мураккаб экологик вазият вужудга келди. Ана шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда бу ресурсларни экспорт қи-

лишни барқарорлаштириш, хом ашёдан фойдаланишнинг комплекслигини ва тугалланганлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

Экспорт потенциалини юксалтиришнинг ҳал қилувчи шarti ташқи иқтисодий фаолиятнинг хўжалик механизмини янада такомиллаштиришдир. Минтақалар, тармоқлар, биринчи навбатда корхоналар ва унда банд бўлган ходимларнинг экспортни оширишдан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтирадиган зарурий ташқи иқтисодий шарт-шароитларни яқин вақтларда яратиш вазифаси алоҳида долзарблик касб этади. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш куйидаги асосий йўналишларда олиб борилади:

1. Хорижий сармоядан фойдаланишни яхшилаш. Бу йўналиш икки қондага асосланади. Биринчидан, бирорта корхона, бирорта идора чет элда сотиладиган ва қатъий валюта тарзида даромад келтирадиган маҳсулот ишлаб чиқармаса, хорижий сармоя олмаслиги керак. Иккинчидан, илғор хорижий фирмалар билан алоқа боғламаган ва битимлар тузмаган бирорта ҳам корхона бўлмаслиги даркор.

Хориж сармоясини киритиш ва қўшма соҳибкорликнинг ривожланиш республикада таркиб топган реал иқтисодий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозим. Энг кам сармоя талаб қилган ҳолда республика экспорт потенциалини энг кўп юксалтириш имконини берадиган лойиҳалар устунликка эга бўлади. Бу ўз навбатида хом ашёни чуқур ва комплекс қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, харажатларни тез қоплайдиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш, саёҳат индустриясини ривожлантиришни кўзда тутлади.

2. Қўшма соҳибкорлик зоналарини шакллантириш. Ўзбекистон ҳудудида хорижий сармоя иштирокида ўзаро соҳибкорлик зоналарини яратиш ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради, мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотида қатнашишини фаоллаштиради.

Таркиб топган зоналар доирасида хорижий сармоёга ва унда қатнашаётган республика корхоналарига маълум имтиёзлар берилади. Уларни ташкил қилишдан олдин давлат экспертизаси ўтказилади. Унда зона фао-

лият кўрсатадиган жойни таплаш ва истиқболли соҳаларини кўзда тутишга алоҳида эътибор берилади.

3. Халқаро туризмни ривожлантириш. Ўзбекистонда бу фаолиятни ривожлантиришнинг катта имкониятлари бор ва уни ҳақли равишда ташқи иқтисодий алоқаларнинг муҳим йўналиши деб ҳисоблаш мумкин. Бу потенциални самарали амалга ошириш туризмни ривожлантиришнинг миллий сиёсат ва давлат дастурини ишлаб чиқишни тақозо этади.

4. Халқаро илмий-техник ҳамкорлик. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва бозор муносабатларини шакллантириш республикани жаҳон хўжалик илмий-техника алоқаларига фаол боғлашни зарур қилиб қўйди. Яқин йиллар ичида жаҳон бозорида технологик айирбошлашнинг катта аҳамият касб этиши муқаррар. Бу фаолият, маълумки, икки шаклда амалга ошади: а) моддийлашган илмий-техник билимлар, тажриба ва ахборот; б) товарларда буюмлашмаган технологик хизмат. Ўзбекистон жаҳоннинг барча мамлакатлари, айниқса ривожланган мамлакатлар билан технологик айирбошлашнинг барча шакллари бўйича ҳамкорлик қилиши мумкин.

МОЛИЯ ВА КРЕДИТ СИЁСАТИ

МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ВА МОЛИЯ СИЁСАТИ

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида халқ хўжалигининг турли ҳалқаларида пул воситалари фонди таркиб топади. Шу муносабат билан уларнинг шаклланиш жараёнини бошқариш зарурати пайдо бўлади.

Такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш учун зарур бўлган пул воситалари фондининг пайдо бўлиши ва улардан фойдаланиш системаси мамлакатнинг молиясини ташкил этади. Пул воситалари фондининг ҳаракати туфайли давлат, корхоналар ва ташкилотлар, тармоқлар, ҳудудлар ва алоҳида фуқаролар ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисини молия муносабатларини ташкил этади.

Аmmo барча пул воситалари ҳам молия муносабатлари бўлавермайди. Молия муносабатлари фақат пул воситалари фондининг режалани ташкил топиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўл-

ган муносабатларнигина ўз ичига олади. Бошқача қилиб айтганда шахсий истеъмол ва айирбошлаш учун хизмат қиладиган пул воситалари — чакана савдо обороти, транспорт, маиший, коммунал, томоша кўрсатиш ва бошқа хизматлар, шунингдек, жамият айрим аъзолари ўртасида содир бўладиган олди-сотдилар, пул мерос қолдириш ёки ҳада этиш молия муносабатлари объекти бўла олмайди.

Молия иқтисодиётни бошқаришнинг амалда барча томонларини қамраб олади. Давлат ва корхона ўртасидаги молиявий муносабатлар айниқса муҳим аҳамиятга эга. Улар давлат бюджетига тўловлар системасини ўз ичига олади. Корхона даромадлари турли хил усуллар ёрдамида олиниб, давлатнинг марказлашган соф даромадини ташкил этади. Шу йўл билан давлат ишлаб чиқариш воситаларига эгаллик ҳуқуқини амалга оширади. Корхона ўз навбатида маълум шароитларда турли хил иқтисодий имтиёз ёки тўғридан-тўғри давлат бюджетдан маблағ олиши мумкин. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида корхоналар ўртасида, корхоналар ва банклар, давлат ва кооператив ташкилотлар, давлат ва ижтимоий ташкилотлар, давлат ва аҳоли ўртасида маълум молиявий муносабатлар вужудга келади.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида давлат ва корхоналар ўртасидаги молия муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари тараққиёт даражаси, конкрет-тарихий шароит, хўжалик қурилишининг мақсад ва вазифаларига боғлиқ равишда ўзгариб, такомиллашиб туради. Бу ўзгаришлар молия сиёсатида ўз ифодасини топади. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтиш вақтида молиявий сиёсат биринчи навбатда пул маблағлари ва бошқа ресурсларни, иқтисодиётни структуравий қайта қуриш, тармоқ ва ҳаракатдаги корхоналарни замонавийлаштириш ва реконструкциялаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни назарда тутаяди.

Молиявий муносабатлар ва молиявий сиёсатнинг моҳияти миллий даромад, давлат бюджети, солиқлар, банк-кредит системасида янада яққолроқ намоён бўлади.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

Миллий даромад ва давлат бюджети молиявий сиёсатнинг асосий қуролларидир.

Миллий даромаднинг тўртдан уч қисми истеъмолга кетмоқда (28-жадвал). Агар уй-жой, ижтимоий-маданий қурилишларга кетадиган маблағларни ҳам қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, миллий даромаднинг 80 фоизи халқ фаровонлиги йўлида сарфланади. Қолган қисми ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва бошқа умумдавлат эҳтиёжларига кетади (29-жадвал).

28-жадвал

Миллий даромадни истеъмол ва жамғаришда фойдаланиш

Кўрсаткичлар	1980 й.	1985 й.	1990 й.	1991 й.
Миллий даромад	100	100	100,0	100,0
Шу жумладан:				
— истеъмол	78	75	75	74
— жамғариш	28	25	25	26

29-жадвал

Миллий даромад ва давлат бюджети

Кўрсаткичлар	1980 й.	1985 й.	1990 й.	1991 й.
Миллий даромад (млрд. сўм)	18,4	22,8	28,8	47,6
Давлат бюджети (млрд. сўм)	6,4	8,4	15,4	30,3
Давлат бюджети (миллий даромадга нисбатан фойз ҳисобида)	24,8	36,8	53,5	63,6

Агар 1980 йилда Ўзбекистон миллий даромадининг 34,8 фоизини давлат бюджети ўзида бирлаштирган бўлса, 1991 йилга келиб бу кўрсаткич 63,6 фойзга етди. Давлат бюджетининг миллий даромадни қайта тақсимлашдаги аҳамияти янада ортди. Миллий даромад дастлаб истеъмол ва жамғариш фондларига тақсимлангандан кейин, у давлат молния системаси ва унинг бош механизми — давлат бюджети орқали қайта тақсимланади.

Давлат бюджети ҳукуматнинг йиллик даромад ва харажатлар ҳисобидир. Давлат ва маҳаллий (вилоят, шаҳар, туман) бюджет шакллари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети моддий ишлаб чиқариш корхона, бирлашма, хўжалик ва ташкилотларида яратиладиган миллий даромаднинг 63,6 фоизини ўзида бирлаштирмақда ҳамда халқ манфаатлари йўлида тақсимланмоқда.

Давлат бюджети қайси манбалар ҳисобига шаклланади? Бундай манбалар анчагина.

Оборот солиғи, корхона ва бирлашмалар фойдасидан тўловлар — давлат бюджети даромад қисмини шакллантиришнинг асосий манбалари. Бундан ташқари, ресурслар учун тўлов, қўшимча қиймат солиғи, патентлар учун тўлов, аҳоли ўртасида тарқатиладиган давлат заёмлари каби бюджетга маблағ келтирадиган каналлар мавжуд. Аҳолидан ундириладиган давлат солиғи (даромад солиғи, бўйдоқ, ёлғиз ва кичик оилали фуқаролардан солиқ) ҳам бор, лекин уларнинг улуши 5,3 фоиз, холос.

1991 йилда давлат бюджетининг харажат қисми 32397,3 миллион сўмни ташкил этди. Унинг 10056,4 (31%) млн. сўми халқ хўжалигига капитал маблағлар сифатида сарфлабди. 14031,7 млн. сўм (43%) эса ижтимоий-маданий тадбирларга харажат қилинди. Ижтимоий-маданий тадбирлар системаси харажатларига маориф ва фан, соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот, кўп болалик ва ёлғиз оналарга давлат нафақаси, давлат ҳокимияти ва бошқариш органларини сақлаб туриш учун давлат ҳамёнидан кетган маблағлар кирди. Ҳозир маориф ва фанга давлат бюджети даромадининг 19,4 фоизи, соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбияга 9,5 фоизи кетмоқда.

Биз кўпинча давлатнинг маблағини тежаш учун давлат ҳокимияти ва бошқариш органларини қисқартириш ҳақида кўп гапираемиз. Уларни ушлаб туриш учун кўп маблағ керакми? Ҳақиқатан ҳам уларни ушлаб туриш учун давлат маълум миқдорда маблағ сарфлайди. Аммо бу маблағ унчалик катта эмас: давлат бюджети харажатларининг 1 фоизга яқини. Давлат бюджетининг умумий харажатларида бошқаришга кетадиган маблағлар улуши борган сари камайиб бормоқда. Бошқариш аппаратини қисқартириш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш бу борада ҳам

жиддий ўзгаришлар ясайди. Аммо барибир давлат ҳокимияти ва бошқариш органларида хизмат қиладиганлардан воз кечиб ҳам бўлмайди. Шунингдек, бошқа ижтимоий-маданий соҳалар бўйича амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Давлат бюджетининг харажат қисми унинг даромад қисмидан 1991 йилнинг якуни бўйича 2,1 млрд. сўмга устун бўлди. Бу хавфлими? Бу бюджет тақчиллигини билдиради. Тақчил бюджет ҳалокатли бўлмасда, ҳар ҳолда мақсадга мувофиқ эмас. Бизда илгарилари ҳам тақчил бюджет бўлган эди. Бундай ҳол бошқа давлатларда, ҳатто АҚШ федерал бюджетига ҳам учрайди.

Ҳозирги шароитда давлат бюджетининг роли бир қадар ўзгармоқда. Унинг даромадлари норматив қоида асосида шаклланмоқда. Бюджет даромадларининг олиқ-солиқ томонлари кучаймоқда. Янги солиқ системасига ўтиш, даромадлардан ундириладиган солиқлар даражасининг ошуви сўзсиз давлат бюджети миқдорига ижобий таъсир кўрсатади.

Давлат бюджети ҳукуматнинг барча кундалик оператив-ҳўжалик ва ижтимоий-маданий фаолиятининг асосини ташкил этади. Ўзбекистон халқ депутатлари Олий Кенгаши ҳар йили бюджет бўйича келгуси йил плани ва ўтган йил ҳисоботини қонуний тартибда тасдиқлайди. Бюджетнинг бажарилиши иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг боришини назорат қилиш шаклидир.

Бюджетдаги тақчилликка иқтисодиётни молиявий соғломлаштириш орқали барҳам бериш мумкин, холос. Мустақиллик етиштирилган хом ашё ва материалларни шу ернинг ўзида тугал қайта ишлашни жиддий кенгайтириш имконини бермоқда. Демак, қайта ишлашдан ҳосил бўладиган оборот солиғи шу ерда қолади.

СОЛИҚЛАР ТАРТИБИ

Давлат бюджети даромадларининг шаклланишида олиқ-солиқлар асосий роль ўйнайди. Бу ўринда солиқларнинг учта асосий шаклини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир: оборот солиғи, корхона ва ташкилотлар фойдаси (даромади) дан тўловлар, аҳолидан ундириладиган давлат солиқлари. Улар орасида асосий ўринни корхона ва ташкилотларнинг ўз даромадидан дав-

латга, яъни мулк эгасига тўловлари эгаллайди. Бу йўл билан давлат бюджетига 1991 йилда 6 млрд. сўмдан кўпроқ маблағ тушди.

Оборот солиғи маълум товарлар турига белгиланадиган баҳолар орқали давлат бюджети томонидан тўла ўзлаштириладиган жамият соф даромадининг бир қисмидир. Оборот солиғининг миқдори бир неча усуллар орқали белгиланади. Асосий усул — муомаладаги саноат улгуржи баҳолари ва чакана баҳолар ўртасидаги фарқ ёки чакана ҳамда саноат баҳолари ўртасидаги фарқдир (савдо чегирмасини чиқариб ташлагандан кейин).

Оборот солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ҳукумат топшириғига мувофиқ молия вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва маҳкамалар билан келишилган ҳолда белгиланади. Оборот солиғи ставкаси товарлар гуруҳи, ҳудудлар, саноат тармоқлари конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилиб ишлаб чиқилади.

30-жадвал

Оборот солиғининг давлат бюджети даромадларидаги улуши (млн. сўм, %)

Кўрсаткичлар	1980 й.	1985 й.	1990 й.	1980—1990 йилларда ўсиш, %
Давлат бюджети даромадлари	6423,1	8444,8	15374,0	239,4
Шу жумладан:	100,0	100,0	100,0	100,0
оборот солиғи	2847,9	3433,8	3994,5	140,2
умумий бюджет даромадига нисбатан, % ҳисобиди	44,4	43,3	26,0	58,6

Жадвалдан кўриниб турибдики, давлат бюджети даромадлари орасида оборот солиғининг ҳиссаси пасайиб бормоқда. Кейинги йилларда давлат бюджети даромадларига оборот солиғи асосан алкоголь ичимликларни сотишдан тушмоқда. Нима учун ишлаб чиқарилаётган кўпгина саноат маҳсулотларидан оборот солиғи ундирилмайди? Гап шундаки, ишлаб чиқарилаётган кўпгина саноат маҳсулотлари жуда кам миқдорда ишлаб чиқарилаётгани учун уларга кетаётган харажатлар даражаси анча юқори.

Бунинг устига республикамизда ҳануз хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, материаллар ишлаб чиқариш даражаси анча баланд. Оборот солиғи эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тугал қайта ишланадиган саноат марказларида кўпроқ ҳосил бўлади. Енгил автомобиллар, мураккаб уй-рўзгор анжомлари — музлаткич, чанг-ютгич, телевизор ва бошқалар ҳамда пахтачи чуқур қайта ишлайдиган тўқимачилик саноатидан кўпроқ оборот солиғи тушади (31-жадвал).

31-жадвал

Корхона ва ташкилотлар даромадидан тўлов (млн. сўм)

Кўрсаткичлар	1985 й.	1990 й.	1985—90 йилларда ўсиш, % ¹⁰
Давлат бюджети даромадлари, сўм	8444,8	15374,0	182,1
%	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:			
корхона ва ташкилотлар фойдаси (даромадидан) бюджетга (тўловлар)	1637,1	1637,1	100,0
корхона ва ташкилот тўловларининг умумий бюджет даромадига нисбатан, % ҳисобида	19,4	10,6	54,6

Аҳолидан давлат бюджети фойдасига ундириладиган даромад солиқлари шахсларнинг даромад (мулк)ларидан мажбурий олинадиган норматив маблағдир. Аҳолидан ундириладиган солиқларга — ишчи ва хизматчилардан даромад солиғи (иш ҳақининг миқдорига қараб), ер участкаларидан фойдаланганлиги учун қишлоқ хўжалик солиғи, шунингдек, аҳолидан ундириладиган маҳаллий солиқ ва йиғимлар (масалан, мерос, ҳадя) кирилади. Даромад солиғи яна жамоа хўжаликлари, бошқа кооператив ва ижтимоий ташкилотлардаи, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғуллаиладиган шахслардан ҳам ундирилади. Солиқ ставкаси солиқ ундириладиган даромад миқдоридан фоиз ёки сўм ҳисобида белгиланади. Қатъий пропорционал, прогрессив, регрессив солиқ ставкалари мавжуд.

Агар солиқ ставкаси i га тенг бўлса, солиқ ундириладиган даромад — Q , унда $H = \frac{Q \cdot i}{100}$ га тенг. Алоҳида корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолиятини рағбатлантириш учун турли хил имтиёзли, қулай ва камайтирилган солиқ ставкалари қўлланилади.

32-жадвал

Аҳолидан даромад солиқлари ва давлат бюджетида уларнинг ҳиссаси

Кўрсаткичлар	1980 й.	1985 й.	1990 й.	1980—90 йилларда ўсиш н. а.
Давлат бюджети даромадлари, млн. сўм	6423,1	8444,8	15374,0	239,5
шу жумладан:	100,0	100,0	100,0	100,0
аҳолидан ундирилган даромад солиқлари,	749,3	959,2	864,3	115,3
%	13,2	12,1	5,6	42,4

32-жадвалдан кўриниб турибдики, кейинги ўн йилликда аҳолидан олинadиган даромад солиқлари сезиларли ўсди. У давлат бюджети даромадларидан устунроқ ўсди. Чунки ўтган давр мобайнида давлат бюджетининг бошқа даромад манбалари — оборот солиғи, давлат корхоналари ва ташкилотлари даромадларидан тўловлар қисқарди. Аҳолидан ундириладиган давлат солиқларининг асосий қисмини даромад солиқлари ташкил қилади — 93,0 фоиз. Бу тифадаги солиқларнинг қолган қисмини қишлоқ хўжалиғи солиғи, бўйдоқлардан, ёлғиз ва кичик оилали фуқаролардан ундириладиган солиқлар ташкил этади.

Аҳолидан ундириладиган даромад солиғи ҳақида янги давлат қонуни амал қилмоқда. Бу қонуннинг илгари амал қилиб келган қонундан фарқи шуки, энг кам маош оладиган кишилардан солиқ ундирилмайди. Бундан ташқари, агар илгари қарамоғида тўрт ва ундан кўпроқ киши бўлганларга солиқ солишда 30 фоизлик имтиёз бўлган бўлса, ҳозир бу қоида қарамоғида уч ва ундан кўпроқ киши бўлганларга ҳам тегишлидир. Бу ҳам оила бюджетига ижобий таъсир кўрсатади.

Янги қонун илгари касб-кори ва тармоқ принципига қараб жорий қилинган кўпгина имтиёзларни бекор қилиб, ҳозир фақат бир томонга, яъни солиқ имтиёзларини ижтимоий меҳнат хусусиятларига қараб, биринчи навбатда кам таъминланган тоифадаги фуқароларга қаратилган.

Болалигидан ногирон бўлиб қолганлар, уруш қатнашчилари, қаҳрамон оналар солиқ тўлашдан бутунлай озод этилган. I ва II гуруҳ меҳнат ногиронлари, «афғон» жангчиларга солиқ тўлашда имтиёз берилган.

Шу билан бирга, солиқ системаси даромадлари ўртачадан бир неча бор юқори бўлган шахслардан кўпайиб борувчи ставкада солиқ ундиришни назарда тутади.

Қўшимча ишдан, оғир табиий шароитда ишлайдиганлардан, ижодий ходимлардан, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиганлардан иш характерини ҳисобга олган ҳолда алоҳида ставкада солиқ ундирилади.

Аммо буларнинг ҳаммаси келажакда фуқаролар даромадларидан солиқ ундиришни туб ислоҳ қилишнинг биринчи босқичидир. Даромаддан солиқ ундиришнинг универсал системаси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Бунинг маъноси шуки, аҳолидан даромад солиғини ундириш тартиби фуқароларнинг қайси ижтимоий табақага мансублигидан қатъи назар йил давомида барча манбалардан келадиган даромадларни тўла ҳисобга олишга асосланади. Бу шуни билдирадики, барча фуқаролар оладиган даромадлари ҳақида ҳисоб беради, яъни даромадлари тўғрисида декларация тақдим этадилар.

КРЕДИТ-БАНК СИСТЕМАСИ

Кредит муносабатларининг объектив зарурати ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида товар ресурслари ва пул маблағларининг айланма ҳаракати қонуниятларидан келиб чиқади. Айланма ҳаракат давомида вақтинча бўш воситалар (пул) вужудга келади. Корхона ўз маҳсулотини сотгандан кейин маълум пул маблағига эга бўлади. Лекин бу маблағ қўлга кириши биланоқ хом ашё, материаллар, иш ҳақи ва мукофотга сарф этилмайди. Корхона аста-секин ишлаб чиқаришни ривожлантириш, фан ва техника фонди, моддий рағ-

батлантириш фондини жамғариб боради, суғурта захираларини яратади. Жамғарилган пул воситалари эгаси уни бирон-бир юмушга сарфлагунга қадар вақтинча бўш. Худди яна шу вазият кредит муносабатларининг пайдо бўлиши учун реал асос ҳозирлайди. Бир корхонада вақтинча бўш воситалар пайдо бўлган вақтининг ўзида бошқа бир корхона қўшимча воситаларни жалб қилишга эҳтиёж сезади.

Кредит иқтисодий категория бўлиб, ссуда фондини шаклланиши ва унда фойдаланиш, яъни маълум муддатга қайтариб бериш ва фоииз тўлаш шарт билан биронинг жамғарилган воситасини иккинчи томон вақтинча фойдаланиш учун бериб туриш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни ифодалайди. Бундай муносабатлар давлат, меҳнат жамоалари ва айрим шахслар ўртасида содир бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда кредит муносабатлари кўп қиррали ва кенг. Улар банкларнинг давлат корхона ва ташкилотлари, колхозлар ва бошқа кооператив уюшмалар, алоҳида меҳнаткашлар, шунингдек бошқа мамлакатлар ва уларнинг банклари ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади. Банк кредити асосий, етакчи кредит муносабатлари шаклидир.

Банклар давлат кредит (қарз бериш) муассасалари бўлиб, давлат, корхона, кооператив ва ижтимоий ташкилотлар, аҳолининг вақтинча бўш пул воситаларини ўзида бирлаштиради. Халқ хўжалиги ва фуқароларга узоқ ва қисқа муддатли кредитлар бериш, капитал маблағларни молиялаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш, пул эмиссиялаш ва халқ хўжалигига кассали хизмат қилиш, нақд пулни инкассация қилиш, давлат бюджетининг кассали бажарилишини таъминлаш, ҳисоб-китобларни чет эл валютасида амалга оширишни ташкил этиш ва бошқа пул муомалаларини бажаради.

Ҳозир республикада маълум банк системаси мавжуд бўлиб, унинг таркибига марказий давлат банкидан ташқари қуйидаги ихтисослашган банклар киради: агро-саноат, саноат-қурилиш, уй-жой, коммунал хўжалик ва ижтимоий ривожланиш, меҳнат жамғармалари ва аҳолига қарз бериш, ташқи иқтисодий фаолият банкларидир. Вилоят, шаҳар ва туманларда банклар бошқармаси ва бўлимлари фаолият кўрсатади. Марказий давлат банки барча ихтисослашган ва ҳудудий банклар ишини

мувофиқлаштириб боради, пул муомаласини бошқаришни таъминлайди.

Банклар ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайди. Уларнинг фойдаси берган қарзлари фойзидан ҳосил бўлади.

Банкларнинг халқ хўжалигига ва аҳолига кредит бериши йилдан-йилга ошиб бормоқда (33-жадвал). Банк кредитининг асосий қисми — 91,2 фоизини қисқа муддатли кредит ташкил этади. Бу хил кредитлар асосан аҳолига шахсий уй-жой қуриш учун ажратилади. Шу мақсадда аҳолига узоқ муддатли ссуда бериш ҳам ривожланмоқда. Узоқ муддатли ссудалар одатда капитал қурилишлар учун бериладиган қарз бўлиб ҳисобланади.

33-жадвал

Банкларнинг халқ хўжалигига ва аҳолига кредит бериши
(млрд. сўм)

Йиллар	Ссуда, ҳаммаси	Шу жумладан			
		қисқа муддати	фойз ҳисобига	узоқ муддатли	фойз ҳисобига
1980	12,5	11,0	87,6	1,5	12,4
1985	23,6	21,8	92,3	1,8	7,7
1990	14,3	10,9	76,2	3,4	23,8
1991	31,7	28,9	91,2	2,8	8,8

Халқ хўжалигини мутаносиб ва суръатли ривожлантиришда, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда, ижтимоий тақрор йшлаб чиқаришнинг моддий ва қиймат нисбатини, аҳолининг пул даромади ва харажатларини уйғунлаштиришда банкларнинг роли ортиб боради. Иқтисодиётни соғломлаштириш ва пул ресурсларини сафарбар қилишни фаоллаштириш мақсадида кооператив асосда тижорат банклари ташкил этилган. Хусусий банклар, ширкатчилик асосидаги банклар келгусида кўпайиб боради. Барча банк соҳаларида тижоратлаштириш жараёни бормоқда.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Аҳоли ва меҳнат ресурслари	
Аҳолининг табиий ўсиши	4
Аҳоли структураси	8
Меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш	10
Ер ва сув ресурслари	
Ер ресурслари	15
Сув ресурслари	19
Ер-сув ресурсларидан фойдаланиш	22
Минерал хом ашё ресурслари	
Енилги-энергетика ресурслари . . .	27
Металл минерал хом ашё ресурслари	30
Нометалл қазилма бойликлар	32
Саноат	
Саноат структураси ва тараққиёт бошқичлари	35
Саноат тараққиётининг ҳозирги аҳволи	38
Саноат тараққиётидаги зиддиятлар	42
Қишлоқ хўжалиги	
Қишлоқ хўжалиги ва унинг халқ хўжалигида тутган ўрни	46
Қишлоқ хўжалиги тараққиётининг баъзи жиҳатлари . . .	49
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ижтимоий-иқтисодий тузилиши	53
Қишлоқ хўжалиги тараққиёти истиқболлари	55
Номоддий ишлаб чиқариш	
Номоддий ишлаб чиқариш соҳасининг моҳияти, структураси ва халқ хўжалигида тутган ўрни	58
Транспорт ва алоқа. Аҳолига хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари	60
Ижтимоий соҳа	63
Номоддий ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш истиқболлари	66

Ижтимоий ишлаб чиқариш структураси ва самарадорлиги

Ижтимоий ишлаб чиқариш структураси	68
Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги	70
Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар	72
Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш резервлари	75

Истеъмол бозори ва аҳоли турмуш даражаси

Истеъмол бозори нима?	78
Аҳоли турмуш даражасининг асосий кўрсаткичлари	83
Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш	86

Инвестиция сиёсати ва қурилиш комплекси

Инвестиция сиёсатининг ҳозирги босқичи	87
Қурилиш комплекси структураси	89
Капитал маблағлар самарадорлигини ошириш йўллари	91

Ташқи иқтисодий алоқалар

Иқтисодий алоқалар структураси	92
Экспорт ва импорт структураси	94
Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожлантирилиши	97

Молия ва кредит сиёсати

Молия муносабатлари ва молия сиёсати	99
Давлат бюджети	100
Солиқлар тартиби	103
Кредит-банк системаси	107

ТУХЛИЕВ НУРИСЛОМ
ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЕТИ

Тошкент «Ўқитувчи» 1994

Таҳририят мудистри *С. Мўминов*
Муҳаррир *И. Шоймардонов*
Техник муҳаррир *Д. Габдурахмонова*
Бадний муҳаррир *Б. Жўраев*
Мусаҳҳиҳа *Э. Содиқова*

ИБ № 6477

Теришга берилди 11.01.94. Босишга рухсат этилди 15.08.94. Бичим: 84×108¹/₃₂. Тип. қоғози, Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 5,88. Шартли кр.-отг. 16,09. Нашг. л. 5,48. 5000 нусхада босилди. Буюртма 2335.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 07—188—9.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида босилди, 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-бек кўча, 2-уй. 1994.